

Халдарчаева Г.С.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ  
ЁНДАШУВ АСОСИДА ЙҮКИТИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА  
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ОТАЖОНОВА Д.Б.**

**ТАРЖИМАНИНГ ОРТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Монография**

**Тошкент-2023.**

**«Zebo prints»**

**УДК-80/81;821.0**

**КБК-80/84**

**O-75**

**Отажонова Д.Б. / Таржиманинг ортологик хусусиятлари./**  
Монография - Тошкент: «Zebo prints», 2023. – 132 бет.

**Тақризчилар:**

**филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент М.Т.Қодирова**  
**филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент З.И.Санакулов**

Мазкур монографияда таржимашунослик соҳасида бугунга қадар долзарб бўлиб келган ва ҳанузгача ўз ечимини тўлақонли топмаган ортологик аспектларнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, бадиий таржима адабиётларидан лавҳалар ҳавола этилиб қиёслаб, чоғиштириб таҳлил қилинган.

Монография олий ўкув юртлари талабалари, магистрлар, тадқиқотчилар ва шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бораётган барча таржимашунос мутахассислар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9910-9415-2-8

© Отажонова Д.Б., 2023

© «Zebo prints», 2023

# **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b>	<b>4</b>
<b>1 БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	<b>8</b>
1.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш касбий педагогик зарурат сифатида	8
1.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг педагогик-психологик ҳамда методик йўналишлари	35
I боб юзасидан хулосалар	96
<b>II БОБ. ТАЛАБАЛАРГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</b>	<b>98</b>
2.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга оид замонавий ёндашув ва хорижий тажрибалар	98
2.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишни самарали ташкил этиш ва унинг сифатини аниqlаш усуллари	119
II боб юзасидан хулосалар	131
3.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг методикаси	133
3.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг самарадорлиги	153
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b>	<b>155</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b>	<b>158</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

## **КИРИШ**

Халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Инновацион таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида инглиз тили ўқитиш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида мутахассисларнинг креатив ёндашув асосида ўқитиш инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи педагогик жараёнлар асосида когнитив ҳамда дивергент фикрлаш қобилиятни тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда рўй берадиган кескин ўзгаришлар тайёрланаётган мутахассис-кадрларга ҳам янгича ёндашувни талаб этмоқда. Жумладан, таълимни самарали ташкил этишнинг педагогик-психологик ҳамда методик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини - ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида талабаларга инглиз тили ўқитишнинг янгича

самарали ёндашуви ҳамда илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда талабаларнинг инглиз тили ўқитиши фаолиятига қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, креативлик ва инновацион тафаккур муҳим индикатор сифатида эътироф қилинди. Талабаларга инглиз тили ўқитиши жараёнларини шакллантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар базаси тубдан янгиланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “..... инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” устувор вазифалар этиб белгиланди<sup>1</sup>. Бу борадаги вазифалар таълим жараёнлари мазмунини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳужжатлар тўплами – Т.; 2017 – 6.37.

вазифаларни амалга оширишга ушбу ўқув қўлланма муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур ўқув қўлланма республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Ўзбекистон олимларидан талабаларга таълимни ташкил этишинг илмий-методик асослари ҳамда ижтимоий-педагогик ва фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилиш юзасидан А.Бегматов [34], М.Каххарова[53], А.Магзумов[72 ],

Ж. Йўлдошев[ 51 ], Ф.Раҳматова[99], Р.Джураев [43], Б.Джураева [44], Н.Жумаева[47], З.Измаилова [48], У.Маҳкамов[73], М. Иномова [50], О.Мусурмонова [91], Б.Рахимов[98 ], М.Хайдаров[111], Давлетшин М[42 ], О. Ҳасанбоева[109 ], К. Ҳошимов[[110 ], М.Қуронов[107 ], лар илмий изланишлар олиб боришиган.

МДҲ олимлардан А.Ажибаева[25], В.Межуев[85], К.Корсак[57], Литвинова Л. [69],Н.Коршунова[58] Митина Л. [86], Мороз А. [87 ] кабилар томонидан муаммонинг ижтимоий-педагогик ва фалсафий жиҳатларини ўрганилган.

Хориж олимларидан Botcheva, L. [35 ], Spivak A.L. [100], Huffman, L. [35 ], Shin J. [ 35], Дъюи Д [44 ]лар томонидан мазкур муаммога оид илмий изланишлар олиб борилган.

Ўқув қўлланманинг **мақсади** талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишининг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишининг шахс касбий камолотида тутган ўрнини мавжуд тажрибаларга таянган ҳолда илмий-методик жиҳатдан асослаш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик асосларининг ижтимоий-педагогик аҳамиятини илмий-методик жиҳатдан тадқиқ этиш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик тизимини такомиллаштириш, ташхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик жараён мазмуни, талабаларнинг ўзини-ўзи касбий такомиллаштириш талаблари асосида аниқлаштирилган;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиша ижодкорлик, креативлик, креатив ёндашув, мустақил фикрлаш каби компонентларнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти назарий жиҳатдан тадқиқ этилди;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик, психологик-педагогик омилларини аниқлаштириш орқали уларни касбий-методик йўналтирилган интеграцион таъсир кўрсатиш механизми ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилди;

талабаларни инглиз тилига ўргатиш, уларда методик ривожлантиришнинг модулли технологияси яратилди ҳамда илмий хуносалар ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

# **1 БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши касбий педагогик зарурат сифатида**

Таълим бериш бу талаба онгининг марказига билим уруғларини сочишдир. Худди фермер сингари сочилган уруғдан яҳши ҳосил олиш учун бир қанча муҳим бўлган турли факторларни инобатга олганидек, ўқитувчи ҳам талабаларни берилган илмни яҳши ўзлаштиришлари учун кўплаб ўхашлиги бўлмаган услубларни қўллаши мақсадга мувофиқдир. Томас Эдисон томонидан ажойиб тарзда таърифланган таълимда креатив ёндашув ғояси қуидагича изоҳланади, “Даҳоликнинг – бир фоизи илҳомдан, тўқсон тўққиз фоизи меҳнат эвазигадир”. Креатив ўқитувчи ўзида мавжуд бўлган қобилиятни янада шакллантириш учун таълим беришни, ўрганишни ҳамда янги таълим бериш методларини қабул қилишни ёқтиради. Креатив ёндашувнинг имкони йўқ агарда талабанинг ўқитувчидан нима хоҳлаётгани маълум бўлмаса, чунки бу ўқитувчига таълим жараёнини уларнинг эҳтиёжи асосида ташкил қилишга кўмак беради. Р. В Люс (1990) ўзининг талабаларидан нимани ўргангандигини баён қиласди: [27].

Талабаларнинг коллеж тажрибасига доир энг машхур изоҳларидан бири бу индивидуал кўрсатма эди. Уларнинг ҳаммаси ўзларига тегишли эҳтиёжнинг таъминотини исташади. Улар ўзларига хос иқтидор ва истеъдод ҳурмат қозонишини арзирли муносабатга эга бўлишини шу аснода тўданинг бир қисми бўлишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этишни хоҳлашарди.

Талабалар ўқитувчиларини уларни инсон сифатида танийдиган, уларга фақатгина имтихонда кўмак берадиган эмас балки ғамхўрлик қиласиган устозларни ҳақиқий одамлар орасидан бўлишини исташади.

Улар йўқотиладиган эмас йўқланадиган бўлишни хоҳлашади.

Талабалар уларни ҳар доим назорат қиласиган, уларнинг индивидуал таълим мини қўллаб қувватлайдиган, уларга ўзларининг муваффақияти ҳақида индивидуал хабар берадиган ва уларнинг индивидуал услубига мос келадиган, таълим даражасига мос равишда қуролланган мухитда таълим олиш имконини берувчи турли вазифаларни берадиган ғамхўрни исташади.

Улар ўзларининг даражасида гаплашадиган, ҳазил мутобиба қила оладиган ва уларга бошқа талабалар билан ўрганишга ҳамда гапиришга руҳсат берадиган устозни маъқул кўришади.

Улар аниқ, түлиқ тушунча берилишини, мақбул мисоллар, мураккаб концептларни батафсил изоҳланишини (лекин қисқа) ва саволларини жавобсиз қолдирилмаслигини ёқтиришади.

Талабаларнинг жавоблари ўқитувчиларни хориж тилини ўқитишида фойдаланадиган метод ва услублари ҳақида қайта ўйлашга ва синфда мумкин бўлган энг яхши натижаларга эришишнинг креатив услубларини топишга ундаиди.

Бугунги кунда, глобаллашув сабаб, аксарият олий таълим муассасалари ўзларининг талабаларига яхши тил қўникмаларини таъминлашга эҳтиёж борлигини пайқашди.

Техника университетлари талабалари нигоҳида, шу нарса аёнки, маълум таълим дастурларида Инглиз тили ёки бошқа хориж тилларини ўқитишининг қанчалик аҳамиятли эканигига урғу берган билан, бу биринчи даражали муносабатга эга бўлмайди. Бироқ айни шу дамда тил курслари түлиқ равища рад қилинмайди, чунки шу нарса аёнки аксарият талабалар битиргандан сўнг Инглиз тилида мулоқот қилиши ва техник адабиётни ўзлаштириши даркор, халқаро терминларни билиш ўзларининг йўналишида моҳир бўлиш учун етарли, шунингдек олий маълумотга эга шахсга хос умумий, маданий даражада соҳиби бўлишади.

Хорижий тил курслари рад этилмаслигига қарамай, улар маълум микдорда, таълим жараёнига таъсир қилувчи ва таълим муваффақиятига тўсиқ бўлиб хизмат қиладиган хусусиятга эга.

1. Тил синфидағи талабалар міқдори;
2. Талабаларнинг умумий маданий даражаси;
3. Талабаларнинг фанни ўзлаштиришга етарли мотивацияси.

Кўплаб техника олийгоҳларида тил синфларида талабаларнинг міқдори нисбатан кўп.

Ўқитувчиларнинг одатда катта синфларни тўлиқ назоратга олмаслиги, талабаларнинг пассив эътибори, устоз-шогирд муносабатининг камлиги самарадорликни йўқотади. Катта синфларга дарс берувчи ўқитувчилар маъruzадан сўнг тез тез чарчоқ ҳис қилишади, бу эса уларда зийракликни, иштиёқни қувватни йўқолишига олиб келади. Ҳайес (1997) катта синфларда таълим беришга оид муаммони қуидагича таърифлайди: [43]

Ноқулайлик: Кўп ўқитувчилар катта міқдордаги талабаларнинг кичкина синфхонасига жалб қилинганидан келиб чиқадиган зўриқишдан хавотирга тушишади. Улар талабалар ўртасида ўзаро алоқани ривожлантиришнинг уддасидан чиқа олмайдигандек ҳис қилишади, зеро ҳаракатланиш учун етарли жой мавжуд эмас. Баъзи ўқитувчилар катта синфларда таълим беришдан жисмонан толиқишишади.

Назорат: Ўқитувчилар катта синфларнинг интизом аспектидан кўпроқ ҳавотирда. Улар содир бўлаётган жараённи

назоратга олишни улдасидан чиқа олмайдигандек ҳис қилишади ва шу тариқа синф жуда шовқинли күринишга келади.

Индивидуал муносабат: Кўплаб ўқитувчиларнинг ўйлашича улар талабаларининг эҳтиёжларини шахс сифатида писанд қилишмайди.

Баҳолаш: Ўқитувчилар ҳамма талабаларнинг ижодий ишини текшириш жавобгарлигини ҳис қилишади ва буни улдалай олмасликларидан ҳавотир олишади.

Ўзлаштириш самарадорлиги: Ҳамма ўқитувчи уларнинг талабалари Инглиз тилини ўрганишларини хоҳлашади. Улар шубҳасиз ким нимани ўрганиётганини билмасликларидан ҳавотирда.

Ўқитувчилар учун жуда мухим бўлган жиҳат бу ўз қарорларини маълум таълимий ҳолатдан ва ўзларининг кўникмаларидан келиб чиқиб қабул қилишидир. Тоуба (1999) фикрича, “Ўқитувчиларнинг синфни назорат қилиш қобилияти катта синфларда груп бўлиб ишлашда муваффақиятнинг биринчи даражали ингредиенти ҳисобланади” [70]. Ларрӣ М. Лайнч (2008) қуйида тўлиб кетган хориж тили синфлари ҳақида ёзади: “Агар мен катта ҳажмдаги групга дуч келсан, мен зудлик билан хор кўринишидаги кичик груп ва жуфт бўлиб ишлайдиган стратегияларни қўллайман бу эса менда ва катта групдаги ўрганувчиларда юкламанинг камайишига ёрдам

*беради. Мен шунингдек ўзлаштириши дарајаси “юқори” бўлган ўқувчиларни ажратиб оламан, улар менга гурӯҳ бўлиб ишилашдаги баъзи элементларда кўмак беришади. Бу ҳамма муаммоларни ечмайди, лекин бу илк қадам бўлиб хизмат қиласиди.*

Бу мураккаб таълим мұхитида креатив ёндашув асосида таълим беришнинг муқобил намунасиdir. Коидага кўра, ўқитувчи 4 ёки камроқ талабаларни жалб қиласидиган, ҳамда камдан кам ҳолатларда олтитадан кўпроқ ўзаро ҳамкорликда ўрганиладиган кичик гурӯҳларни ташкил қиласиди. Бундай гурӯҳларда талабалар ўзларини эркинроқ ҳис қилишади, чунки кўпчилиги кичкинагина бўлсада хато қилишдан қўрқишишади ва натижада оғзаки саволларга мустақил жавоб беришга ошиқади, ёки дарсдан олдинги мұхокамаларда иштиёқ билан фаоллик қилишади.

Хорижий тилни катта синфларда ўқитишида креатив ёндашувнинг яна бир самарали қисми бу компьютердан фойдаланиш. Бу ўқитувчиларга тил ўргатишни талабалар учун қизиқарли, енгил ва мазмунли қилишга ёрдам беради. Компьютер орқали талабаларнинг ишини индивидуал ва гурӯҳ шаклида ҳам назорат қиласа бўлади, уларни вазифалар билан банд қилиш ва катта аудитория ёнида туриб вазифа бажармоқдаман дэган ҳис туйғудан ҳоли равишда янги тилни амалиётга қўллашга ундаш мумкин. Хосе Пикардо (2010),

Ноттингем мактаби Испан тили ўқитувчиси - технология орқали ўқитиш ва ўрганишни ривожлантириш ва талабалар қизиқишини уйғотиш учун ас қотадиган 10та таклифни киритди: [50].

Хеч қачон технологияни технология учун фойдаланманг. Аксинча сизнинг иш схемангиз учун энг муносиб нарса бу технология эканига ишонч ҳосил қилинг айнан шу сизга дарсдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишга ёрдам беради.

Оммавий видеолардан фойдаланинг. Технологиянинг кириб келиши дарс жараёнида интернетдан тўғридан тўғри видеони юклаб олиш имконини яратади.

Турли вебсайтлардан, YouTube ёки миллий ТВ каналлардан олинган қизиқарли видео материаллар иштиёки бўлмаган ўсмирларни маълум маданиятга, айримларини эса ўзларининг она юртидан завқ олишга жалб қиласидиган ажойиб услубдир.

Кўпроқ мусиқадан фойдаланинг. Ўсмирлар мусиқанинг ишқибозидир. Қизик жихати шундаки, улар iTunesдан фойдаланса сиз ҳам фойдаланишингиз зарур. Уларни қандай мусиқа турини эштишлари ва шу сингари мусиқани ўрганилаётган тилда қидириб топиш, сўнгра эса дарсда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларингизни хорижий талабалар билан алоқа ўрнатиши учун телеконференция ускуналаридан фойдаланинг

масалан “Skype”дан. Уларнинг ҳаммаси бошқа мамлакатда ҳам ўзлари сингари одамлар борлигини тушунишади ва баъзи дастурлар ёрдамида (МСМ Чат, Хотmail, ҳакозо.) алоқа ўрнатишга уринишиди.

Интерактив оқ доскани самарали қўлланг, унга доир бўлган бошқа бўлимларни ўрганиш учун курсга қатнашинг. Озгина билим сиз ва сизнинг талабаларингиз учун фойдали интерактив синф ўйинларини ташкил қилишга ёрдам беради.

Ўзингизни эшттирувингизни юритинг. Уларни яратиш техник жиҳатдан осон ва яратилгандан сўнг йилдан йилга қайта қайта кўчирилиши мумкин. Улар ҳақида олиб кетиладиган дарс деб мулоҳаза қилинг. Талабаларни бу жараёнга жалб қилинг. Audacity деб номланувчи дастур ёрдамида дастлабки босқични (бошлаш) амалга оширишингиз мумкин.

Синф ёки энциклопедия фан блогини ташкил қилинг. Бу талабаларга уларнинг иши ва ютуқларини кўрсатишга, уларнинг ўзлари чекаётган мashaqatларга диққатини оширишга, сизнинг таълимингизга қўшимча ўлчам беришга ёрдам беради. Балки сиз талабаларингиз фойдаланаётган баъзи ижтимоий тармоқлардан таълимий восита сифатида фойдаланишингиз мумкин.

Талабаларингизга дарс тайёрлаш ва уйга вазифаларни қилишда Интернет воситаларидан тез-тез фойдаланиб туринг. Бундай восита талабаларингизнинг илҳом олишига ундейди.

Ўқувчиларингизга гаджетлардан фойдаланиш кўникмасини ўргатинг. Уларнинг деярли барчасида iPod, мусиқа плейери ҳамда телефонлар мавжуд ва ҳаммасида видео камера бор, нэга унда ўқувчиларни телефонларидан фойдаланиб видео яратиш вазифаси билан банд қилмайсиз?

Техника университетлари талабаларининг бошқа маданиятга бўлган қизиқиши гуманитар соҳа университетлари талабалари қизиқишига қиёслаганда камроқдир. Демак хориж тили ўқитувчиси талабаларнинг ўрганишини уларнинг билим ва тажрибасидан келиб чиқиб таъминлаш учун креатив услуб топишда муаммоли вазиятга дуч келишади. Зеро Техника университети талабалари дунё тарихи, география, адабиёт, фалсафа, маданият ва санъат ҳақида чекланган билимга эга, хориж тили ўқитувчиси манашу бўшлиқни тўлдириши, талабаларнинг тили ўрганилаётган давлат ҳақида, ўша давлатнинг қўни-қўшнилари ҳақида ва умуман барча ҳудудлари ҳақида дунёқарашни кенгайтириши мумкин. Масалан Немис тили дарсида ўқитувчи фақатгина Германия ҳақида эмас, балки Франция, Англия, Россия, Италия, Голландия, Словакия ва Ғарб цивилизациясига оид бошқа давлатлар ҳақида ҳам сухбат келтириши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, инглиз тили ўқитувчилари инглиз тилини жамики хорижликларнинг тили эканлигини ўз талабаларига эслатмоғи керак. Талабалар қўп маданиятлилик

концептини қабул қила олмайди, бу эса кўплаб инглиз мамлакатларининг бугунги кундаги энг муҳим фундаментал принципидир. Тил ўрганувчилар мамлакатлар ҳақида ҳақиқатни билмасдан, ўтилаётган материалларни тўғри қабул қила олишмайди ва бу ўрганиш жараёнини мураккаблаштиради. Креатив ўқитувчи шунингдек ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш, уларнинг умумий ақлий даражасини ошириш ҳақида ўйлади.

Бу эса ўқитувчининг талаба ўйлаш қобилияти ривожланиши устида мақсадли иш олиб боргани эвазига юзага келган. Хорижий тилни мукаммал ўрганишга қаратилган ҳар қандай ўйга толдирувчи ўйин талабаларнинг лингвистик қобилиятларини, диққатини ва хотирасини юксалтиришга хизмат қиласи ва шу ўринда талабаларда тилни бошқариш кўникмасини шакллантиради.

Олий ўқув юртларида инглиз тилини ўргатишида ўқитувчилар ҳар йили турли хил муаммоларга дуч келишади: Ҳар бир синфда бир гуруҳ талабалар жим ўтиришади, на савол на жавоб беришади, гуруҳ муҳокамасида ҳеч иштирок этишмайди ва ўз ўзидан ўрганиш билан банд бўлишни сира исташмайди.

Аниқ далил шуки, талабанинг иштиёқи олий ўқув ютидаги ўзларига тегишли мутахассислик фанларга, бошқа фанларни ўзлаштиришга нисбатан кўпроқдир. Шу сабабли университет

талабаларининг хорижий тилни ўрганишга бўлган мотивацияси ўзларининг асосий фанлари кесимидан баланд эмас.

Жеффрейнинг айтишича (2006): “Куи даражада мавжуд бўлган талаба мотивацияси ва унинг сабаби, ўқитувчиларнинг елкасида юксак маъсулиятдандир, зеро улар талабани рухлантиришда энг муҳим ролни ўйнашади”.

Ўқитувчилар, психологик потенциал масофасини камайтириш учун ва талабаларнинг ўзлари ҳамда ўрганилаётган тил ва унинг маданияти ўртасида ақлий чегара яратишни намойиш қилишга иштиёқманд эканликларини кўрсатишлари лозим.

Ўқитувчилар синфни интизомини сақлаш учун равон йўлдан юриши, шу билан бирга талабаларни илхомлантириши ва онгини қўтариши учун етарли бўладиган фанга қизиқишини уйғотишлари зарур.

Мотивация хориж тилини ўрганишнинг ҳар доим энг муҳим нуқтаи назаридир. Креатив ёндашувга эга тил ўқитувчилари талабаларнинг фанни ўзлаштиришга бўлган мотивациясини ошириш борасида турли усулларни топиши мумкин.

Мотивация тушунчаси - иккинчи тил ўрганиш контекстида “Гарднернинг фикрига кўра (1985) бу ҳаракатни амалга ошириш индивидуал ишда ва тил ўрганишга уринишда келиб чиқган хоҳишининг, қониқишининг ҳажмига тегишлидир”.

Сасснинг мuloҳазаси қуидаги 8 хусусиятни талаба мотивациясининг асосий бўғини сифатида дунёга келтирди:

1. Кўрсатма берувчининг иштиёқи;
2. Материалнинг алоқадорлиги;
3. Курснинг ташкилий қисми;
4. Материал даражасига доир қийинчилик;
5. Талабаларнинг фаол жалб қилиниши;
6. Турли туманлик;
7. Устоз – шогирд муносабатлари;
8. Тушунарли, аниқ ва мос натижани қўллаш.

Олий ўқув юрти талабаларининг инглиз тилини билиш даражаси юқори эмас ўртача. Бенсон шуни таъкидлайдики, таълим берувчиларни одатда ҳайратга туширадиган омил бу университет талабаларининг инглиз тилидаги нутқни қўллаш қобилиятигининг грамматик қобилиятга нисбатан қуий эканлигига.

Китао & Китао (1995) Инглиз тилини ўқитиш ҳақида қуидагича ёзади: Университет даражасидаги аксарият инглиз тили дарслари бу ўқиш дарсларидир. Кўпчилик талабаларнинг фикрича улар инглиз тилида ёза олишади лекин гапиришмайди.

Эҳтимол бўлажак хориж тили ўқитувчиси энг қийин вазифаси бу ўз ўқувчиларининг ҳосилдорлик (гапириш ва ёзиш) қобилиятини шакллантиришдир. Мен ўзимдан ҳар доим “нега мени талабаларим ўзаро алоқа қилишга истак

билдиришмайди” деб сўрайман? Сабаблар ҳар хил. Баъзи талабалар дарсга тайёр эмасдек ва материални тушунишга қодир эмасдек ҳис қилишади; бошқалар ўзларининг қўшимча ишларидан ёки баъзи ташвишларидан чарчаган; баъзилари эса шахсий муаммолар гирдобида қолган ёки бошқа фанларни чуқур ўрганишдек кучли босим остида ва ҳакозо каби ҳолатларни бошдан ўтказишади.

Бироқ баъзи сабаблар борки барча ўзаро алоқа қилишдан йироқ бўлган талабаларни жипслаштиради.

Улар одатда жуда уятчанг, бошқа талабалар олдида гапиришга ёки фикр баён қилишга, шунингдек улар ўзаро алоқа қилиш мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатда фаоллик қилишмайди.

Улар хато қилишдан қўрқишиади ва умуман бирон ишни нотўғри бажармаслик учун алоқа қилмасликни афзал кўришади.

Улар жазоланишга қарши эмас. Агар жазо уларнинг хатоси учун эмас уларнинг бефарқлиги учун бўлса.

Бундай ҳолда шуни айтиш жоизки улар ўзларининг фикрини устозницидан устун қўяди ва уни мақуллади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек пассив талаба билан ишлашнинг энг самарали услубларидан бири бу катта гурухларни (20 кишидан кўпроқ) кичик гурухларга (4,5 ёки 6 кишилик) бўлишдир.

Маълумки гуруҳ машқларида иштирок талабаларнинг дарсда бандлигини таъминлайди ва ўрганиш учун шароит яратади. Мен тез-тез дарсларимда ушбу методга мурожат қиласман. Бироқ фаол бўлмаган талабалар тимсолида биз ҳатто, уларни кичик гурухларга бўлган тақдирда ҳам, улар учун бошқа билан алоқа қилишдан қочиш осонроқ бўлади. Улар бор ташаббусни гуруҳ етакчисига тақдим этишади ва муҳокамасига бефарқ қолишади, баъзилари эса бошқалар машқларни бажараётган маҳал шира уйқуда.

Яна бир муҳим фактор бу етакчининг хулқи. Агар етакчи ўта устунликка ўч бўлса, у гуруҳ машғулотларида жами ташаббускорликни қўлга олиб барча ишни ўзи бажаради. Қолган аъзолар худди маъқулловчи жамоа сингари унинг пассив қўллагувчисига айланади.

Нофаол талабаларни таълим жараёнига жалб қилиш учун онлайн чат ва хабарлашувни таклиф қилган бўлардим.

Онлайн алоқа учун Skypeни қўллаш мумкин. Skype машхур хабар ва овозли алоқа воситаси, бизнес оламида айниқса экспорт-импорт тармоғида кенг қўлланилади. Skype мутлақо бепул, кўчириш учун осон, ҳавфсиз ва қоидага кўра фойдаланувчилар тўғридан тўғри қўнғироқ қилишлари, хабарлашишлари мумкин. Шунингдек, у видео конференцияда зарурий юқори сифатли видео хизматини таъминлайди. Бироқ, бу дастурлардан тўлиқ хизмат сифатига эга бўлмасак интернет

оламида мавжуд бошқа турли хил дастурларни кузатишимиз мумкин, ва улар талабаларга таништирилиши ёки Skype үрнида қўлланилиши мумкин.

Талабаларни тил ўрганиш жараёни билан банд қилиш учун кўплаб машғулотлар бор, лекин энг муваффақиятли машғулот уларнинг ичидаги фақат биттаси ҳақиқатда қизиқтира олиши мумкин. Зотан, бизнинг асосий мақсадимиз хориж тилини ўрганишда талабаларнинг ўзаро алоқаси бўлса, демак энг муваффақиятли машғулот сифатида улар ўзаро алоқа учун фойдаланишадиганлардан биридир. Техника йўналишига яқин талабалар одатда ўзаро алоқани хабар ёзиш ёки телефон воситаси орқали амалга оширишади. Ҳатто, дарс пайтида кимнингдир ушбу восита тугмаларини босиб ўтирганини кузатишимиз мумкин. Хуллас, биз дарсларимизда уларнинг телефондан кўра Skуредан фойдаланишга ундашимиз мумкин, шундай бўлсада машғулот дастлабки кўринишидан асло фарқ қилмайди. Шунингдек, инглиз тилини мuloқot учун қўллашимиз мумкин. Ўқитувчининг мажбурияти фақатгина жараённи назорат қилишдир. Бундай креатив вазифанинг намунаси сифатида қўйидаги машғулот таклиф қилиниши мумкин.

**Activity I:** Талабалар кичик групкаларга бўлинади (4 кишидан ҳар бири). Ҳар бир груп “тижорат компанияси” электрон луғатларнинг паст нархдаги сотув ва харидини амалга

оширади. Ўқитувчи ягона харидор, яҳши электрон луғатни сотиб олиш учун энг яҳши компанияларда бўлди. Ўқитувчи буюртмасига эга бўладиган компания мусобақа ғолибига айланади.

**Activity II:** Ҳар бир гурӯҳ 4 кишидан ташкил топган: бошлиқ, менежер, қабул қилувчи ва реклама агентлари, улар турли вазифаларни адо этишади ва уларнинг машғулотлари қисман фарқ қиласди.

Бошлиқ бутун жараённи назорат қилишга масъул. У ўзининг жамоасига вазифа ва қўрсатмалар берадиган, компанияни ривожлантирадиган етакчи хисобланади. У харидор билан ўта нозик ҳолларда келишадиган шахс. Менежер эса унинг компаниясиға тегишли ишларнинг уними тўғрисида тушунча берадиган, харидорларни буюртма беришга кўндирадиган услубларни ишлаб чиқарувчи шахс. Қабул қилувчи харидорлар томинидан телефон қўнгириклигида масъул ва таржимонларга гурӯхнинг бошқа аъзолари баъзи ишлар билан банд бўлганда ёрдам берадиган мутахассис. Нихоят реклама агенти – бу маҳсулотни диққат тортувчи суратларини яратувчи, реклама ва эълонларни ишлаб чиқувчи ҳамда баъзи эслатмаларни жўнатиб турувчи мутахассис. Бу компаниядаги энг сара креатив ролдир. Ўқитувчи эса ҳамма талабаларининг бундай вазифаларни уddyalай олишларидан боҳабар бўлмоғи лозим.

Ушбу машғулотларнинг асосий мўлжали бу талабаларни улар ўрганаётган хориж тилида ўзаро алоқа қилишга етарли даражада жалб қилиш ва уларни ўша тилда мулоқот қилишда ишончини оширишдир. Улар камида келажакдаги касблари бундай қобилиятни талаб қилган ҳолда “тирик қолиш” учун ишонч йиғишлиари зарур.

Бу машғулот(activity)лар ёрдамида талабалар билиши лозим бўлган яна бир нарса бу хориж тилининг аслида тил эканлиги ва у ҳеч қандай қонун қоида эмаслигини, уларни ўрганиб яхши олийгоҳга кириш ёки имтиёз олиш мақсад қилинмаганлигини изоҳлашдир.

Тил бу мулоқот воситаси ва сиз уни ҳар қачон ким биландир мулоқот қилиш учун фойдаланишингиз мумкин. Сиз шеригингиз билан сухбат қилганда унинг тушуниши учун грамматикангиз қанчалик тўғри ва мукаммал эканлиги ҳақида ўйлашингизга ҳожат йўқ. Хаттоди она тилимизда гаплашганда кўплаб хатоликлар қиласиз, шундай экан ҳавотир олишнинг кераги йўқ. Натижада шуни гувоҳи бўламизки талабаларимиз ижтимоий тармоқларда улар ўрганаётган тилда фаол бўлишади.

Ж. Пикарди ўзининг талабаси ҳақида сўзлар экан: ижтимоий фаоллик бу умуман талабаларнинг мобил алоқа воситасида ва бошқа қўл ускуналарида ёки партасининг тагида биз ўқитувчилар пайқамаган фурсатда бажарадиган харакатлар


жамланмасидир. Бу уларнинг мактабдан уйга боргач қиладиган иш ҳаркатидир.

Кўпчилик шуни илгари сурадики талабалар шунчаки вақт сарфлашади онлайн режимда фаоллик орқали, бироқ ижтимоий фаоллик ҳақида қанча яхши ёмон гапирмайлик буни рад этиб бўлмайди, у орқали маълумот баҳам кўрилмоқда, ҳамкорликлар ўрнатилмоқда ва бу ишларни улар завқ олгани, ўзларини банд қилиш учун бажаришади, акс ҳолда шунчаки инкор этган бўлишар эди.

Инглиз тили курсларида қреатив ёндашувни ташкил қилиш талабаларнинг мотивациясини оширади ҳамда на оғир на енгил бўлмаган кўрсатмали материалларни муваффақиятли ўзлаштиришларига туртки бўлади. Турли хил инглиз тили ўқитиш машғулотларини ва методларининг зерикарлилиги, башорат қилса бўладиган кундалик жараёнларни янгилайди ва талабаларга руҳият бағишлайди.

Америкалик олим Ж. Рензули томонидан иқтидорлилик мазмунига эга бўлган модел ишлаб чиқилган. Мазкур моделда иқтидорлилик уч ўзаро уйғун таркибий қисмлар мажмуи сифатида намоён бўлади: интеллектуал қобилиятлар; қреативлик; тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилик).

Мазкур моделда Ж. Рензулининг фикрича, “Иқтидорлилик” тушунчасини “салоҳият” тушунчасига қиёслаб қўллаган.



### **1.1-расм. Ж. Рензуллининг уч доирали моделига асосланган 6 доирали модел**

Ж. Рензулли ўз давридаги 3 диорали моделга асосланган иқтидорлиликни тавсифлаган бўлса. Замонавий таълим иқтидорлиликни триада (учлик) деб эмас, олтилик (сикстет): интеллектуал қобилиятлар; тиришқоқлик; креативлик; коммуникативлик; аутопсихологик қобилият; компетентлилик тарзида; қарашни тақозо этади. Бу ерда талабанинг креативлига ҳамда компетентлилик муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиёти натижасида талабаларга инглиз тили ўқитиши шакллари ташкил этилмоқда, жумладан, Ўзбекистон

Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил “Хорижий тилни ўқитишни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида чет тилини ўқитишни ташкил этишнинг грант тизими жорий этила бошланди. Грант тизимининг энг муҳим жиҳати шундаки, у республиканинг устувор ижтимоий-иктисодий йўналишларига мос келиб, ижтимоий ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича илмий-техник муаммоларни тезроқ ечиш имконини беради.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси механизмлари ишлашини таъминлаш давлат ҳаётининг барча соҳаларида инновацияларни ривожлантириш халқаро хамкорликни янада кенгайтириш, талабаларга инглиз тили ўқитишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар таҳлилларидан маълум бўладики, ҳар қандай фаолият шахснинг ҳиссиёти, эҳтиёжи, руҳий-ақлий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ равища амалга ошади. Бинобарин, талабаларга инглиз тили ўқитиш талаба шахсининг ақлий камолотини таъминловчи омил ҳисобланади. Талабаларга инглиз тили ўқитиш асосида амалга оширилувчи фаолият тадқиқот ишимизнинг кейинги бўлимларида алоҳида илмий кузатувлар, таҳлил ва далиллар асосида ёритилади.

Олиб борилган изланишларимизнинг кўрсатишича, “Педагогика олий ўқув юртларида талабаларга инглиз тили ўқитиш фаолияти қандай амалга оширилса, юқори самарага эришилади? Бу жараён қандай қилиб мақсадли ва тизимли амалга оширилади?” каби саволлар ҳозирга қадар ўз ечимини тўлиқ топган эмас.

Шунга кўра биз тадқиқот жараёнида “Бўлажак мутахассиснинг инглиз тилини ўқитиш фаолияти ва касбий компетентлиги қандай бўлиши керак? Бўлажак ўқитувчининг мафкураси қайси ижтимоий талаблар асосида шаклланмоғи лозим?” каби масалалар ўз ечимини топмоғи лозим деб ҳисобладик.

Чет тили ўтиладиган синф хонасида дарсни турфа хил кўринищдаги “ўйин, ҳаракат, тажриба” ва шу каби креатив методлар билан очиб бериш керак.<sup>2</sup> Креатив дарс методлари ўрганувчида мустақил равища чет тилида оғзаки ва ёзма экспериментлар ўtkазишни ва уларни янада ривожлантириш, ўзгартириш каби ҳолатларни ўзлаштиришга имкон беради. Ўйинларга ва тасаввурларга бой бўлган топшириклар чет тилини ўрганувчиларни янада фаоллаштиради ва тилни ривожлантиришга бўлган иштиёқларини янада оширишга

---

<sup>2</sup> Schmidt, Torben & Küppers\_ Almut 2009. Inszenierungspotenziale im Englishunterricht. In: Praxis English Heft 5/2009, S.3.

туртки бўлади. Креатив методлар дарсни бойитади ва ўрганувчилардаги креативлик потенцилни қўпайтиришда ўз хиссасини қўшади.

Креативлик тушунчаси ортида нима яширган? Профессор доктор Юрген Куртц ўз интервюсида креативликнинг турли хил кўринишларини изоҳлаб берган, педагоглар томонидан йўл қўйилган кўплаб хатолар ҳақида тўхталиб ўтган ҳамда йўл қўйилган креатив хатолар туфайли янги масалалар келиб чиқишини таъкидлаган. (Интервью). (Kurzt, Jürgen 2001. Improvisierendes Sprechen im Fremdsprachunterricht. Tübingen:Narr.)

Тасаввур ёрдамида яхшироқ ўрганиш. Чет тили дарсларида бу жараён қандай бажарилиши ва ўрганувчининиг тасаввурини бойитишида ва шахсини ривожлантиришда қандай омиллар таъсир қилиши ҳақида Алмут Купперс тўхталиб ўтган.

Олий таълимда замонавий талабаларнинг хаёти турли хил фаолиятларга бойлиги билан характерланади. Шулардан энг муҳими чет тилини ўрганиш билан боғлиқ фаолият тури ҳисобланади. Чет тилини ўрганишида ва ўзлаштириб олишда энг муҳим омил бу талабалардаги чет тилини ўрганишга бўлган мотивациянинг мавжудлигидир. Ҳар бир ўқувчи мактабни тамомлагандан сўнг олий таълим муассасасида таҳсил олишга ҳаракат қиласи. Баъзи ҳолатларда олий таълим муасасасига ўқишга келган талабаларнинг чет тилларини билиш даражаси

нолга тенг холатларга дуч келиш мумкин. Уларда чет тилини ўрганишга ва юқори даражада ўзлаштириб олишга бўлган ишонч старли бўлмайди. Мана шундай ҳолатларда ўқитувчининг олдида уларда чет тилини ўрганишга бўлган иштиёқни шакллантириш ва ривожлантиришдек жуда катта вазифа туради. Бундай ҳолатда энг таъсирли йўналишлардан бири ўқув жараёнини креатив ташкиллаштира олишдир. Ўқув жараёнини креатив шакллантириш ижодий фаолиятни оширишга ёрдам беради. Ўқитувчи ўз ўқувчиларининг ижодий қобилияtlари ва ижодий хаёлотларини кашф қилиш ва ривожлантириши, ижодий интилишлар асосида уларни мустақил равишда кўникма ва билим олишга ўргатиши керак. Чет тилини ўқитишида креатив ёндашув усули дарснинг анъанавий қисмларига интеллектуал технологияларни киритиш имкониятини яратади. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ўқув жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш вақти келган ва ўқитувчилар нафақат ўзларининг соҳаларини биладиган, балки ўз ишларида энг янги ахборот технологияларидан моҳирона фойдалана оладиган методистлар тайёрлашлари керак.

Мактабда чет тилларини ўқитиши ўқув тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларни ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган. Ўқиш жараёнида талабалар гапириш, тинглаш, ёзиш асосларини, нутқ фаолиятининг асосий

турларини ўзлаштирадилар. Чет тилини ўрганишда креатив ёндашув ушбу асосларни ўзлаштиришда ва чет тилини ўрганишга бўлган қизиқиши оширишни таъминлайди.

Маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг фикрларига кўра, таълимга ижодий ёндашувни таъминлаш керак, бу тўртта асосий жиҳатни ўз ичига олади:

- ижодий жараён;
- ижодий маҳсулот;
- ижодий шахс;
- ижодий мухит.

Ижодий жараён ижодий лойиҳаларни амалга оширишга олиб келадиган, ўқувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий ва нутқ фаоллигини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, мактаб жамоасининг ижодий ҳиссий ҳолатига таъсир этадиган ва ташаббускорлик ва мустақиллигини ривожлантирадиган ўқувчиларнинг психологик ҳимоячисини яратишни ўз ичига олади. Ижодий вазифалар ва иш турлари чарчоқни енгиллаштиришга қаратилган бўлиши зарур. Шундагина ижодий вазифалар нутқ фаолиятини, грамматик ва лексик материалларни муваффақиятли ўзлаштиришга ҳисса қўшади. Чет тили ўқитувчиларининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг дарс бошланишида уларда кузатиладиган фанга қизиқиши доимий ва барқарор бўлишини таъминлашдир. Чет тилини

ўқитишида топшириқларни муваффақиятли бажариш учун қизиқиши фактори катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчи ўз ўқувчиларини турли хил ҳолатларга тушира олиши билан бирга, роль ўйнашда, ижодий лойиҳаларда, танловларда, ижодий лабараторияларни ташкил этишида, креатив тарзда ўз шахсини ривожлантиришида ёрдам берса олиши жуда муҳимдир. Буларнинг барчаси ўқувчиларни умумий ижодий сайъҳаракатлар орқали янгича ижодий фикрлашга ўргатади. Шу билан бирга, маҳсус ижодий муҳитни яратишга хисса қўшади, чунки замонавий жамиятниниг асосий талаблари – бу маълум бўлган чегарадан чиқиб кетишга қодир, ностандарт қарорлар қабул қилиш, фаолиятни ривожлантириш, янгиликлар яратиш билан ажralиб туради. Ижодкорлик замонавий инсоннинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитиши даражаси замонавий ва ўзгарувчан талаблар тизимини ўқув назарияси ва амалиётига жорий этишининг фаол жараёнини тақозо этмоқда. Инновация инглиз тилида *innovation* - янгилик деган маънони англатади. Янгиликнинг асосий кўрсаткичи - бу мактаб анъаналари ва амалиёти билан таққослаганди прогрессив ривожланишдир.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб то ҳозирги даврга қадар кретивлик тушунчаси борасида психологларнинг қарашлари баҳс –

мунозарали тарзда давом этиб келмоқда. Бунинг муаммоли жиҳати шундаки, уни ҳамма ҳар хил талқин қилишидир. Креативлик илмий муаммоларга бўлган таъсирчанликни<sup>3</sup>, ижодкорликка бўлган умумий хусусиятларни, ижодий фикрлашни ва шу кабиларни аниқлаб беради<sup>4</sup>. Креатив педагогик фаолият чет тили ўқитувчисидан чуқур билим ва ташаббускорликни талаб қиласди.

Минг йиллардан буён инсонлар ўзига ёд бўлган тилларни ўрганиб келади. Бирор бир чет тилини ўрганиш йўллари ва усуллари турличадир. Чет тили ўрганишнинг энг табиий йўли ўша тилда сўзловчи шахс билан тўғридан-тўғри мuloқотда бўлиш ёки тили ўрганилаётган мамлакатда маълум муддат давомида яшаш ҳисобланади. Германияда олиб борилаётган бир неча тадқиқотлар инглиз тилини дарс жараёнида 6 -9 йил давомида ўрганаётган ўқувчиларнинг жуда ҳам камчилиги инглиз тилида бемалол гаплаша олишни улдалай олаётганини кўрсатаяпти. Бизнинг тажрибамиз бизга шуни кўрсатдики, чет тилини мактабда ўрганган дунёдаги миллионлаб ўқувчилар ўрганган билим ва кўникмаларини реал вазиятларда қўллай олмайди. Биз ўйлаймизки, бундай ҳолатларда ўқитувчилар

---

<sup>3</sup> Torrance E.P., Myers R.E. Educatin and the Creative Potential. Minneapolis: University of Minnesota Press, 1967.167.p.

<sup>4</sup> Дружинин В.Н. Психология общих способностей. М.: Лантерна; Вита, 1995.149 с.

ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишга бўлган мотивацияларни ривожлантирумаган.

Агарда чет тили дарсларини мутлақо янги концептлар ёрдамида таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда чет тилини ўрганиш ва ўргатиш ҳақида қандай умумий билимга эгамиз деган саволни кўриб чиқишимизга тўғри келади.

Ўтган ўн йиллик мобайнида чет тилларини ўрганиш ва ўргатиш механизми сезиларли даражада ривожланди. Чет тилини яхши даражада ва давомли ўрганиш ва ўргатиш учун аввало ўрганувчида мотивация ва хоҳиш бўлиши лозим. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, чет тилини ўрганиш ва ўргатишда энг муҳими бу мотивациядир. Мотивацияни ҳам ўз навбатида иккига ажратилади: ташқи ва ички мотивация. Ташқи мотивация бу ўрганувчининг ўз хоҳишига кўра эмас балки, турли хил таъсирлар оқибатида шаклланиши мумкин. Ички мотивация эса, чет тилини ўрганувчининг ўз ихтиёри асосида юзага келади.

Чет тилини ўргатишда турли хил самарали методлар: кўп йиллардан бўён чет тилини ўргатиш борасида ва турли хил методлар устида изланишлар олиб борилмоқда.

- Грамматика ва таржима методлари (илк методлардан бири бўлиб, лотин тили дарсларида кўлланилган)
- Визуал –аудитив методлар

- Турли хил коммуникатив методлар ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга тайёрлаш, уларда инглиз тилини ўзлаштиришга оид қўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

## **1.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг педагогик-психологик ҳамда методик йўналишлари**

ОТМларида талабаларни тайёрлашнинг асосий мақсади уларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш хисобланади. Ўзбекистонинг CEFR талблари бўйича 4 қўникмани ривожлантириш орқали умумевропа чет тилини ўзлаштириш компетенцияси даражасига эришишни ўз олдига мақсад қилиб олгани хам шу билан боғлиқдир. Бугунги кунда жамиятнинг коммуникатив компетенцияни ривожлантириш масалалари ва ушбу муаммонинг назарий ишлаб чиқилганлиги ўртасида зиддиятлар мавжуд. Юқорида тъкидланаётганлар ушбу мавзунинг долзарблигига ишора қилмоқда.

Ўрганилаётган тоифанинг мураккаблиги ва кўп аспектлилиги, инглиз тилидан таржиманинг ўзига хослиги тадқиқотчилар “коммуникатив компетенция” хақида жар

солишаётган бир пайтда бир гурух олимлар “коммуникатив компетентлик” хақида жар солишмоқда. Илмий адабиётларда ушбу тушунчалар ўртасида чекланишлар кузатилади. Дейлик, А.И.Сурыгинга кўра, компетенция –бу маълум бир индивидни англаш ва тажриба қобилиятига эга бўлгани билан боғлиқ саволлар доираси, компетентлик – эса компетенцияга асосланган шахс хусусиятидир.

А.В.Хугорскийнинг фикрига кўра, компетенция – бу сифатли маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган, маълум бир фан ёки жараён доирасига нисбатан бериладиган, билим, кўникма, малака ва тажриба фаолияти билан ўзаро боғлиқ мажмуа хисобланар экан. Компетентликни эса олим худди инсоннинг фаолият компетенция ва фан фаолияти билан боғлиқ шахсий муносабатини ўз ичига оладиган тегишли компетенцияга эга бўлиш, деб ҳисоблайди.

Кўпчилик олимлар компетентликни компетенцияга қараганда, янада кенгроқ тушунча билан, аниқроғи билим, кўникма ва малакага эга бўлишдан хам кўпроғинитавсифлашади. Шахс хусусияти сифатида, у фаолиятнинг барча қиррасини ўзида акс эттиради. Компетенция кўпчилик олимларнинг наздида “таълим жараёнининг якуний натижаси”, компетентлик эса “харакатдаги компетенция” сифатида талқин қилинади.

А.В.Хугорский ва В.В.Сафонова ортидан, биз хам ушбу

тоифаларни ажратамиз ва “компетентлик”ни инсоннинг амалий фаолиятга қобилияти, “компетенция”ни эса ушбу қобилиятнинг билим, кўникма, малака ва тажриба кўринишидаги таркибий компоненти сифатида қабул қиласиз.

“Компетенция” атамасини илмий соҳага америкалик лингвист Н. Хомский олиб кириб, бу билан у тил компетенциясини грамматик ва семантик жиҳатдан тўғри гапларни тузиш мақсадида тил тизимининг англаш ва интуитив билими сифатида белгилайди. Кейинчалик, Н. Хомский назариясини янада тараққий эттирган социолингвист Д. Хаймз “коммуникатив компетенция” тушунчасини илгари сурди, хамда уни тилдан ижтимоий вазиятларда тўғри фойдаланиш қобилияти дея талқин этди. Н. Хомский фикрларига танқидий фикр билдирап экан, олим тилни билиш нафақат лексик ва грамматик қоидаларни билиш, балки “маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга холатлар”ни хам англаш деганидир, деб ёзади.

Психолог, лингвист, услубиётчиларнинг коммуникатив компетенция атамаси борасидаги қарашлар ўртасидаги фарқланишлар катта мунозараларга сабаб бўлди. Шунда, М.Н.Вятютнев коммуникатив компетенцияни “инсон қобилиятидан қатъий назар у ёки бу мулоқот вазиятида нутқ дастурини танлаш ва амалга ошириш; талабаларда сухбатгача, хамда инсоннинг ўзаро мослашиш жараёнидаги сухбат давомида юз берадиган мавзу, вазифа, коммуникатив мақсадга

йўналтириш қобилиятидан қатъий назар вазиятларни таснифлаш кўникмаси”. И.А. Зимняя коммуникатив компетенцияни “тилга ўқитиш натижасининг маълум мақсади” сифатида, худди “субъектнинг нутқ муомаласини амалга ошириш билан бирга мулоқотнинг турли вазифалари ва вазиятлари, воситалари, хамда мақсадларига мос келадиган нутқ фаолиятини амалга ошириш қобилияти” каби мулоҳаза юритади. Н.И.Гез коммуникатив компетенцияни худди “турли шаклдаги ижтимоий вазиятларда тилдан тўғри фойдаланиш қобилияти” сифатида тавсифлайди.

Э.Г.Азимов, А.Н.Щукинларнинг услубий атамалар луғатида, коммуникатив компетенция кундалик, таълим, саноат ва маданий ҳаётдаги талаба ва жамиятнинг мулоқот вазифалари учун долзарб чет тили воситалари орқали ечиш, талабаларнинг тил факти ва мулоқот мақсадини амалга ошириш учун қўллай олиш қобилияти сифатида келтирилади.

Кўриниб тўрганидек, айрим тадқиқотчилар коммуникатив компетенция хақида худди нутқ мулоқотини амалга ошириш, фикрларни етказиш, тил белгилари ва улардан фойдаланиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш ва коммуникатив муомалани мулоқот вазиятига мос равишда режалаштириш қобилияти сифатида талқин қилишади. Бошқалар учун коммуникатив компетенция-инсоннинг ўзаро муносабатлари шароитида

шаклланиб, тўпланиб, мулоқотнинг турли вазиятларида акс этадиган билим ва тажрибадир.

Кўплаб таърифлар ушбу тоифанинг замонавий методология, тилшунослик ва психологиядаги ролига ишора қиласди ва айни пайтда таърифларнинг ноаниқлиги ва нотўлиқлигини таъкидлайди.

Коммуникатив компетенциянинг асосий таркибий қисмлари таркибини тушунишда ҳам тенглик йўқ. Тадқиқотчилар ўз ичига бир қатор хусусий компетенцияларни ўз ичига оловчи бу мураккаб кўп компонентли яхлитликни тан олишади. Лингво-дидактик адабиётларда унинг турли таркибий қисмлари мухокама қилинади, уларнинг сони учтадан олтитагача ўзгаради. *Шунда, Европа Кенгаши қуидаги уч компетенцияни ажратиб кўрсатади:*

- 1) лингвистик
- 2) социолингвистик;
- 3) прагматик.

С. Савиньон фикрига кўра, коммуникатив компетенция ўз ичига қуидагиларни олади:

- 1) Грамматик компетенцияни;
- 2) социолингвистик компетенцияни;
- 3) фикрлаш компетенциясини;
- 4) нутқ стратегияси компетенцисини.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларда компетенциянинг

қўйидаги таркибий қисмлари келтирилган:

- 1) лингвистик компетенция-фонетика, лексика ва грамматика ҳодисаларини билиш ҳамда улардан унумли фойдалана олиш ва ўзгалар нутқини тушуна олиш деганидир;
- 2) социолингвистик компетенция-бу фикрни тил воситасида баён этиш учун ясаш ва шакллантириш усулларини билиш, мулоқот шароитига қараб зарур лингвистик шаклни танлай олиш: вазият, сўзловчининг коммуникатив мақсади ва нияти, коммуникантлар ўртасидаги муносабат ва уларнинг ижтимоий мансублиги;
- 3) ижтимоий-маданий компетенция-бу нутқий мулоқотнинг типик вазиятларида тил эгаси нутқининг миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ва ижтимоий хулқатворини билиш. Бу тушунчага яқин мамлакатшунослик, лингво-мамлакатшунослик, маданиятлараро, маданий ва лингвистик-маданий компетенция тушунчалари деганидир;
- 4) стратегик (компенсаторли) компетенция-тил билишнинг оғзаки ва новербал воситалари етишмовчилигини қоплаш ҳамда коммуникатив муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали стратегияларидан фойдаланиш қобилияти (баъзан социолингвистик);
- 5) предметли компетенция-баён қилишни ҳосил қилиш ва идроқ қилиш учун манба сифатида мулоқот мавзуси бўйича умумий маълумотларга эга бўлиш;

6) дискурсив компетенция-турли типдаги оғзаки ва ёзма хабарларни қуриш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда нутқнинг турли функционал услубларининг яхлит, изчил ва мантикий баёнларини тушуниш ва қуриш қобилияти.

Баъзи тадқиқотчилар коммуникатив компетентликнинг санаб ўтилган таркибий қисмларига (Т.М. Балыхина, О.П. Игнатьева, А.Н. Щукин, Л.П. Клобукова ва бошқалар.) профессионал компетенцияни ҳам киритишади. Шу билан бирга Т.М. Балыхина ва О.П. Игнатьева уни худди “муваффақиятли профессионал мулоқот қилиш қобилияти, фаолият, тегишли билимларни эгаллаш; ишлаш самарадорлигини таъминлаш учун мўлжалланган шахсий фазилатлар” деб ҳисоблайди. Ушбу компетенция бўлажак мутахассиснинг касбий маҳорати асоси ва университет таълими доирасида муҳим назорат обьекти ҳисобланади. Л.П. Клобукова касбий компетенцияни фан билан, жумладан, ушбу тушунчада профессионал мулоқот қобилиятлари ва кўникмалари билан боғлайди. Олим предметли компетенцияни коммуникатив структурасининг асосийлардан бири сифатида белгилайди, зеро у коммуникациянинг асоси ҳисобланади ва профессионал йўналтирилган таълим муаммоларини мулоқотнинг турли вазифалари ва вазиятларига мувофиқ ҳал қилиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, Д.И. Азаренкова асарларида кўрсатилган коммуникатив компетенциянинг янада универсалроқ ғояси берилган. Уни “инсоннинг табиий мулоқот ёки маҳсус ташкил этилган ўқитиш жараёнида олинган нутқ фаолиятининг бир, бир неча ёки барча турларида мулоқот қилиш қобилияти, нутқ шахсининг маҳсус сифати” деб белгилаб, тадқиқотчи кўплаб компонентларни ажратиш, уларнинг ҳажмини кенгайтириш улар ўртасидаги чегараларни лойқалаштиради ва бутун таркибий қисмлар ўртасидаги муносабатни бузади, деб хисоблайди. Д.И. Изаренков уч шаклдаги асосий коммуникатив компетенцияларни келтиради:

- 1) *тилли*;
- 2) *предметли*;
- 3) *прагматик компетенция*.

Д.И. Изаренковнинг фикрига кўра, *тил компетенцияси*ни коммуникатив бирликларни ташкил этишининг лингвистик томони ҳақидаги билимларга асосланган мазмунли ва грамматик жиҳатдан тўгри баён этишни яратиш қобилияти деб тушунамиз. *Предметли компетенцияси* фикрларни баён этишининг умумий маъноси учун жавоб беради; дунёning маълум бир қисмини акс эттирганча, ушбу воқеликнинг сегменти ҳақида билим беради. *Прагматик компетенция* сўзловчининг мулоқот ва коммуникатив ниятлари вазиятига

мувофиқ фикрлар баёнини туза олиш қобилияти орқали амалга ошади.

Олий ўкув юртлари талабаларига чет тилини ўқитишнинг якуний мақсади бу мулоқотга ўргатиш. Оғзаки мулоқот нутқ орқали амалга оширилганлиги учун, ўқитишнинг якуний мақсадини терминологик жиҳатдан тузатиш учун, бизнинг фикримизча, “коммуникатив компетенция” атамаси ўрнига *коммуникатив-нутқий компетенция* атамасидан фойдаланиш тавсия этилади, зеро бу шакл тушунчанинг моҳиятини аниқроқ акс эттиради ва мулоқотнинг нутқ йўналишини таъкидлайди.

Коммуникатив-нутқ компетенцияси ва унинг таркибий қисмларининг турли талқинларига қарамасдан, олимлар томонидан унинг шаклланиши учун зарур бўлган шарт талабанинг *лингвистик (тил) компетенциясининг* мавжудлигини тан олдилар, модомики бу умумий маънода лексик, фонетик ва грамматик даражадаги тил тизими ва коммуникатив муаммоларни ҳал қилиш учун ушбу билимдан фойдаланиш қобилияти ҳисобланади.

Илмий манбаларнинг таҳлили методика ва тилшуносликда бу тоифанинг моҳияти мунозарали эмаслигини кўрсатди. Шу тариқа, Н. Хомский лингвистик компетенцияни ўрганилган тил белгилари ва уларнинг алоқаси қоидалари ёрдамида чексиз кўплаб тўғри жумлаларни тушуниш ва ишлаб чиқиш қобилияти сифатида белгилайди. С. Савинъон лингвистик компетенция

деганда грамматик компетенцияни назарда тутади-яъни тилнинг лексик, морфологик, синтактик ва фонологик хусусиятларини таниш ва уларни бошқариш қобилияти каби. Европа Кенгашининг “Чет тилини ўзлаштиришнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” деб номланган ҳужжатида, тил компетенцияларини тўғри шакллантириш ва мазмунли баёнлар қуриш учун тил воситаларидан фойдаланиш билими ва қобилияти сифатида белгиланган ва лексик, грамматик, семантик ва фонологик компетенцияларига бўлинади. М.Н. Вятютнев нуқтаи назаридан, лингвистик компетенция “бу мулоқот жараёнида турли фикрларни баён этишда ҳосил булган, яъни устки структуралардаги, тилнинг чукур структураларини қуриш асосида ётадиган қоидалар тўпламида ўзлаштирилган интуитив билимдир. Қоидаларни билиш, албатта, уларни шакллантириш қобилиятини англатмайди”.

Шуни таъкидлаш керакки, нофилологик йўналиш талабалари томонидан лингвистик компетенцияни эгаллаш мақсад саналмайди, балки фақат коммуникатив нутқ йўлидаги дастлабки босқичдир. Кўриниб турибдики, тил ўрганиш ва ундан нутқда фойдаланиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу икки малаканинг шаклланиши бир вақтда юз беради.

Коммуникатив-нутқни шакллантиришда лингвистик компетенциянинг аҳамияти ҳам шундан иборатки, баъзан

коммуникатив компетенция шахснинг нутқий муроқотнинг турли шароитларида лингвистик компетенцияни амалга ошириш қобилияти орқали аниқланади. Лингвистик компетенция тил малакасининг зарурый шарти бўлиб, коммуникатив-нутқий компетенция шаклланмаган бўлса, у амалга ошмай қолиши мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, тилни муроқот воситаси сифатида ўқитиш мақсадига эришиш ва коммуникатив ва нутқ компетенциясини шакллантириш учун лингвистик компетенция асосий ҳисобланади, чунки коммуникатив тил минимумига эга бўлмасдан оғзаки муроқот қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, коммуникатив-нутқий компетенциянинг қуидаги таркибини қабул қиласиз: лингвистик, предметли ва прагматик компетенция. Коммуникатив-нутқка киритилган компетенцияларнинг таклиф этилаётган турлари, бизнингча, асосий ва шунинг учун ҳам муроқот воситаси сифатида тил ўзлаштириш учун мажбурийдир. Шунинг учун бу компетенцияларни шакллантириш чет тилига ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Коммуникатив-нутқ компетенциясининг таркибий қисмлари тил ўрганиш мақсадларини аниқ белгилаш ва ҳар хил компетенцияни чет тили фанини ўқитиш жараёнида талабалар томонидан ўзлаштиришга қаратилган ва турли муроқот вазиятларида тилдан муваффақиятли фойдаланиш

имкониятини берувчи бундай ўқув стратегияларини танлаш имконини беради.

Бу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар истиқболлари ўқитишнинг дастлабки босқичида коммуникатив ва нутқ компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш усул ва услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

## **1. Чет тилига ўқитишда компетентли ёндашувни амалга ошириш**

Тилга ўқитиш назарияси ва амалиётида чет тилларни ўқитишда самарали ёндашув, усул, услуг, моделларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича турли тажриба мавжуд:

- Ривожлантирувчи ёндашув;
- Лингвомамлакатшунослик ёндашуви;
- Ижтимоий-маданий ёндашув;
- Шахсга йўналтирилган фаолият ёндашуви,
- Контекстли таълим назарияси ёндашуви.

Методика фани ривожланишининг ҳозирги босқичида таълим тизими табиатини белгиловчи муҳим омил мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларнинг замонавий таълим маконида касбий муваффақиятнинг муҳим шарти борасида сифатли таълим ғоясини илгари суради. Бу мақсадга эришишнинг энг самарали усулларидан бири бу шаклланган касбий компетентликка эга мутахассиснинг янги таълим моделини яратишини ўз ичига

олган компетентлик ёндашуви ҳисобланади. Таълимни модернизациялаш тўғрисидаги ҳужжатларда таълимнинг учта устувор йўналиши аниқ белгилаб берилган: “таълимни ахборотлаштириш, чет тилларни ўқитиш, ижтимоий-иқтисодий билимларни ўзлаштириш”.

Компетентлик ёндашуви таълим мақсадларига қаратилган бўлиб, ўз-ўзини аниқлаш, ўз-ўзини долзарблаштириш, ижтимоийлаштириш, индивидуаллаштириш каби тушунчалар билан фаолият кўрсатади. Ушбу ёндашувни қўллаш зарурати замонавий реаллик билан белгиланади, унда ОТМда ўзлаштирилган билим университет битирувчилари ишга жойлашиши билан эскириши кўзга ташланиши бор ҳақиқат.

Таълим мақсадини аниқлаб берадиган компетентли ёндашув низомига куйидагилар киради:

- битирувчиларни ўз индивидуаллиги, имконият ва қобилиятларини англашга тайёрлаш ва уларни янада тўлароқ ривожлантириш, хамда рўёбга чиқаришга интилишлари;
- ижтимоий фаолиятнинг типик турларини эгаллашга, фаолиятнинг мумкин бўлган турларини ўзгартиришга тайёрликни шакллантириш;
- мустақил қарор қабул қилишга тайёр бўлиш ва қобилиятни шакллантириш, мустақил қарор қабул қилиш ва шу билан бирга умумий ишда иштирок этиш, биргаликдаги фаолиятнинг бошқа иштирокчилари билан муносабатлар

ўрнатиш.

Компетентлик ёндашув талабани нафақат профессионал, балки шахс ва жамият аъзоси сифатида тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ экан, демак у моҳиятан инсонпарварлик ёндашуви хисобланади. Компетентлик ёндашувнинг ўзига хослиги - бу талабаларнинг инсонпарварлик қадриятлари борасидаги билимларини шакллантириш, умумий дунёқарашини, креатив қобилиятини ривожлантириш, хамда ўз-ўзини ўқитиш ва ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятидир.

А. А. Вербицкийнинг фикрига кўра, қўйидаги омиллар жамиятда пишиб етилган янги таълим моделига ўтиш шароитларига тегишли:

- таълим сифати жамият ва фуқароларнинг истиқболларига жавоб бермайди;
- психологик-педагогик назарияга асосланган инновацион эмпирик тажрибани тўплаш;
- таълимнинг инновацион модели ривожланган ва кучли психологик-педагогик назарияга асосланади.

Европада, ёш замонавий инсоннинг нормал ҳаётий фаолияти учун қўйидаги уч компетенция зарур, деб хисоблашади:

- *асосий*-тарбиялилик, маънавий-ахлоқий тамойилларга эгалиги, жамиятда яшаш қобилияти;
- *касбий* –ўқув ва меҳнатга компетентлилиги;

• ижтимоий-жамият ва бошқа одамлар билан ўзаро харакати.

И.А. Зимнянинг фикрига кўра, компетентли ёндашувни қўллаш зарурати бир неча омиллар билан белгиланади. Буларга, биринчи навбатда, умумевропа ва олам тенденциясида жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва глобаллашуви, хамда таълим парадигмасининг ўзгариши киради. Мослашув тамойилидан компетентлик тамойилига ўтиш ёндашувдаги (позиция, нуқтаи назар сифатида) ўзгариш зарурлигини билдиради. Қолаверса, таълимнинг замонавий концепцияси ўқув жараёнида компетенция ва компетентлик ёндашувини жорий этишни назарда тутмоқда.

Чет тилини ўқитиша компетентли ёндашув тушунчасининг шаклланиши бир неча босқичлардан ўтган:

- биринчи босқич (1960 - 1970) –“компетенция” тоифасининг илмий аппаратига киритилиши; тилларни ўқитиш назариясида тил/коммуникатив компетенциянинг турли кўринишларини ўрганиш, “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларини фарқлаш учун шарт-шароитларни яратиш;
- иккинчи босқич (1970 - 1990) –тилни ўқитиш назарияси ва амалиётида “компетенция” ва “компетентлик” тоифаларини қўллаш, бошқарув, раҳбарият, менежментдаги профессионалликни, мулоқотни ўқитиш соҳасида “ижтимоий компетенция/компетентлик” тушунчаси мазмуни ишлаб

чиқилмоқда;

- Учинчи босқич (1990 йилдан) - Европа Кенгаши хужжатларида компетенцияни таълимнинг кутилган натижаси сифатида қабул қилишди, асосий глобал компетенциялар белгилаб олинди.

Шу тариқа, биз “глобал компетентлик” тушунчасига келсак, бу нафақат касбни эгаллаш, балки самарали муроқот қилиш, қийинчиликлардан чиқиш, ҳамкорлик қилиш қобилияти ва ҳоказоларни англатади. “умумий таълим мазмунини модернизация қилиш стратегиялари ...” хужжатида компетентлик нафақат когнитив ва операцион-технологик компонентларни, балки мотивацион, ахлоқий, ижтимоий ва муомалани ҳам ўз ичига олади. Барча бу ва бошқа хужжатларда, компетентликни шакллантиришнинг европача талқинини тўғридан-тўғри алоқаси кузатилади.

Хорижий тилларга нисбатан замонавий мутахассис учун касбий муроқотнинг реал фаолиятида юзага келадиган аниқ вазиятлар ва муаммоларни ҳал қилиш учун умумлаштирилган билим, кўникум ва малакаларни чет тилида қўллай олиш каби назарий саводхонлик жуда муҳим эмас. Чет тилини билиш хар қандай соҳадаги замонавий мутахассис касбий тайёргарлигининг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади, шу ўринда ОТМдаги чет тили фани курсининг мақсади – талабаларнинг малакали касбий ва илмий фаолиятлари, хамда

ўз-ўзини ўқитиш мақсадлари учун зарур бўлган компетенция ва компетентликни шакллантиришдир.

Юқоридагилар асосида шундай хуносага келиш мумкинки, таълимни амалий йўналтириш зарурияти унинг мазмунини шахсий таркибий қисмлар билан кенгайтириш демакдир. Шу билан бирга компетенция касбий тайёргарликнинг пировард мақсади ва компетенцияларнинг юқори даражада янгиланишини назарда тутиб, ўз-ўзини такомиллаштиришни янада кучайтиради.

ОТМ шароитларида чет тилларни ўқитишда компетентлик ёндашуви бир қатор афзалликларга эга:

- таълимнинг шахсий йўналтирилганлиги;
- индивидуал таълим стратегиясини танлаш имконияти;
- ҳар бир талабанинг салоҳиятли аҳамиятга эга сифатларини ривожлантириш;
- касбий ва умуммаданий компетенцияларни шакллантириш;
- касбнинг жамият ва бошқа жойдаги эҳтиёжига йўналтириш.

Шу тариқа, компетентли ёндашув ҳозирда ОТМларда чет тилларни ўқитиш учун асос бўла олади. Нофилологик йўналиш талabalariга чет тилини ўқитиш жараёни шахсий йўналтирилган таълим тамойили, талabalарни

марказлаштирилган ҳолда ва таълимнинг узлуксизлиги тамойилларига асосланиши лозим.

Кўп маданиятли ёндашув контекстида чет тил мулоқотини ўргатиш маданиятнинг “қиёсий гуманистик йўналтирилган ҳамкорлик” учун лингвистик-дидактик ва услубий шароитларни яратишга қаратилган бўлиб, маданиятлараро мулоқотнинг чет тил коммуникатив кўникмаларини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда, бўлажак мутахассисларни маданиятлараро мулоқот субъектлари сифатида шакллантиришга қаратилган.

Бу муаммони ҳал қилишга туртки ўтган асрнинг 70-80-йилларида А.Гумперс ва Д.Хаймс, яъни “этнография ва мулоқот этнологияси” янги илмий тушунчанинг асосчилари томонидан амалга оширилди. Тадқиқотнинг бу соҳасида алоҳида урғу тилнинг тузилишига эмас, балки вазифаларига берилган. Санаш нуқтаси бу тил коди эмас, балки нутқий фаолликдир. Улар ёндашувининг асосий концептуал ғояси бу мулоқот қилиш учун тил, тил тизимини билиш етарли эмас, уни маълум бир ижтимоий контекстда ишлатишни билиш кераклигидадир.

Талабаларни коммуникатив йўналтирилган ижтимоий-маданий тарбиялашнинг асосий тамойиллари чет тили мулоқоти нуқтаи назаридан В.В. Сафонова қуйидагиларни илгари суради:

- интеграциялашган коммуникатив-когнитив, коммуникатив-нутқ ва қадриятларга йўналтирилган кўникумаларни ўзаро боғлиқлик асосида такомиллаштириш тамойили;
- талабаларнинг ўқув фаолияти мазмунини фанлараро маданий жамиятлаштириш асосида уларнинг чет тили амалиётини ижтимоий-маданий бойитиш тамойили;
- талабаларнинг ўқув коммуникатив фаолиятини жадал интеллектуаллаштириш тамойили;
- нофилологик йўналиш факултетларида мутахассислар тайёрлаш профилини ҳисобга олиш тамойили;
- талабаларнинг маданиятлараро мулоқот меъёрларини ўзлаштириш учун машғулот ва мустақил таълим соатлари мувозанати тамойили;
- педагогик чет тили мулоқотини гуманистик психологиялаш тамойили.

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- умумпланетар глобаллашув ва таълимни инсонпарварлаштириш;
- Маданиятшунослик ўқитиш мазмунининг социологизацияси ва экологизацияси;
- Ўқитиш технологиясида фанлараро интеграция.

Ижтимоий-маданий таълимни амалга оширишга доир зарур

шарт-шароит сифатида қуидагиларни келтириш мумкин:

- мажбурий икки-маданий ва икки тилли таълимга эътибор қаратиш;
- тилларни мулоқот воситаси, маданиятлараро ўзаро маданиятлараро алоқа воситаси сифатида ўрганишда тил тарбиясига интегратив коммуникатив-фаолият ёндашуви, инсоният тараққиётининг моддий ва маънавий маданияти ютуқларини умумлаштириш;
- оммавий коммуникацияни ижтимоий-маданий ва бошқа шартлар мақсади йўлида ривожлантиришда энг янги технологиялардан фойдаланиш.

Шу тариқа, тил таълимига ижтимоий-маданий ёндашув чет тилини худди маданиятлараро мулоқот воситаси англаш инструментини жадал қўллаш билан узвий боғлиқ бўлгани каби ўқитишдаги коммуникатив йўналтирилганлик, деб қабул қилиш мумкин:

- ўрганилаётган тил мамлакатлари халқларининг жаҳон, миллий маданияти ва ижтимоий ост маданияти, хамда уларнинг турмуш тарзи ва услубида акс этиши;
- мамлакат ва халқларнинг маънавий мероси ва тарихий-маданий ёдгорликлари;
- маданиятлараро тушунишга эришиш усуллари.

Чет тилини ижтимоий-маданий таълим воситалари билан ўқитишда биринчи навбатда қуидагиларга йўналтирилади:

- талабаларнинг оламни идрок этиш ва инсоният, ўз мамлакати тарихини идрок этишларини ривожлантириш, ўз миллий қадриятлари англаш, ўзи ва бошқа одамлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаш;
- талабаларнинг коммуникатив маданиятини, маънавий салоҳиятини, фуқаролик ҳуқуқларига нисбатан глобал фикрлаш тарзини ривожлантириш, ўз келажаги, мамлакати келажаги учун масъулиятни англаш;
- жамиятда ўз-ўзини ифода этишнинг ахлоқий жиҳатдан мақбул шаклларини ўргатиш;
- мунозара мулоқоти этикаси ва турли қарашларни тутган кишилар билан ўзаро муносабат этикасига ўқитиш; ўз-ўзини тарбиялаш заруратини ривожлантириш.

Чет тили воситасида ижтимоий-маданий ўқитиш талабаларнинг ўқув жараёнини ташкил этишнинг ҳар қандай шаклида чет тилида мулоқот қилиш интегратив кўникмаларини ривожлантиришда тилни ўқитишнинг бир қисми бўлиб қолади.

Чет тилини ўқитиш вазифаларида (нофилологик ОТМларнинг 1-босқич гурухларида) масофавий таълим шароитида талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш нуқтаи назаридан, бизнингча, биринчи навбатда қуйидагилар зарур хисобланади:

- инглиз тилида оғзаки ва ёзма мулоқот маданияти ҳақидаги ғояларни шакллантириш (агар улар ўрта мактабда

шаклланмаган бўлса);

- расмий ва норасмий мулоқот шароитида инглиз тили нутқининг лингвистик ва лингвистик-минтақавий ўзгарувчанлиги ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- инглиз тилида расмий ва норасмий нутқ муомаласи қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқитиш;
- чет тилидан маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- инглиз тилида ўз маданиятини етарли даражада тасвирлаш қобилиятини эгаллаш;
- инглиз тилида сўзлашувчи муҳитга мулоқот ва нутқ интеграцияси бўйича ўқитиш (ўрганилаётган мавзулар доирасида, майший, маъмурий, таълим соҳаларидаги вазиятлар);
- масофавий таълим воситаларидан фойдаланиш (жумладан, Internet орқали бошқа маданият вакиллари билан мулоқот қилиш) орқали ўз-ўзини ўқитиш стратегияларида ўқитиш;
- эквивалент бўлган ва эквивалент бўлмаган сўз бирикмаси тушунчасини шакллантириш;
- икки лингвистик кўникмани шакллантириш;
- инглиз тилида ўзбекча реалияларни тасвирлаш учун инглизча сўзларни топа олиш;
- эквивалентли бўлмаган сўзларни таний олиш;

- хорижий ёки ўз она тилида эквивалент бўлмаган сўзларнинг маъносини тушунтира олиш;
- чет тилида (ўрганилган мавзулар доирасида) нуткий муроқот вазиятларида эквивалент бўлмаган сўз бирикмаларидан тўғри фойдалана олиш.

ОТМ бугунги кунда талаба ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш, уларга фанлардан чуқур билим бериши, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш ва кенгайтириш, уларни эстетик руҳда тарбиялаши ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишга тайёрлаши лозим. Буларни амалга оширишда чет тили ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Чет тили ўқитиш методикаси фани чет тили бўйича мутахассисларни тайёрлашда етакчи ўринда туради.

Чет тили ўқитиш методикаси проф. Михаил Васильевич Ляховицкий таърифлашича, таълим мақсадлари, мазмуни, воситалари, шунингдек, чет тили ёрдамида таълим-тарбия бериш усулларини тадқиқ этувчи фандир.

Бошқача айтганда, методика чет тил ўргатиш илми бўлиб, чет тилини ўқув предмети сифатида белгилайди, ўқитувчи ва талаба фаолиятини ўргатиш ва бошқа фанлар ютуқларини ўзлаштиради ва ўз қонуниятларини ишлаб чиқиш йўлларини тадқиқ этади.

Замонавий методик қўлланмаларда ушбу фаннинг ўрганиш предмети қилиб, чет тил воситасида талабаларга таълим-тарбия

бериш белгиланади.

Методика фанининг мақсадлари мазмуни, методик тоифалари, илмий текширув методлари, воситалари мавжуд. ОТМларда чет тилларни ўқитиш методикаси фани ўз олдига қуидаги мақсадларни қўяди:

1. Бўлажак мутахассисларда чет тили ўқитиш методикасидан кенг назарий замин яратиш.
2. Талабаларда таълимнинг тамойил, усул, воситаларини самарали креатив қўллаш қўникма малакаларини ҳосил қилиш.

Инглиз тили ўқитиш методикаси назарий асослари курсининг тематикаси 3 гурӯхга бўлинади:

1. Инглиз тили ўқитиш методикасининг назарий асослари.
2. Инглиз тили нутқ фаолиятининг асосий турлари.
  - А) Тил материалини ўргатиш,
  - Б) Нутқ фаолиятини ташкил қилиш.
3. ОТМларда инглиз тили ўқитиш жараёнини ташкил қилиш.

Чет тили ўқитиш методикасининг асосчиси академик Лев Владимирович Шербадир. Шунингдек бу соҳада И.В.Рахманов, А.А.Миролюбов, В.С. Цетлин, В.Д.Аракин, С.Ф.Шатилов, Н.И.Гез, Г.В.Рогова, И.А.Бим ва бошқалар маҳсулдор ишлashingdi, Ўзбекистондаги ОТМларда чет тиллар ўқитиш хусусиятини ҳисобга олган илмий ишлар, диссертациялар, дастур ва дарсликлар яратилган.

Бироқ, биздаги асосий камчилик, инглиз тили ўқитишининг барча жиҳатларини қамраб олувчи мукаммал дарслик ҳам қўлланма ҳам яратилмади, фақат 1996 йилдаги Ж. Жалоловнинг “Чет тили ўқитиши методикаси” рус ОТМлари учун эса қўлланмалар чоп этилган. Ҳозирда чет тили ўқитиши методикасига фан сифатида қаралади, унинг мақсад ва мазмуни қонуният, метод, воситалар, йўл ва усуллари, ўқитиши тизимини ўрганиш ҳамда ўргатиш билан шуғулланувчи, шунингдек, чет тили орқали талабаларни тарбиялаш жараёнларини амалга оширувчи фан сифатида қаралади. Методикани фан сифатида шаклланиши ҳамда ривожланишида педагогика, психология, тилшунослик каби фанлар билан алоқаси катта роль ўйнаган, ўйнамокда.

Чет тили ўқитиши методикаси барча фанлар каби шуғулланиш мавзуси, тизими, объекти, илмий тадқиқот методлари, методик тушунчалари ва методологик асосга эга.

Инглиз тили ўқитиши назарий курсининг асосий тушунчалари қаторига қўйидагилар киритилади: таълим тизими, таълим методи, таълим принципи, таълим воситаси, методик усул.

Чет тили ўқитиши методикасининг назарий асоси ўз олдига қўйидаги вазифаларни қўяди:

1. Ҳозирги давр чет тили ўқитиши ОТМ методикасининг асосий қисмларини ёритиш ва унинг асосида талабаларга

таълим бериш.

2. Талабаларга чет тили ўргатишнинг илғор ғояларни танишириш.

3. Ҳозирги давр методикасининг таркибий қисм, воситаларини ёритиши.

4. Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўргатиши.

5. Семинар, амалий машғулотлар орқали мутахассислик учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириши.

6. Бўлажак ўқитувчиларни маҳсус илмий - методик адабиётлар билан ишлашга ўргатиши орқали ўз касби устида мустақил шуғулланишига, илмий ишларга тайёрлаш.

Н.Л.Бим - методиканинг асосий обьектига ўқув фанлари бўйича таълимни амалга оширувчи дастур, дарслик, ўқув қўлланмалар ва ўқитиши жараёнининг ташкилий шаклларини киритади. Унинг фикрича ҳар бир фаннинг ўз обьекти бўлиб, уни ўзининг нуқтаи назаридан ўрганади.

Объект деганда - кимларни ўқитиши тушунилади.

Юқоридаги фикрдан келиб чикиб, чет тили ўқитиши методикаси дейилганда, чет тили ўргатилишининг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришувини таъминловчи ўқитувчи ва талаба фаолиятининг мажмуаси тушунилади.

Педагогик терминда “методика” атамасининг учта маъноси бор.

- 1) ўқув предмети.
- 2) таълимнинг методик усуллари йифиндиси.

3) таълим назарияси ва маҳсус фан. М.В.Ляховский таърифлашича; таълимнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари шунингдек, хорижий тил ёрдамида таълим-тарбия бериш усулларини тадбиқ этувчи фандир.

Методикада “метод” ва “принцип” терминлари мавжуд.

“Метод” атамаси “таълим усуллари йифиндиси” ва “таълимнинг йўналишини” маъноларида қўлланилади.

Профессор Е.И.Пассов фикрича, метод ўқув жараёнида қўйилган мақсад сари йўналтирилган ва нутқ фаолияти турлари билан боғлиқ принциплар тизимиdir.

Демак, принциплар методини шакллантиради.

Принцип тушунчаси эса бевосита ўқув жараёнини акс эттирувчи методик ҳодисани ифодалайди.

Учинчи бир термин таълим воситаси атамаси кўп қўлланилади.

- б) таълимнинг моддий воситаси (дарслик, техника ва х.,к.)
- б) нутқ фаолияти турига таалуқлиги. Фанларда умумий ва хусусий чегараланиш кузатилади.

Чет тил ўқитиш методикаси иккига бўлинади:

- а) умумий методика
- б) хусусий методика

Умумий методика - қайси тил бўлишидан қатъий назар чет

тилларни ўқитишининг қонуниятлари ва жараёнини ўрганади.

Хусусий методика эса алоҳида олинган бир тилни ўргатиш, ўқитиши методикасидир. Масалан: инглиз тили ўқитиши методикаси умумий ва хусусий методика конуниятларига бўйсунган ҳолда ўқитиши жараёнида уларни амалга оширади. Шунинг учун методика ўз ичига учта асосий масалани қамраб олади.

- а) ОТМда чет тили ўқитишининг мақсад ва мазмуни.
- б) ўқитишининг мазмуни.
- в) ўқитишининг принциплари.

Умумий методика А.А.Миролюбов таҳрири остида чиққан дарслик, Р.А.Зарипованинг “Чет тиллар методикасидан қўлланма”ларини киритиши мумкин. Уларда умумий чет тили ўқитиши масалалари, йўллари, воситалари ёритилган.

Хусусий методика битта чет тили ўқитиши масаласи билан шугулланади. Бунга мисол қилиб, Р.Ф.Шатиловнинг “Методика обучения немецкому языку в средней школе”, Л.С. Андреевская. “Методика преподавания французского языка в средней школе”, У.Д. Дошимов, И.Я. Ёкубов “Инглиз тили ўқитиши методикаси” Т. 1993. қўлланмаларини мисол қилиш мумкин. Чет тили ўқитиши методикаси бир қатор фанлар - фалсафа, педагогика, психология, тилшунослик, она тили ва рус тиллари ўқитиши методикалари билан боғлиқ бўлади. Чет тиллар ўқитиши методикаси педагогиканинг дидактика, тарбия

назарияси соҳаларига, психологиянинг педагогик психологияси, нутқ psychologyи, ёш psychologyи, нейропсихология, тилшуносликнинг эса социолингвистика, статистик тилшунослик, паралингвистика, матн лингвистикиси ва психолингвистика каби соҳалари билан бевосита боғлиқ.

Чет тили ўқитиш методикаси фалсафа фани орқали ўқитувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради.

Методиканинг бошқа фанлар билан алоқасини З гурӯҳга бўлиш мумкин.

1. Лингвистик асосдаги фанлар.
2. Психологик асосдаги фанлар.
3. Дидактик асосдаги фанлар.

Чет тиллар ўқитиш методикаси мустақил фанлар билан алоқаси қўйидагича (Гайдаров А. Инглиз тили ўқитиш методикаси. 10-11 бет қаранг).

Методика фанининг таянадиган методик асоси, илмий - тадқиқот методлари мавжуд. Масалан: ОТМлардаги ўқитиш тажрибасини танқидий ўрганиш; тилни ўрганиш тажрибаларини умумлаштириш; ўқитувчилар дарс машғулот, лекцияларини кузатиш, сухбат ўтказиш, тестлар ўтказиш, хронометрлаш, анкета саволларига жавоб бериш, осциллографик таҳлил қилиш методлари шулар жумласидандир.

Тест - усули 1 - АКТда. қўлланилган. Тестда ҳаммага бир

хил шароит қилинади.

Хронометрлашда ўкув жараёнини ёзиб олинади, ёзиб олинган ўкув жараёни амалга оширилади, таҳлил килинади, ўрганилади.

Осцилографик таҳлил килишдан талафуз устида ишланганда фойдаланилади.

Хулоса, ҳар бир мутахассис ўзи эгаллаган фанининг ўқитиш методикасини чуқур билиши лозим.

Мустақил таълим учун ҳам, кундалик машғулотлар учун ҳам чет тилини ўқитишда қўлланиладиган асосий воситаларни кўриб чиқамиз. Чет тили машғулотларида тил ўрганишда турли усул, чет тили дарсликлари, экспресс курс, груп ва индивидуал машғулот, Skype орқали чет тилини ўрганиш кабилар таклиф этилиши мумкин. Лекин, танланган курс ёки ўқитиш шаклларидан қатъий назар, мустақил таълимга катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Дарсликлар чет тилини ўқитишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бу борада турли олимлар ўзларининг турли фикрларини билдиришади. Чет тилини ўргатишнинг энг самарали воситаларидан бири бу субтитрли чат тилидаги видеодарсликдир. Бугунги кунда, чет тилини ўзлаштиришнинг турли даражаларига мўлжалланган кўплаб видеоматериалларни топиш мумкин. Чет тилидаги субтитрли видеоматериалларни томоша қилиш билан бир вақтда талаба нафақат янги сўзларни

ўрганиш имконияти, балки чет тилини тушуниш учун асосий шартларидан бири ҳисобланган, тинглаб тушуниш кўникмаларини (тинглаш орқали жонли нутқни тушуниш) ривожлантириш имкониятини ҳам беради. Чет тилидаги видеодарсликларни томоша қилар экан, талаба чет тилининг кўплаб янги грамматикасини ҳам ўрганиши мумкин бўлади.

Агар талабаларнинг чет тилини билиш даражаси ўртачадан юқори (pre-intermediate level) бўлса, унда субтитрли чет тилидаги фильмларни намойиш этиш мумкин. Чет тилидаги фильмни томоша қилиш жараёни қўпинча чет тили машғулотларида амалга оширилади. Янги сўзлар билан бир қаторда, талаба ўз навбатида қизиқарли маълумотларни эшитиш мумкин: дейлик, чет тилида барқарор ифодалар, сленг ёки жаргонга оид сўзларни ўзлаштиришлари ва албатта вақтларини чоғ ўтказишлари ҳам мумкин. Бошида талабаларга чет тилидаги нутқ тушунарсиз бўлиши мумкин, бироқ бу хавотирли эмас, сабаби вақт ўтиши билан талабалар чет тилидаги киноларни субтитрсиз ҳам кўра оладиган бўлади. Ҳар ҳолда субтитрли чет тилидаги фильмлар тилни ўргатишнинг ёрдамчи воситаларидан бири ҳисобланади.

Фильмлардан ташқари мультфильмларни ҳам чет тилида томоша қилиш мумкин. Чет тилидаги мультфильмлар нутқ чет тилидаги фильмларга қараганда анча осон ва равондир. Қолаверса, чет тилидаги мультфильмларда бугунги кунда “дид

ва ранг” мавжуд ва ҳатто кўплаб севимли мультфильмларнинг чет тилига таржима қилинган муқобиллари мавжуд. Мультфильмларни томоша қилиш кўпинча чет тили машғулотларида, асосан, ўқувчиларга чет тилини ўргатиш воситаси сифатида кўп қўлланилмайди.

Чет тилида аудиодарслар – чет тилини ўргатишнинг энг самарали воситаларидан бири, хамда унинг ажралмас қисми саналади, деб bemalol айтиш мумкин. Ушбу ўқув воситасидан фойдаланиш учун ўқитувчи вақтни қандай топиш ҳақида ўйлаши шарт эмас, чунки чет тилида ёзиб олинган аудиодарсликлардан иш вақти, транспортда, спорт билан шуғулланаётганда, борингки кўчада юрганда хам фойдаланиш мумкин. Қанча кўп тингласа, шунча кўп тилнинг ичига кириб борасан. Ушбу чет тилини ўрганиш воситаси нафақат машғулотлар учун, балки корпоратив чет тилини ўрганиш ҳамда мустақил ўрганиш учун ҳам ишлатилади. Асосийси эринмаслик керак, шунда натижা ўзини узоқ куттирмайди.

Аудиодарсликлар ҳам чет тилини ўргатишнинг яна бир жуда самарали воситасидир. Аудиодарсликларни тинглаш билан бир вақтнинг ўзида нафақат ўқиш кўникмасини, балки тинглаб тушуниш кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Қолаверса, маълум бир асарни ўқигач, унинг аудиовариантини тинглаб тушуниш анча осон бўлади. Бу ҳолда, аста-секин уларнинг мураккаблиги ошириш, мослаштириш мақсадга

мувофиқ бўлади. Аудиодарсликлар ўқув воситаси сифатида чет тили машғулотларида кўпишлатилмайди, бу ўқув воситаси мустақил таълим ёки уй вазифаси кўринишидаги фрагментларга кўпроқ мос келади.

Чет тилидаги қўшиқлар тилни ўргатишнинг яна бир воситасидир. Қўшиқларни таржима қилиш ва уларни тинглаш тил ўрганишда ўрганувчини зериктириб қўймайди ва сўз бойлигини янги иборалар билан бойитади. Чет тилини бу тарзда ўрганиш бутунлай табиий муҳитда бўлиб ўтади, чунки севимли ва машҳур қўшиқлар қундалик ҳаётимизда (радио, телевидение) тез-тез эшиттирилади.

Чет тилидаги янги сўзларга дуч келганимизда инглизча лугатлар ёрдамга келади. Қоғозда нашр этилган лугатлар ёки уларнинг компьютерда сканерланган вариантларидан ташқари электрон лугатлар ҳам жуда қулай. Улар маълум бир сўзнинг таржимасини тез ва кўп уринишсиз топишга имкон беради. Кўпинча, ўқитувчи ва талабалар машғулотларда лугатлардан фойдаланиши бор гап. Бугунги кунда, лугатнинг кўп муқобили бор, шунинг учун хам кўпчилик янги сўзнинг таржимасини топиш учун китобни вараклаб ўтиришни истамайди, ундан кўра вақтини тежаш учун электрон ахборот ташувчи воситалари ёрдамида амалга ошириши мумкин.

Лугатлардан ташқари чет тили грамматикаси китобларидан тилни ўқитиш воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Чет

тили грамматикаси талаффуз ривожига ҳисса қўшади, шу билан бирга тили ўрганилаётган мамлакатнинг мақоллари ҳам тилни янада бойитади.

Ва ниҳоят, чет тилидаги нотўғри феълларни ҳам унутмаслик керак. Ўқитувчи қайси чет тили машғулотларига кирмасин, чет тилини грамматикасиз ўрганиш қанчалик осон бўлмасин, нотўғри феълларсиз уни тўлиқ ўрганиб бўлмайди. Уларни эслаб қолишнинг жуда кўп усуллари мавжуд: уларни ёдлаб олиш, карточка чизиш, деворга осиб қўйиш, гап тузиш, қўшиқ тинглаш, шеър ўқиши, шаклланиш усулига кўра гурӯхларга бўлиш ёки бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин. Ахборотни қабул қилиш турига қараб энг мос бўлган хотира усулларидан фойдаланиш натижани сезиларли даражада яхшилайди.

Дидактиканда методни ўқитувчининг талаба билан ишлаш усулинин йиғиндиси деб тушунилади. Метод ўқитувчи фаолиятининг умумий моделидир.

Метод орқали тўртта мақсад амалга оширилади. И.В.Рахманов “метод – мақсадга йўналтирилган тизим деб таъриф беради.

Е.И. Пассов методни-вазифалар бўйича бир-бири билан боғланган принциплар тизими, деб баҳолайди. И.А.Бим эса методни ўқитиш ва ўқиши йўлларининг йиғиндиси деб баҳолайди. И.В.Рахманов умуман чет тили ўқитишнинг З та

методи бор деган фикрни илгари суради.

Булар:

- Намойиш қилиш методи. (Demonstration)
- Тушунтириш методи.(Explanation)
- Машқ ишлатиш методи.(Activity)

Намойиш қилиш методи орқали ўқиш, ёзиш, гапириш, намойиш қилиб ўргатилади.

Тушунтириш орқали тил материали тушунтирилади. Машқ ишлатиш методи етакчи бўлиб, унда ўқитиш мақсади, материали ,талаба таркиби, ёши ҳисобга олинади. И.Л.Бим методларни талаба ва ўқитувчи методларига ажратади.

Ўқитувчи методларига: танишиш, фикр юритиш, баҳслашиш, ўйлаш, сунъий нутқ вазиятида машқ бажариш, турли хил нутқ фаолиятларини табиий нутқ вазиятларига қўллаш киради.

Хозирги таълим муҳитида чет тили ўқитишида онгли амалий, онгли таққослаш, онгли коммуникатив методлар қўлланилмоқда.

Онгли амалий метод бўйича яратилган чет тили дарсликлари чуқурлаштирилган мактабларда кенг қўлланилдаяпти. Ўзбек мактаблари учун яратилган Fly High, English Matters дарсликларини онгли - таққослаш методи бўйича ишлаб чиқилган.

Чет тили ўқитиш метод ва принципидан ташкари, йўл

усуллари ҳам бор. Йўл бу қисқа методик иш бўлиб, аниқ топшириқ, вазифани ечишга қаратилгандир. Талаба ва ўқитувчи фаолияти кетма-кет аниқ мақсад билан йўналган йўллар туркумидан иборат.

Агар метод билан йўл таққосланса, метод асосий graonuer билан, яъни таништириш, машқ килиш, қўллаш билан, йўл эса иш ёки ҳаракат билан, яъни сўзни таржимасиз маъносини очиш, гапни грамматик қоида асосида тузиш билан боғлиқдир. Йўллар туркумининг йиғиндиси усулини ташкил этади. Масалан: сўзнинг маъносини очиш учун иккита усул бор:таржимасиз, таржимали. Масалан: сўз маъносини расм орқали очиш, предмет орқали очиш. Чет тилини ўқитиша принцип, метод, йўл ва усуллардан тўғри фойдаланиш чет тили ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқ. ОТМда чет тили ўқитиши мақсадларига машқларнинг мос келиши каби мезонига кўра усулларнинг куйидаги асосий типларга ажратиш мумкин.

- Ҳақиқий (табиий) коммуникатив.
- Шартли (ўқув) коммуникатив.
- Коммуникатив бўлмаган машқлар.

Машқ - нутқ ёки тилга оид бир ёки бир неча марта маҳсус ташкил килинган ўқув шароитида бажарилишини тушунамиз.

Коммуникатив машқлар орқали нутқ фаолияти турлари она тилидагидек қўллашга ўргатилади. Бу машқлар асосий таълимий машқлардир. Улар коммуникатив қўникмаларни

шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган.

Шартли коммуникатив машқлар - тил материалини талабаларга шартли, алоқа табиий муомалага тақлид килиб, машқ килишни амалга оширишга ёрдам беради.

Коммуникатив бўлмаган машқларни тайёрлов, нутқий вазият билан боғлиқ бўлмаган машқларни киритиш мумкин. Бундай машқларнинг кўпчилиги нутқ вазиятлари ва нутқ муҳити билан алоқа бўлмайди.

Чет тили ўқитишинг тарихий методлари куйидагилар:

**Таржима методи.** Европада бу метод юнон тили, кейинчалик лотин тили ўргатилганда таржима тушуниш усули асос килиб олинган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида XIX аср давомида француз тили таржима килиш орқали, XX асрда эса немис тили ҳам таржима орқали ўргатилиб келинди.

Мусулмон дунёсида эса араб тили кисман форс тили чет тиллар сифатида ўрганилар эди.

Таржима методлари орасида энг кўп таркалганлари “грамматик таржима”, матн таржима методларидир. Грамматик таржима тарафдорлари сўз ва гап таржимасини грамматик қоидаларни ўргатиш учун тадбиқ этганлар. Матн таржима тарафдорлари унинг мазмунини тушунишдан таржимадан фойдаланишни мақсад қилиб қўйганлар.


**Тўғри метод.** Бу методда она тили чеклаб ўтилади, чет

тили сўзи билан предмет орасида бевосита ассоцияция фикрни боғлашга ўргатишга уриниб кўрилган.

Тўғри методнинг юзага келиши чет тилларни амалий ўрганиш мақсадида келиб чиққан. Бу метод ўтган асрнинг охирларига келиб, Фарбий Европа мамлакатлари ва Яқин Шарқда чет тилни ўқитишга бўлган ихлос туфайли пайдо бўлган.

Унинг биринчи кўринишида қоида асосида машқ бажарилар эди. Замонавий кўринишда машқ жараёнида амалий руҳдаги қоида ўзлаштирилади.

Чет тили ўқитиш методлари.



Масалан: умумий психологик, хусусий психологик, умумий тилшунослик ва хусусий тилшунослик.

Чет тили ўқитиш ўқув предметини ўқиш масалалари муҳокама килинганда, умумий методика ва хусусий методика тушуниллади.

Тил материалаини танлаш, тақсимлаш, тасниф ва баён этиш муомалада умумий методиканинг вазифасига киради.

У ёки бу чет тили аниқ педагогик шароитга доир илмий тушунчалар хусусий методикадан изланади.

Принцип -таълим-тарбия беришда риоя қилишнинг лозим бўлган қонуниятлардир.

Метод - ўргатиш усулларининг йиғиндиси ҳамда бутун бир йўналиш сифатида тушунилади. Талаффуз ва лексикани ўргатиш методлари. Иккинчиси лексик - таржима методи мисол қилиб кўрсатилади.

Бугунги кунда педагогикада “ўқитиш воситаси” тушунчасига бўлган яқдил талқин мавжуд эмас. Айрим олимлар уни умумтаълим ва тарбия мақсадларига эришиш учун хизмат қилувчи *восита-инструмент* каби тор доирани назарда тутса, бошқалари эса *ўқитии воситасига* моддий восита-инструментдан ташқари, яна инсонга объектив фаолиятининг кетма-кетликдаги ва умумлаштирилган идрокини амалга ошириш имконини берувчи тафаккур фаолиятни амалга оширадиган интеллектуал воситага киритишади. Учинчилари эса талаба материални ўзлаштириш ва ўз-ўзини ўқитиш воситаси учун, аниқроғи педагог талаба учун таълим олиш шарт-шароитларини яратиши учун қўлланиладиган таълимот воситаларига ажратишади.

Асосийси, ўқитиш воситаларининг *дидактик йўналтирилганлиги* – ўқув материалини ўзлаштириш жараёнини тезлаштиради, яъни ўқув жараёнини янада самарали хусусиятларга яқинлаштиради.

Ўқитишининг барча воситалари *моддий* ва *идеалларга* бўлинади.

*Моддий воситаларга* дарслик, ўкув қўлланма, дидактик материал, тест материал, кўргазмали восита, техник воситалар, лаборатория ускуналари киради.

*Идеал воситалар* сифатида белгили тил (нутқ), ёзув (ёзма нутқ), турли фанга доир шартли белгилар тизими, кўргазмали воситалар, ўкув компьютер дастурлари, таълим фаолиятини ташкиллаштириш усул ва шакллари ўқитишига бўлган талаблар тизими каби умумқабул қилинган тизимларни киритиш мумкин. Таълим, агар ўқитишининг моддий ва идеал воситалари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдиргандагина самарали ва сифатли бўла олади.

Кўйидаги 1-жадвалда чет тилига ўқитишида қўлланиладиган моддий ва идеал воситалар келтирилган. 1.1-жадвалда уч босқичда чет тилига ўқитиши воситалари келтирилган.

1-босқич – машғулот, бу ерда ўқитувчи машғулотни ташкиллаштириш ва ўтказишида қўллаши мумкин бўлган воситалар келтирилган.

2-босқич – ўкув фани, бу ерга маълум бир фанни зарур даражада ташкиллаштириш ва ўтказиш имконини берувчи воситалар киритилган.

3-босқич – бутун ўқитиши жараёни. Бу ерда алоҳида фанни ўрганишни ташкиллаштириш имконини берувчи воситалар етарли эмас, шунингдек ўқитувчи машғулот ёки амалий топшириқда фойдаланиши мумкин бўлган воситалар хам кам. Шу ўринда, ўрганилаётган фанни, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлайдиган воситаларнинг яхлит тизими керак бўлади.

### 1.1-жадвал – Ўқитиши воситалари.

Ўқитишининг идеал воситалари	Ўқитишининг моддий воситалари
1 босқич – машғулотда:	
Санъат асарлари, санъатнинг (музиқа, видеоматериал) ютуқлари, воситалар (чизмалар, расмлар, слайдлар), фан мавзусига доир ўқув компьютер дастурлар.	Дарсликдан алоҳида матнлар, тест материалини бажариш учун топшириқ, вазифа ва машқлар, техник воситалар.
2 босқич – ўқув фани:	
Фанни ўқитишининг яхлит курсини қамраб олган ўқув компьютер дастурлари, ушбу	Дарслик ва ўқув қўлланмалар, дидактик материаллар.

<p>фан бўйича кўникмаларни жамғариш учун ривожлантирувчи муҳит.</p>	<p>З босқич – бутун ўқитиши жараёни:</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="padding: 5px; width: 50%;"> <p>Ўқитиши тизими, ўқитиши методлари, таълим талаблари тизими.</p> </td><td style="padding: 5px; width: 50%;"> <p>Ўқитиши хоналари, кутубхоналар, таълим муҳити, лингафон хона.</p> </td></tr> </table>	<p>Ўқитиши тизими, ўқитиши методлари, таълим талаблари тизими.</p>	<p>Ўқитиши хоналари, кутубхоналар, таълим муҳити, лингафон хона.</p>
<p>Ўқитиши тизими, ўқитиши методлари, таълим талаблари тизими.</p>	<p>Ўқитиши хоналари, кутубхоналар, таълим муҳити, лингафон хона.</p>		

Шундай қилиб, биз талабаларни чет тилига ўқитиши воситаларини кўриб чиқдик. Воситалар икки турга бўлиниши ва уларга дарслик, диск, матнлар, ўқитувчи нутқи, видеоматериаллар тегишли эканини аниқлаб олдик.

## 1. **Инглиз тилини ўқитишда креатив ва инновацион воситалар**

Биз креатив фикрлаш кўникмаларини ҳимоя қилиш сари, ҳамда синалган таълим стратегияси йўналиши бўйича ҳаракатланаётган бир пайтда йил сайин юртимиз таълим тизими катта ўзгаришни бошдан кечирмоқда. Глобализация талабларига мувофиқ, кўпинча ўзбек жамияти деб ҳисобланган имтиҳонга йўналтирилган тизимдан креатив ўрганишдан бирига чиқиш учун ҳаракат қилинмоқда. Талабаларнинг фикрини жамлаш ва дарсда иштирок этишга ундаш учун ўқитувчилар креатив ва инновацион бўлишлари керак. Талабалар турли таълим услублари ва имкониятлари билан

турли жамланишда келганидек, турли материал ва ўқитиши усуларини ўрганиш керак. Лекин қўп йиллик муаммолар янги ва хатто айрим тажрибали ўқитувчини ҳам оқсоқлантириб қўйди. Инновацион ўқитувчи ўқув мақсадлари учун матнлар, аудио ва кўргазмали ахборот манбаларидан маълумотларни йиғиб олиши мумкин. Ушбу восита ёрдамида ўқитувчи талабага хабар бериш, мотивация бериш, борлиқни ўз қобигидан чиқсан холда ўқитишига ундаш учун кўплаб имкониятларни очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. ОТМлар бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар асосида, бу борада ўқитувчилар дуч келадиган муаммолар ўрганилган ва ушбу муаммоларнинг ечимини топиш хақидаги ғоялар келтирилади.

Ушбу мавзуда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

1. Талабалар орасида қизиқиши қандай ҳосил қилиш
2. Машғулотда кўргазмали воситаларни қандай қўллаш
3. Топшириқ асосида ўқитиши/фаолият марказли ўқитиши
4. Ўқитувчи ва талабалар олдида турган муаммолар (ESL контекст)
5. Тематик ўқитиши усуллари- 4 та кўникма бўйича

Ҳозирда ОТМларда чет тилини ўқитишида амал қилиниши лозим бўлган ўқув қўлланмалари мавжуд. Одатда, тўртта малакани, яъни ўқиши, ёзиши, тинглаб тушуниши ва гапиришини ўргатишига урғу берилади. Чет тилини ўқитишида гурухларнинг катталиги билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқдамиз.

Қизиқишиң деганда нимани тушунамиз, ўзи? Замонавий инглиз Лонгман луғатига кўра, қизиқишиң қизиқувчанлик ёки бирор нарса ҳакида ўйлаш ҳиссини билдиради. Қизиқишиңни аниқлашни ҳар қандай талабадан сўранг ва у одатда, албатта, ўзи севадиган нарсаларини назарда тутади; лекин чет тилини ўрганишиңни эмас. Кўпчилик талабалар чет тилини фақат тўрт девор ичидағи синфхонада қўллашини ҳисобга олиб, ўқитувчилар инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишиңни юрагидан бажаришини ҳис қилишлари катта аҳамиятга эга. Бундай туйғуни рағбатлантириш кучи асосан ўқитувчининг қўлида бўлади.

Кўпчилик талабалар ўз тенгдошларининг унинг устидан кулишидан қўрқиб, инглиз тилида мулокот қилишдан қўрқишиади. Биз инглиз тилини яхши билиш, тушуниш ва ундан фойдаланишдан роҳатланишга ўргатамиз. Инглиз тили, албатта, матнларда ва объектив саволларда белгилаган. Шунинг учун, талаба якуний назоратда синовида инглиз тилини фарқлаш учун у инглиз тилини ўрганиши учун ўз хоҳишига эга бўлиш, дегани эмас.

Қай тарика биз ўқитувчилар инглиз тилини ўрганиш учун қизиқишиңни уйғотишимиз мумкин?

Фақат учта сўз билан: креативлик, тушуниш ва рағбатлантириш.

Бизни ўраб турган кундалик инглиз тили синфида фойдаланиш ва қайта ишлатиш мумкин бўлган маълумотлар бойлигидир. Дарсларимиз қизиқарли бўлиши учун биз ҳар куни ўз устимизда ишлашимиз шарт. Тил ўқитувчилари сифатида биз доимо бефарқлик, пассивлик ва ночорлик денгизи устида «қалқиб турган» дарсни сақлаш учун гоялар ишлаб чиқамиз. Биз талабалар гапириши ва дарсда иштирок этиши учун қандай ундашимиз мумкин? Инглиз тилининг кундалик дунёдаги аҳамиятини тасаввур қила олмайдиган ва кейинчалик уни яхши ўзлаштириш заруратини қўрмайдиган талабаларни қандай қилиб рағбатлантиришимиз мумкин?

Ҳар бир ўқитувчи ва талабага ўша креативликни ифода этиш учун имконият, вакт ва кўмак берилса, у креатив бўла олади. Тил ўргатиш бўйича машғулотлар кундалик материалларга асосланиши мумкин. Дарсда шахсий тажрибага асосланган ноанъанавий воситаларни синаб қўришдан қўрқмаслигимиз керак. Талабалар ҳам, ўқитувчилар ҳам креатив салоҳиятга эга. Ўқитувчилар ўз креатив кўникмаларини оғзаки кўникмаларни ўргатишда қўллашлари мумкин. Талабалар ўз креатив кўникмаларини ўрганишга ундалганда, улар инглиз тилида гапиришни қизиқарли, боғлиқ ва самарали, деб билишди. Баъзи одамлар креатив салоҳиятга эга бўлиши мумкин, лекин улар уни баъзи кузатиладиган шаклда ўзларида мавжуд креативлик манбаларини қўллаб,

намоён этмагунча, у яширинлигича қолади. Креатив ва образли фаолият тил ўрганишга тўсқинлик қилувчи муаммоларни енгиллаштиришга ёрдам беради. (Di Pietro, 1987).

Талабалар ўқитувчи, тенгдошлари ва бошқалар билан муроқотда мазмун ва амалиёт тилида муроқот қилишларини талаб қиласиган вазифаларда фаол иштирокчи бўлиши учун имкониятларга муҳтож.

Инглиз тилини ўқитиш учун лойиҳа ва кундалик материаллардан фойдаланиш саргузаштга ўхшайди. У асосан амалиётда ўрганиш ва лўндаликдан иборат. Амалиётда ўрганиш ўрганувчига асосланган, жараёнга йўналтирилган ва боғлиқдир. Муайян вазиятда у ҳамкорликдаги тажрибани ўз ичига олади. Фаол мунозара орқали талабалар вазиятда ишлаш билан боғлиқ тил тамойилларини кашф этишади. Лўндалик орқали талабалар йиғилган маълумотларни саралаб, тартибга солиб, дарсга боғлаб оладилар. Ўқитувчи талабаларни бошқаради, лекин аслида ўқитиладиган нарсаларни ўzlари учун кашф этадиганлар бу талабалардир.

Талабаларнинг фикрича, кундалик материалларнинг ўзи ўқув воситаси сифатида мавжудлиги бу янгиликдир. Аслида, инглиз тили дарси учун белгиланган дарсликдан вақти-вақти билан фойдаланмаслик бу тетиклантирувчи ўзгаришдир. Кўпчилик вазифага асосланган фаолиятлар гурух ёки жуфтликларда бажарилади. Бу иккиланишни бартараф этади ва

жамоавий ишни рағбатлантиради. Агар натижа яхши бўлса, жамоа ўзини мағрур ҳис қиласи. Хатолар мавжуд бўлса, ҳеч бир индивидуал чиқариб юборилмайди. Бу эса, «юзи ерга қараш» каби шарқона тушунча оқибатида юзага келган муаммолар ечимини беради.

Дарсда лаззат олишдан ташқари талабалар кўпроқ гапиришга ва уларни ўз қобиқларидан чиқишга ундаш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар ўз тенгдошларининг маълум бир фикрларини ифодалашдаги қийинчиликни аниқлаш, ҳамда бу масалада уларга ёрдам бериш учун чет тилида гапиришда ўзларида кўпроқ ишончга бўлишни исташади. Эътиборли жиҳати шундаки, улар кўпроқ гапиришга тайёр ва ўз фикрларини тузиш жараёнида хато қилишдан чўчишмайди.

Гурӯҳларда ишлаш талабаларга чет тилида гапириш учун катта имконият беради. Талабалар тенгдошлари олдида ўз лойиҳасини тақдим этиш учун тайёргарлик кўриш жараёнида анъанавий ўқитувчининг дарсда ўзини тутиши ва нутқи билан солишириш ва тажрибасини ўрганиш имкониятига эга. Davies (1990) га кўра, дарсда маълум бир мавзуни муҳокама қилиш, ҳамда, индивидуал талабанинг гапириш вақти миқдорини ошириш керак. Genesee (1987) га кўра, «фаолликка асосланган ёндашув талабаларнинг нутқ ходисалари оралиғи ва тилни мавзу сифатида ўргатадиган анъанавий воситалийўналтирилган синфларда ёки ҳатто мунтазам мазмунни чет

тил орқали ўргатадиган хабарларга йўналтирилган синфларда мумкин бўлган нутқ актларидан анча кенг фойдаланиш учун имкониятлар яратади.»

Инглиз тилини ўқитиш учун ўқув материалини яратиш жараёнида иштирокчилар бир-биридан кўп нарсаларни ўрганадилар. Бундай ресурслардан барча тўрт кўникмаларини ўргатишида қай тариқа фойдаланиш мумкинлигини ўрганишади. Қисқаси, ўқитувчилар ўзларида қанчалик чексиз ижод манбай борлигини аниқлашади.

Талабалар инглиз тилини ўрганишга туртки бўлмаса, муаммолар келиб чиқади. Талабалар ҳам, ўқитувчилар ҳам тилни ўқитишида ва ўрганишида нима қилишларини билишмаса, тушкунликка тушиб қолишиади.

a) *Талабалар муаммоларини бартараф этиши: разбатлантириши ва тил ўргатиши.* Талабалар тушунчасига кўра, регресс ва қийинчиликлар тил ўрганиш сари яхши муносабатнинг ўрнатилиши учун муҳим бўлган ўқитувчи-талаба ўзаро муносабатини қуриш билан давом этади.

Hull, Guthrie, Thorndike ва Skinnerлар каби хулқ-автор назариётчилари шахсни маълум бир йўналишда ўзини тутишга ундашда мустаҳкамловчи ролга эътибор қаратадилар. Тескари алоқа (ижобий, салбий ёки нейтрал) ва мустаҳкамлаш (ижобий ёки салбий) талаба ва ўқитувчиларнинг хатоларини тузатиш ва тил ўрганишнинг янги режаларини ишлаб чиқишига ундейди.

Биз талабалар инглиз тилини ўрганишда эҳтиросларини кўлга олишини ҳоҳласақ, хулқ-автор назариётчилари таклиф этган рағбатлантириш кучи тўлиқ намоён бўлолмайди. Тил ўрганишнинг пировард мақсади шуки, талаба ўргатилган тилда сўзлаша олиши керак. Ҳар бир талаба идрок қиласи, тушунади, маълумот олади, гоялар, жараёнлар ва хотираларни шакллантиради ва ўз қарори аҳамиятини бошқача шакллантиради. Мотивацион омиллар синф муҳити ва асосий таълим кўникмаларини эгаллашга муносабат билдиришга таъсир қиласи. (Collinson,2000).

“Диққат ва жалб” муваффақиятли мулоқот учун зарур, дея баҳслашган, Gass ва Seliger (1991) шундай дейди, “бу ҳиссасини қўшиш ва уни чуқур ўзлаштирилишига имкон берадиган мулоқот воситачисини фаол жалб этиш дегани”. Бир қарашда, у ҳар қандай натижаларга эришишдан олдин талабаларнинг қизиқиш ва эътиборини кўлга олишда зарур бўлади. Иккиланиш, бошқа томондан ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва қўрқмасликка таъсир қиласи. (Clark & Fiske, 1982). Вазият таҳдиддан холи ва минимум босим бўлганда, иккиланишни камайтириш мумкин, ижобий фикр ва бир вазифани бажариш учун имкониятлар ошади.

б) *ўқитувчилар муаммоларини бартараф этиши: Эдвард де Бононинг олтита фикрини қўллаш.*

Эдвард де Бону умумий жихатдан муаммоларни бартараф этиш учун олтита фикрдан иборат стратегиясини аниқлади. Бу ёндашувлар орасидан кўп одамлар фақат битта ёки иккитасидан фойдаланган ва одамларнинг фикрлаш одатларини ривожлантирган, бу эса ўз навбатида одамларни ушбу ёндашувлар билан чекланиб қолгани ҳақидаги назарияни келтириб чиқарди. де Боно, агар турли ёндашувлар аниқланиши мумкин бўлса ва улардан фойдаланиш тизими ўқитилиши мумкин бўлса, одамлар йиғилиш ва гурух, ҳамда жамоа ичида англаган ҳолда бу ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ҳамкорлик қилишлари мумкинлигига ишонди.

Тадқиқотлари натижасида Де Боно параллел фикрлашни амалга ошириш ҳамда шахсий фикрлашга ёрдам сифатида муаммога муайян ёндашувни англаган ҳолда қабул қилиш жараёнини тасвирлай олди. Олти хил ёндашув тасвирланган, ва ҳар бири турли рангдаги мазмунга эга рамзга эга. Буни у якка ёки гурӯҳларда ишлайдиган шахслар томонидан амалга оширишни таклиф қиласиди.

Қизил рамз ҳиссий фикрлашни ифодалайди. Сариқ рамз ижобий фикрлашни англатади. Қора рамз танқидий фикрлашни англатади. Оқ рамз фақат фактларни фикрлашни англатади. Яшил рамз креатив фикрлашдир. Кўк рамз хамма томондан қараш мумкин бўлган катта расмни ифодалайди.

Тематик ёндашувдан фойдаланиш фанни бирлаштирувчи мавзу атрофида ташкил этилади, талабаларга уларни ўрганишда муҳим боғланишларни амалга ошириб, тўрт кўникмани кўпроқ тушуниш имконини беради. Тематик бирликларни режалаштириш орқали ўқитувчи турли тил тушунчаларини талабаларга тилдан фойдаланишга ундейдиган қизиқарли мавзу майдонига қўша олади. Мавзу ва дарс тил, мазмун ва маданиятни бирлаштириши керак, ҳамда бу ўз ўрнида талабалар тилни амалда қўллаш ва уларни турли контекстларда қўллаш имконини берадиган маданиятни фаолият ичига бирлаштириш керак. Пировардида, талабалар тилни талқин қилиш, тилда ўз ифодасини айтиш, тилдаги маънони музокара қила олишлари керак (Savignon, 1997). Кўргазмали қурол ва шахс ёки вазият таъсири, имо-ишора, товуш ва ҳаракатлар талабаларга янги сўз ва тузилмаларни тушунишга ёрдам беради.

Креативлик, тушуниш ва рағбатлантириш талабалар билан ўзаро муносабатни йўлга қўйиш ва инглиз тилини ўрганиш томон узоқ йўлни босиб ўтади. Инглиз тилини ўқитиш вазифага асосланган таълим ёрдамида амалга оширилган анъанавий таълимнинг синалган ҳудудига мос келмайди. Кўпчилик ўқитувчи белгиланган дарслик билан ўзини қулай ҳис қиласиди. Вазифага асосланган таълимни дарсга жорий этиш «бу ерда ҳеч қандай ўқитиш кетмаяпти» деган қўрқувни келтириб чиқариши

мумкин. Бу афсуски, талабаларнинг инглиз тилига шўнғиш имконини бермайди.

Ўқитувчилар бошқа материаллардан ўқув ресурси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишлари зарур. Мулоқот тили, бу реал ҳаёт ёки аутентик, ҳамда дарсликка ўхшамаган каби лойиҳадир. Кундалик тил дарсига амалий лойиҳаларни жорий этиш орқали ўқитувчилар талабаларни реал дунёга киришга тайёрлайдилар. Ўқитувчилар ҳам уятчан, ҳам гапга чечан талабаларни бирдек иштирок этишга ундаш учун таҳдиддан ҳоли муҳитни яратишлари мумкин. Қисқаси, ўқитувчилар талабалардаги инглиз тилини ўрганиш иштиёқини ушлаб туришда ёрдам бериши зарур. де Бононинг олти фикрини мослаштирилиши шунингдек муаммоларга дуч келган ўқитувчининг нуқтаи назарини ҳам ўзгартириш мумкин. Инглиз тилини ўқитиши юқорига кўтарилишга интилишдир ва ўзгаришга ҳаракат қиласиган ўқитувчи деганидир.

Тадқиқот жараёнида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши ва изланувчанлик фаолиятининг шаклланишига хос ижтимоий шарт-шароитларни таҳлил этишга алоҳида эътибор бердик, сабаби бўлажак ўқитувчида илмий изланувчанлик, мустақил танқидий фикрлаш билан узвий алоқада амалга ошади [20,21,22,33,35,43,50,53,89,90,91,117,167].

Хозирги олий ўқув юртлари шароитида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши ишларини олиб

бориш билан бир қаторда, талабалар педагогик, ахборот ва медиатехнологиялар ҳамда муаммоли таълимнинг афзаликларини ўрганиб ва амалиётга тадбиқ этиб, кўплаб илмий-ижодий кашифийлар қилиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, тадқиқотчилик фаолияти уларда мутахассислик бўйича кўникма ва малакаларнинг шаклланишига хизмат қиласди [253].

Олий ўкув юртлари шароитида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишини тўғри йўналтирувчи бош омил ва асосий субъект ҳар доим ўқитувчи, яъни илмий раҳбар ҳисобланади. Бу борада ўқитувчининг раҳбарлик қобилияти, билимдонлиги, касбий тажрибаси, юксак маданияти, ширинсуханлиги, самимилиги, фидойилиги, ижодкорлиги, камтарлиги, компьютер саводхонлигига эга эканлиги, касбий-шахсий компетенцияси етакчи омиллардан ҳисобланади. Ўқитувчи талабага креатив ёндашув асосида инглиз тилига оид илмий билимлар моҳияти тўғри сингдирса, мазкур билимлар унинг кейинги касбий фаолиятини олиб боришида таянч таълим бўлиб хизмат қиласди. Шундагина талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини самарали мустақил ўзлаштиришга имкон яратилади.

Шунингдек, талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишда, тилнинг таянч таълимоти, яъни унинг

методологик асоси аниқ англаб олинса, кейинги босқичда боши берк кўчага кириб қолишга йўл қўйилмайди.

Талабаларга инглиз тили ўқитишни, лаёқати ва қизиқиши мавжудларини танлаб олиш, уларни истиқболда рақобатбардош мутахассис сифатида тайёрлашда креатив ёндашув энг ишончли воситадир.

Албатта, талабаларга инглиз тили ўқитишни олиб борища Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ЎзР Президенти ва мутафаккирларнинг илмий фаолият мазмуни ва тадқиқотчи масъулияти борасидаги фикрлари методологик асос сифатида хизмат қиласди [243,288].

Талабаларга инглиз тилини ўқитишда уларнинг мустақил мушоҳада юритиш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Талабалар томонидан инглиз тилида ва методик материаллар тайёрлаш, илмий маъruzалар билан анжуманларда иштирок этиш кабиларга тайёрлашдан ташқари фикрларини оғзаки баён этишга қўйиладиган талаблар билан таништириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълим муассасаларида талабаларга инглиз тилини ўқитиш уларнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга, дунёқарашларини чуқурлаштиришга, жамият тараққиёти қонуниятларини англаб этишларига ёрдам беради. Жамиятда бундай шахслар сафининг кенгайиши соғлом фикрли, табиат ва

жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи фуқароларнинг шакланишига олиб келади.

Маълумки, турли таълим муассасаларида ўқиганликлари ҳамда шахсга хос индивидуал хусусиятлари сабабли талабаларга инглиз тили ўқитишида талабаларнинг олий таълим давригача инглиз тилини ўзлаштирган билим даражалари турлича бўлади. Олий таълим муассасаларида ўқиш даврида талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма, малакалари ягона тизимга келтирилади. Шу билан бирга, мазкур фаолиятига салоҳиятли талабалар маҳсус мақсадли дастур асосида илмий раҳбар бошчилигида фаолият олиб боришар экан, ўзларининг ички интеллектини намоён этиш имконига эга бўладилар. Бу фаолият даврида талабалар мушоҳада юритишига ўрганадилар, креатив ёндашув асосида ўз ижодий имкониятларини юзага чиқарадилар. Натижада тенгдошлари ва жамоа ўртасида алоҳида эътиборга сазовор бўладилар. Уларда соғлом рақобат муҳитига асосланган қувониш, ўз фаолияти натижаларидан ғуурланиш ва руҳий қониқиши ҳисси вужудга келади. Талабаларда ўз ақлий имкониятлари ва салоҳиятига ишонч кучаяди, илмий изланишига иштиёқ ортади.

Замонавий таълим талабларидан келиб чиқсан ҳолда, олий ўкув юртларида талабаларга инглиз тилини ўқитиши мақсадида ингиз тили тўгараклари ташкил этилмоқда. Жумладан, Нукус,

Гулистан давлат университетлари “Ёш филологлар мактаби”, Кўқон давлат педагогика институтида “ёш филологлар”, тўгараклари таъсис этилган. Шунингдек, тўгарак низоми ва иш режаси асосида факультетларда “Ёш филологлар” кенгаши тармоқлари ва кафедраларда “Ёш филологлар” мактаби ташкил қилинган. Қайд этилган олий ўқув юртларида ёш филологлар кенгашларининг низоми ва иш режалари олий ўқув юртининг илмий кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Ёш филологлар уюшмаларининг асосий мақсади: талабаларга инглиз тилини ўқитишини эркин тарзда уюштиришдан иборат.

Асосий вазифалари эса қуйидагилардан ташкил топади:

- ёш мутахассис ва талабаларни инглиз тилини чукурроқ ўрганишга имконият яратиш;
- амалий машғулотлар, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар воситасида талабаларнинг интеллектуал ва креатив салоҳиятини ошириш;
- талабаларни инглиз тилини ўргатиш асосида ўзлаштирилган билимларини ҳаётга татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

Мазкур уюшмалар талабаларга мақсадли фаолияти билан шуғулланиш учун ҳар томонлама кўмаклашади. Уларнинг ўз йўналишларини белгилаб олишлари, таълимнинг тренинг, амалий машғулот шакллари ҳамда илмий-амалий конференция

ва семинарлар воситасида уларга ўз интеллектуал салоҳиятларини оширишлари, фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда инглиз тилининг назарий асосларини ёритишлари, ўз билимлари натижаларини ҳаётга татбиқ этишлари учун шароит яратиш айниқса муҳимдир.

Таълим муассасаси таркибида ташкил этилган бундай тўгараклар талабаларни мақсадли фаолиятига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотимиз давомида шундай ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг фаол йўналишларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида Гулистон давлат университети талаба-ёшлари ўртасида тил ўрганиш фаолияти соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳолатини ўргандик.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, фан тўгаракларини давр ва ижтимоий буюртма талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этиш, уларда истиқболга йўналтирилган модулли ўқитиш мазмуни таркибида муайян фаннинг ютуқларини кенгроқ ифодалаш масалаларига эътибор қаратиш ва ёш филологларнинг диққатини ушбу масалага жалб этиш зарур. Масалан, Гулистон давлат университети филология факультети “Чет тили” кафедраси қошида ташкил этилган “Ёш филолог” кичик мактаби таркибида “Тафаккур гулшани”, “инглиз тилини ўқитиш методикаси” тўгараклари бирлаштирилган бўлиб (раҳбари ўқитучи Х.Маматова), унга инглиз тили фанига оид маҳсус саволнома асосида университет талабалари танлаб

олинади. “Кичик мактаб”нинг тўгаракларидан афзаллиги шундаки, унда машғулотлар ноанъанавий йўсинда: баҳс-мунозара, дидактик ва ролли ўйинлар ҳамда ноанъанавий тарбия дарслари кўринишида амалга оширилади. Бу ерда талабаларда инглиз тилини ўргатиш методикасига оид кўникумалар шакллантирилади, креатив ёндашув асосида кичик мактабнинг ҳар бир аъзоси ўзини намоён эта олиши учун тўлиқ шарт-шароит ҳамда эркинлик яратилади.

Олий ўқув юртлари кафедралари таркибида ташкил этилган фан тўгараклари одатда курс ва факультет талабаларини жалб этган ҳолда, маълум бир дастур асосида фаолият юритади. Давр ва ижтимоий буюртма асосида кафедра қошида қайта ташкил этилган фан тўгаракларининг фаолияти эса, асосан, кенг қамровли муаммоларни ҳал этишга қаратилиб, бу ишга умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим босқичлари ўқувчи ва талабалари, ҳатто, педагогик ходимлари ҳам кенг жалб этилади.

Талабаларга инглиз тили ўқитишининг маҳсулдорлиги хотира имкониятлари билан чамбарчас боғлиқ. Хотира ўтмиш тажрибасини ташкил этиш ва сақлаб қолиш жараёнини англатиб, қуидаги сифатлар билан характерланади: эслаб қолиш тезлиги, эслаб қолиш ҳажми, эслаб қолиш узоқлиги (давомийлиги) ва аниқлиги. Фақат жуда керакли нарсаларни эслаб қолиш, кам талаб қилинадиган ва кам керакли

бўлганларини эса вақти келгунча эсдан чиқара олиш кўниkmаси, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Кутубхона библиографик кўрсаткичлари, тизимли маълумотнома-кatalogларга тегишли бўlimларни ўрганиш хотирани муайян тарзда йўналтириш ва кашfiётчилик қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашади. Бундан ташқари, хотирани турли хил машқлар асосида такомиллаштириш мумкин.

Шунингдек, тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиқсан ҳолда, қатор олий ўқув юртлари филология факультетларида таълим олаётган талабаларни талабаларни инглиз тилига ўқитиш ишларига йўналтиришнинг мавжуд ҳолати маҳсус тест саволномаси асосида аниқланди.

Диссертациянинг 1-иловасида келтирилган тест саволномаси асосида ўтказилган дастлабки тажриба-синовда Гулистон ва Самарқанд давлат университетлари ҳамда Кўкон ДПИларнинг ҳар бирида 350 нафар респондент мисолида креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишида талабаларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

## 1.2.-чиzma

Креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишида  
талабаларининг ўзига хос  
хусусиятлари

Хусусиятлар мазмуни	
	Интеллектуал салоҳиятини юқори эканлиги
	Коммуникативлик

	Аутопсихологик қобилият эга эканлиги
	Компетентлилик
	Креатив фикрлаш
	Креатив фаолият
	Креатив ёндашув
	Касбий компетентлик
	Ижодкорлик
	Касбий-педагогик фикрлаш
	Нутқ техникасиға әғалик
	Коммуникатив қобилият
	Ўз-ўзини бошқариш
	Мустақил хулосалар чиқариш
	Эгалланган билимларни амалиётга самарали татбиқ этиши
	Талабаларнинг аналитик тафаккурга эга эканлиги

Жадвалда инглиз тили ўқитиш лаёқатини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини тугалланган ва якунланган аксиома ҳолатида деб бўлмайди. Зоро, у давр талаблари асосида, касбий фаолиятининг заруритини англашига кўра такомиллашиб боради (1.2.-чизмага қаранг).

### 1.3-чизма

Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишни такомиллаштириш даражасини аниқловчи мезонлар

	Асосий мезонлар мазмуни
	Касбий билим даражасининг юқориилиги
	Касбий-педагогик ва креатив фикрлаш
	Креатив фаолият ва креатив ёндашув
	Касбий компетентлик
	Ижодкорлик

	Нутқ техникасига эгалик
	Коммуникатив қобилият
	Ўз-ўзини бошқариш
	Талабаларга инглиз тили ўқитиш асосида мустақил хуносалар чиқариш

Мазкур олий ўкув юртларида юқорида келтирилган мезонларга мувофиқ ёш мутахассисларда талабалик давридан инглиз тилини ўқитишга оид касбий компетентлигини юқори даражада шакллантириш, касбий сифатларини эгаллашга оид кўникумларни ҳосил қилиш мақсадида иқтидорли, илмий фаолиятга лаёқати мавжуд бўлган истеъдодли, фаол талабалар танлаб олинди ва уларга кафедралар томонидан республикамиз ҳамда минтақада долзарб ҳисобланган инглиз тилини ўқитишга оид билимларни чуқурроқ эгаллаш методикаси тавсия этилди. Катта иш тажрибасига эга бўлган илмий салоҳиятли ходимлардан илмий раҳбарлар белгиланиб талаблар асосида расмийлаштирилди.

Мазкур тадбир 2015 йилда кафедралар таркибида маҳсус Низом асосида “Кичик мактаб”ларни ташкил этиш билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 февралдаги 37-сонли буйруғи 4-иловаси билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

намунавий низом” бу ҳаракатларни янада такомиллаштириш учун дастурул-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

## **I боб юзасидан хulosалар**

Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши фаолиятини талаба шахсида методик лаёқатини тарбияловчи омил сифатида тадқиқ этиш ва бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўргатиш лаёқатини шакллантиришини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш натижасида қуйидаги хulosаларга келдик:

1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши муайян низом ва дастурга асосланган ҳолда ёшлар уюшмалари асосида, жумладан, “Ёш филологлар” кенгашлари сифатида мақсадли ташкил этилса, инглиз тили ўқитиши устувор мақсад қилиб қўйилса, талабаларнинг инглиз тилини ўқитиши фаолияти жадал ривожланади.

2. Ёшлар уюшмаси таркибида, илмий раҳбар ҳамкорлигида талабалар изланувчанлик негизида зарур билимларни мақсадли ҳамда ижодий ўзлаштирса, уларнинг мустақил фикрлаши ва методик фаолият даражаси ортади.

3. Талабалар уюшма таркибида янги билимларни кашф қилса, уларда инглиз тили ўқитиши қобилияти уйғонади.

4. Инглиз тилини ўқитиши жараёнида талабанинг қобилияти, қизиқиши ва имконияти аниқ ҳисобга олинса, ушбу фаолиятни ривожлантириш шакллари тўғри танланса, уларнинг интеллектуал салоҳияти ортади.

5. Олий ўқув юртларида юқорида келтирилган мезонларга мувофиқ ёш мутахассисларда талабалик давридан инглиз тилини ўқитишига оид касбий компетентлигини юқори даражада шакллантириш, касбий сифатларини эгаллашга оид кўникмаларни ҳосил қилиш мухим аҳамият касб этади.

## **II БОБ. ТАЛАБАЛАРГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

### **2.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга оид замонавий ёндашув ва хорижий тажрибалар**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва хукуқтартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021 - йилларга мўлжалланган —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Педагог кадрларни тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидағи Қарорига мувофиқ, таълим

босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув- методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

Хорижий (инглиз) тил ўқитища замонавий ёндашувлар ва инновациялар Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида олиб бориладиган ислоҳотларнинг туб мақсадидан келиб чиқкан бўлиб, давлат ва жамиятнинг таълим жараёни олдига қўйган буюртмасини таъминлашдан иборат. Жумладан, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур, рақобатбардош, илмий салоҳиятга эга етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга бериладиган таълим-тарбия ва илмий билимлар мазмунини такомиллаштиришга қаратилади.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш муаммосига оид халқаро ва республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўtkazилиб, уларнинг натижалари, таҳлиллари асосида замонавий университет модели яратишнинг мақсад ва вазифалари аниқланган; бу жараёнда амал қилинадиган тамойиллар белгиланган; фаолият юритишнинг усуллари, воситалари ҳамда шакллари ишлаб чиқилган; таълим

жараёнининг бош объекти ва субъекти сифатида талабанинг бўлажак мутахассис сифатида технологик ёндашув бўйича эгаллаши лозим бўлган билимлари, амалий малакалари мазмуни ва кўлами белгиланган; уларнинг эҳтиёжи, қобилияти, қизиқиши ва имкониятлари, тайёргарлик даражаси ва таълим сўнгида эришадиган натижалари аниқланган.

Таълим амалиётидан маълумки, ўқувчи талабаликка қабул қилингандан бошлаб, ҳар бир фаннинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиши билан бирга касб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратади.

Аммо ҳозирга қадар олимлар томонидан талабаларни инглиз тилини ўргатишга методик жиҳатдан тайёрлаш ишларига жалб этиш технологиясига оид мулоҳазалар баён этилган бўлса-да, бу мавзу алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаган, мазкур жараённинг яхлит методикаси, тизими ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Сўнгги йилларда, тадқиқот ва креативлик табиати ва таъсири бўйича назария деярли ҳар бир фан ва соҳанинг диққат марказида бўлиб келди, нафақат анъанавий мода дизайни ва адабиёт каби, балки, камроқ таниш бўлган бизнес ёки бошқарув каби соҳаларнинг диққат марказида бўлди. Креативлик ҳақида ҳозирда хамма жойда гапирилмоқда, компания ва ташкилотлар кўпроқ рақобатбардош бўлиши ва мактабларда тестга тайёрлашга қаратилган таълим беришдан кўра марказда

ўрганувчига йўналтирилган таълим сари ҳаракатланишмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидаги таълим вазирликлари мактабларни барча мавзу йўналишлари бўйича ўкув режасида креативликка кўпроқ эътибор қаратишга унダメоқда — бу эса кенг миқёсда кутилган натижаларга олиб келишига ишонишмоқда. Мисол учун, Буюк Британиянинг иқтисодий фаровонлик ва ижтимоий бирдамлик креатив ва маданий таълим учун миллий стратегиясини ишлаб чиқиши билан боғлиқ, деган хulosага келинган. Мактаб даражасида креативлик деб ўқувчиларни таълим олишга жалб қилишнинг самарали усулини таъминланишига айтилади. Креатив таълим деб, ўқувчилар томонидан мотивация ва ўзини-ўзи хурмат қилиш даражаларини ошириш, уларни келажак учун зарур бўлган мослашувчан кўникмалар билан таъминлашга айтилади. Креативлик қобилиятини ривожлантириш, ҳаётни бойитиш ва жамиятга ўз ҳиссасини қўшишга ёрдам бериш салоҳиятига эга деб ҳисобланади. Бироқ, барча талабалар креатив таълим тажрибасига эга бўлиш имконига эга емас. АҚШнинг Вандербильт университетида яқинда таълимнинг бошқа соҳаларидан кўра кўпроқ гуманитар фанлар соҳасидаги мутахассисларда креатив муаммоли вазият кўникмаларини шакллантирилиши аниқланди: уларнинг курслари уларни таваккалчиликка қўл уриш, ноаниқликларни аниқлаш, моделларни кашф этиш, аналогия ва метафораларни қўллаш

каби кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берган. Гуманитар фанлар йўналишидаги 80% талабалар креативлик уларнинг курсларининг бир қисми эканлигини айтган, бироқ биология йўналишидаги талабаларнинг бор-йўғи 3%и ва муҳандислик ва бизнес йўналишидаги талабаларинг таҳминан 13% уларнинг курс ишларида креативликка эътибор қаратилганини айтишган. Таълимда креативлик муҳим аҳамиятга эга, чунки у фан ўзлаштирилишини яхшилай олади. Fisher (2004, б. 11) таъкидлайди:

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабалар креативлик қобилияtlарини тан оладиган ва қадрлайдиган усуллар билан баҳолангандаги, уларнинг фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари яхшиланар экан. Креатив фаолият таълим муассасидан кўнгли совиган талабаларнинг, ҳамда назорат ва мувофиқлик маданияти руҳида таълим беришдан кўнгли безиган ўқитувчиларнинг қизиқишларини қайта тиклаши мумкин.

Тил ўргатишда Малей ишларида креативликни турли адабий ва адабий бўлмаган адабиётлардан олинган матнларни кўллаш орқали кучайтиришга урғу берилганки, бунда креатив фикрлаш ва тарбияни креатив боғлай олиш қобилиятини мустаҳкамлаш учун ишлатиш мумкин деганидир (Maley, 1997). Креативлик хорижий тилни ўзлаштириш даражаларига ҳам боғлиқ бўлган. Замонавий тил ўқитиши усуллари томонидан илгари сурилган вазифалар тил ўрганувчиларнинг

креативлигини ошириши кутилмоқда, аниқроғи марказда талаба, ўзаро таъсирга асосланган, ва чекланмаган элементлар каби усулларни жалб қилған холда, ва модомики, креатив фикрлаш ва тил ўрганувчиларнинг хулқ-авторини тарбиялаш учун мос келадиган тамойилни хам юзага келтиришга қаратилган (Burton, 2010). Креатив онглилик тил ўрганишни осонлаштирадиган омил бўлиб қўринади, зеро у талабаларнинг янги ва кутилмаган тажрибалар билан курашишига ёрдам беради. Коммуникатив ўқитиш усуллари функционал ва ситуацион тилдан фойдаланишни таъкидлагани, ролли ўйин ва симуляциялар каби фаолиятларни қўллагани учун бу ерда ўрни бор, бу эса талабалардан ўз тасаввурларидан фойдаланишни ва ижодий фикрлашни талаб қиласди. Хўш, тил дарсларида креативлик қандай қўринишга ега?

Кўйида креатив хусусиятга эга ўқитувчининг асл намунаси келтирилган. У қўйидаги вазиятга дуч келди:

Ўқитувчи беш дақиқадан сўнг, 50-дақиқалик қўйи-ўрта даражадаги оғзаки инглиз тили машғулотини олиб борасиз. Унда кўргазмали қурол сифатида фақат бўш стакан бор.

Ўқитувчи бу ҳақда бир дақиқадан камроқ ўйлаб, кейин дарс учун ўз ғоясини ишлаб чиқди.

1. Ўқитувчи стаканни кўрсатади ва беш дақиқа давомида талабалардан гуруҳларга бўлинниши ва мия хужуми

орқали нарсалар сақлаш мумкин бўлган турли идишлар номини келтиришини айтади.

Улар кейин буюмларни берилган вазифага кўра гуруҳга бўлиб чиқишиди. Масалан, озиқ-овқатларни сақлайдиган, нарсаларни олиб юриш учун ишлатиладиган идишлар, нарсаларни сақлаш учун ишлатиладиган идишлар ва хоказо. Ўқитувчи буни қандай қилиш кераклигини моделлаштиради ва улар фойдаланиши мумкин бўлган тилни таклиф қиласди. (10 дақиқа).

2. Талабалар энг узун рўйхатни ким тузганлигини аниқлаш мақсадида доска олдида ўз топилмаларини тақдим этишиди. (10 дақиқа).

3. Суръатлар бир оз ўзгартириш ва функционал тилни амалиётда қўллаш учун, ўқитувчи диалог устида ишлашни таклиф қиласди, масалан қўшнисидан бирон-бир идишни сўраб туришни амалиётда синаб кўради. Биринчидан, ўқитувчи уларни амалиётда қўллаши билан боғлик мулоқот моделини беради. Сўнгра талабалар модел бўйича қуйидагиларни мулоқотда қўллашади:

- a) Кўшнисини безовта қилганлиги учун узр сўраш.
- б) Сизга нима керак ва нега кераклигини тушунтиринг.
- с) Кўшнингиз сизга керакли нарсани бериб туради.
- д) Кўшнингизга раҳмат айтинг ва хафта охирида қайтаришингизни айтинг. Талабалар ўzlари тузган диалогни

намойиш қилишади.

Лекин ўқитувчилар бу каби муаммоларнинг креатив ечимларига қандай эришишади ва креативлик айнан нимадан иборат? “Биз одамларнинг мулки сифатида (ўзимиз), жараёнлари (қилаётган ишимиз) ёки маҳсулотлари (ўзимиз ясайдиган)” каби қарашимизга кўра креативликни белгилашнинг турли усуллари мавжуд (Fisher 2004, б. 8). Шу тариқа, креативлик одатда турли ўлчамларга эга деб таърифланади:

- мақсадларга тегишли бўлган муаммоларни асл ва қимматли усуллар билан ҳал қилиш қобилияти,
- нарсаларда янги маъноларни ва муносабатларни кўриш ва уларни боғлаш,
- бирор нарса ҳақида асл ва образли фикр ва ғояларга эга бўлиш,
- янги таълим имкониятларини яратиш учун тасаввур ва ўтмиш тажрибасидан фойдаланиш.

Креативлик маҳсулот сифатида қаралганда, дикқат марказида муайян дарс, китобдаги вазифа ёки фаолият ёхуд талаба ёзувининг бир бўлаги бўлиши мумкин. Дарснинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини креативлик дейиш имконини аслида нима беради? Жараён сифатида қаралганда, инсоннинг креатив таърифлайдиган нарсаларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган фикрлаш жараёнлари ва

қарорларига эътибор қаратилади (Jones, 2012). Креатив инглиз тили ўқитувчилар гурухининг маҳсус сифатлари ва фазилатларига бўлган эътиборнинг икки ўлчамини мисол қилиб келтирмоқчиман — бу сизга ёқади, агар маҳсулот ҳажми — ва кейин бу сифатлар тилни ўқитишида алоҳида машғулот жараёнларига олиб кўриб чиқилса, албатта. Бундан ташқари, таълим муассасалари креативлик маданиятини ва таълим муассаса, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар учун қандай фойда келтириши мумкинлигини кўриб чиқамиз. Лекин аввал маълумотлар манбаси ҳақида гапирайлик.

Таълимда креативлик Бирлашган Қиролликнинг Кент шаҳридаги Кантербёри Крист Чёрч университети жамоаси томонидан амалга оширилган тадқиқот лойиҳаси ҳисоботи бўйича шуни айтиш жойизки, (Cremin, Barnes & Scoffham, 2009). Бу дастлабки тадқиқот сўровномасида 20 та мактаб батафсил ўрганилиб, уларнинг тўрттасида -2 та бошлангич ва 2 та ўрта синфда креатив ўқитиши сифати юқори эканлиги эътироф этилган. Ушбу мактаблардаги ўқитувчилар TESOL ўқитувчилари эмас, балки тадқиқот маҳсулот ва жараён билан боғлиқ бўлган креатив ўқитишининг учта ўзаро боғлиқлигини аниқлади ва бу мактаб контекстини креатив ўқитиши осонлаштиришда муҳим омил сифатида таъкидлади. Кент тадқиқотидаги топилмалар учта омилни таъкидлади:

- a) ўқитувчининг шахсий сифатлари,

- б) ўқитувчи ўзлаштирган педагогика; ва
- с) синф ва мактаб этикаси.

Шундан сўнг, мен якунлаш учун ўқитувчиларнинг фикрлашини кўпроқ ўрганиш ва ўқитища креатив ёндашувларни машғулотларида амалиётда қўллаши хақидаги мисолларни топиш мақсадида интервьюолар (хам оғзаки, хам ёзма) ўтказдим. Ушбу сухбат ва интервьюоларнинг натижаларини умумлаштириш ва Кент тадқиқотидан келиб чиқиб, креатив ўқитишининг уч хил ўлчамини муҳокама қиласиз:

1. Креатив ўқитувчилар эга бўлган фазилатлар. Биринчидан, креатив ўқитувчилар эга бўлган шахсий сифат ва фазилатларнинг айримларини ўрганиб чиқамиз.
2. Ўқитувчилар ўз таълимотида креативликни қандай қўллайдилар. Кейингиси, биз креатив ўқитувчилар томонидан ўқитиши стратегиясини ўрганиб чиқамиз.
3. Мактабда креативликни қандай қўллаб-қувватлаш мумкин. Ва ниҳоят, биз мактаб контекстига ва ўқитувчининг ишлаётган ҳолатига креатив ўқитиши рағбатлантириши ёки тўсқинлик қилишини ўрганиб чиқамиз.

Биз, эҳтимол, ўқитищдаги ёндашувида креатив бўлган барча ўқитувчиларни эсга оламиз. Албатта, пухта ишлаб чиқилган дарс режаларидан унумли фойдаланадиган, ўз дарслари мақсадларини аниқ бажаришга қаратилган, уй ишлари

борасида қаттиққүл бўлган ва уни батафсил тузатишлар ва таклифлар билан қайтарган ўқитувчиларга дуч келганмиз. Умид қиласизки, аммо, биз ҳам тасаввуримизни бойитган, бизни ўзининг индивидуал ва шахсий ўқитиш услуби илҳомлантарган, бизни таълим олишда давом этиш ва эҳтимол, охир-оқибат инглиз ўқитувчиси бўлишга қарор қилиш истагини уйғотган ўқитувчи хақидаги кучли ва иштиёқманд хотиралар мавжуд. Ўқитувчиларни бундан бошқа яна нима ажратиб туриши мумкин?

Креатив одамлар бошқалардан бироз фарқ қиласи, чунки улар креатив фикрлашга эга бўлмаганлардан фарқли ўлароқ, турли билим ва қобилиятга эга бўлиб, турли фикрлаш жараёнларидан фойдаланадилар. Креатив вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларга жавоб беришнинг янги усулларини аниқлашга боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бир қатор турли қобилият ва фикрлаш даражаларига боғлиқ. Келинг, энди креатив ўқитувчиларнинг айрим фазилатларини ифодаловчи ўқитувчи қобилияти ва англашининг саккиз жиҳатини тасвирлашга ҳаракат қилайлик.

Креатив ўқитувчилар мустаҳкам билим базасига эга. Улар ўз фани — инглиз тилини, инглиз тилини ўқитиш ва инглиз тилини ўрганишни билишади ва креатив дарсларни тузишда ўз фанига оид билимлардан фойдаланишади. Билим базаси муҳим аҳамиятга эга, зеро билимсиз тасаввур самарали бўла олмайди.

Креативлик, номақбул ва ножүя ҳаракатлар қилиш дегани эмас. У сиз хохлаганча уни ташкил қилиш, дегани эмас.

Аввало, мустаҳкам билимга эга бўлмаган креативликни характерлайдиган намунани келтирай. TESOL хақида тасаввурга эга бўлмаган, бироқ 8 йил EFL контексти бўйича дарс берган махаллий тил эгаси бўлган ўқитувчи «спонтанлик» деб номланган усулни ишлаб чиққан, у бу усулни ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган холда кўллаган. Мисол учун, у дарсни бошлаш учун «English» сўзини олиши мумкин. У талабалардан E-N-G—L-I-S-H билан бошланган сўзларни келтириб беришини сўрайди. Кейин у ‘ish’ қўшимчасини олиб, ‘ish’ билан тугаган миллатларни сўрайди. Бирдан у ‘Finnish’ миллатини «finish» билан солиштира бошлайди. Кейин у талабаларга мактаб қандай якуnlанишини билиши сўрайди. Ва шундай давом этади. Мен ундан ушбу фаолиятини назарий асослаб беришини ва у нимага эришиши кераклигини сўраганимда, у ишончли жавоб бера олмади.

Бу креативлик мустаҳкам билим базасига боғлиқ эмас дегани. Бу қонуний мақсад ёки мақсадга эга бўлмаган фаолиятга олиб келади. Креативликка бўлган бу ёндашувни шу ўқитувчининг дарс жараёни билан таққосланг.

Дарс ўтилганда, ўқитувчидаги батафсил дарс режаси бўлмаслиги мумкин, лекин ўқитувчи дарс мақсадларини қатъий ёдда тутса ва ўқиш дарси ёки гапириш машғулотими ва ҳоказо

ўқитувчи ўқитишига ҳаракат қиласы. Ва агар у түсатдан қизиқарлы нарсаларни ўйлаб топса, режалаштирумаган бирор нарсаны қилишига қарор қиласы.

Демак, мустаҳкам билим базасига эга бўлиш ўқитувчининг ўзи фойдаланадиган креатив фаолияти учун рационал ва мақсадга эга эканлигини билдиради. Улар фақатгина янгилик қиймати учунгина танланмаган, балки улар ўқитувчилар билим, ҳамда ўқитиши ва ўрганишни тушунишни акс этади.

Ушбу хусусият қисман олдинги ҳолатдан келиб чиқади, чунки мавзу бўйича билимлар ўқитувчига асл ва креатив бўлишга имкон берувчи ишонч туйғусини таъминлаши мумкин. Ишонч ҳам албатта тажриба маҳсулидир. Ишончнинг бир хусусияти шундаки, у ўқитувчиларга ўз дарсини назорат қилишда ва у ўқитувчи-китоб ёки ўқув дастури эмаслигини эслатади, ҳамда шу жиҳатдан фарқланиши мумкин. Креатив ўқитувчилар дарсга ўз ҳиссаларини қўшишни ҳал қилувчи палла деб биладилар ва шунинг учун талабалар яхши ўрганишлари учун шахсий масъулият ҳиссини сезадилар.

Мен дарсимни менинг ўқитиши-ўрганиш кенглиги бўлишини истайман. Мен уни ўзим танлаган расм, сурат ва талабаларим ҳамда ўзим танлаган бошқа нарсалар билан безайман. Улар менинг дарсимга киришганида, улар мен учун шахсан яратилган дарсни бошдан кечиришларини хис қилишларини истайман.

Мен анчадан буён дарс бериб келмоқдаман ва энди илк бор ўқитишни бошлаганимдан кўра дарсда ўзимни анча дадил хис қиласман. Аввалига талабаларнинг мен ҳақимда нима деб ўйлашлари мени ўйлантиради-ўз фанимни биламанми ёки йўқ? Мен материални қандай етказишни биламанми? Мен дарсимни назорат қила оламанми? ва ҳоказо. Энди ўқитувчи сифатида анча ишончим комилки, интуицияларимга амал қилишга, янги ёндашув ва стратегияларни синаб кўришга, таваккалчилик ва синаб кўришга кўпроқ тайёрман. Дарс бериш мени янада завқлантиради.

Креатив ўқитувчилар билан сухбат талабаларнинг муваффақиятига ошно эканликларини тасдиқлайди. Улар креатив сифатида улар таълим олишни енгиллаштириш учун ўз таълимотларини доимий равища мослаштириш деб тушунишар экан. Акс ҳолда, улар фақат китоб ёки уларнинг дарс режасига ёпишиб олган бўлишарди. Улар талабалар муваффақиятга эришишларини исташади ва улар ўзталабалари эҳтиёжларига мурожаат қилиш, уларни фаоллаштириш учун иложи борича йўл топиш учун ҳаракат қилишади. Улар, шунингдек, талабаларининг ўзига бўлган ишончни шакллантиришга интилади.

Талабаларим ҳақида қанча кўп билсан, уларни ўрганишларига шунча ёрдам бера оламан. Ўзига бўлган ишонч, айниқса, ўзига ишонч бўлмаганларга инглиз дунёси эшигидан

ўтишда чет тилини ўрганувчиларни илҳомлантириши мумкин. Нима учун талабанинг ўзига бўлган ишончи муҳим? Талабалар билан ишлашда бу саволга кўп дуч келасиз. Ўзига ишончи юқори бўлган талабалар чет тилидан билимларини эгаллашда хам муваффақиятга эришишади. Бошқача айтганда, улар инглиз тилини ўрганишда ўз ишончларини уйғотишиади.

Мувофиқлик креативлик душманидир. Бу янги нуқтаи назар ва янги тушунчаларни яратиш эҳтимолини камайтиради. Bruner (1962) креативликни “самарали сюрприз ишлаб чиқарадиган ҳаракат” деб таъкидлайди. Fisher (2004, б. 9) қуйидагича изоҳлайди: бу аслида самарали сюрприз билан таъминлайди. Худди шу тарзда бир хил нарсаларни қилиш креативлик эмас, турли хил нарсаларни қилиш оддий одатга ўзгариш бағишлийди, лекин биз илгари қилмаган нарсаларни қилсак ёки ўйласак ва улар самарали бўлса, биз ўзига хос ва тўлиқ креатив бўламиз.

Креатив ўқитувчи китобдан шунчаки дарс тақдим этмайди. У дарсни яратиш, хамда дарслик ва ўқув материалларидан фойдаланишнинг ўзига хос йўлларини излайди ва ўзининг индивидуал ўқитиш услубини акс эттирувчи дарсларни яратишга интилади. Бу каби креатив бўлиш талабаларнинг эҳтиёжларини яхшироқ мослаш учун дарсларни мослаштириш ва ўзгартиришга интилиш демакдир. Шу сабабли креатив ўқитувчилар одатда бир-биридан жуда фарқ қиласи. Креатив

ўқитувчи бўлишни ўрганиш бошқа креатив ўқитувчиларнинг амалиётларини моделлаштириш ёки нусха қўчириш дегани эмас, аксинча, креатив ўқитишни асословчи тамойилларни тушуниш демакдир. Алоҳида ўқитувчилар бу тамойилларни турли йўллар билан амалга оширадилар. Биз бу ёндашув креатив ўқитувчилар томонидан акс этган тамойилларни кўриб чиқамиз:

Мен талабалар дарсимга келиб, ҳар доим бир оз бошқача ва кутилмаган нарса ўрганишаётганини ҳис қилишса, хурсанд бўламан. Ўзи учун янгилик эмас, балки бирон-бир ишни бошқача усулда қилишни ўрганишса, дейман. Масалан, ёзишни ўргатищдан ташқари, талабаларни қандай ёзмасликка ўргатишига урғу бераман. Мен энг ёмон мисолларни топишга ҳаракат қиласман ва талабалардан уларни ўқитувчи каби баҳолашни сўрайман. Кейин матнлар ким томонидан ёзилганини уларга ошкор қиласман. Талабалар баъзи матнлар таълим вазирлиги ҳужжатлари ва веб-сайтларидан олинганини топишни яхши кўришади! Ҳар йили репертуаримга янги методларни қўшишга ҳаракат қиласман.

Ўқитишида креативлик ўқитувчиларнинг мурожаат қилиши мумкин бўлган кундалик иш ва стратегияларнинг кенг репертуарига эга бўлиш, шунингдек, белгиланган тартиб-қоидалардан чиқиб кетишга ва ўз ечимларидан фойдаланишга тайёр бўлишлари демакдир. Умуман олганда, янги иш

бошлаган ўқитувчилар тажрибали ўқитувчиларга қараганда камроқ креатив бўлишлари мумкин, чунки улар камроқ стратегия ва усуллар билан таниш. Хавф бу ўқитувчи усул ва стратегиялар мажмуи ядросини қўллашда қулай бўлиб қолишидадир.

Мен устида иш олиб бораётган жараён босқичида бўлган, ёзиш кўникмасига доир вазифа билан боғлиқ камида 20 хил усулларга эга репертуарим бор. Баъзан биз рўйхат тузиш, ҳажмни аниқлаш ёки ақлий хариталаш каби ақлий ҳужум усули билан ишлаймиз. Булар оғзаки ёки ёзма равищда амалга оширилиши мумкин. Баъзан талабалар жуфтликда ишлаганда, унинг маҳсулдорлиги ошади. Баъзан биз улар ишлаётган мавзу бўйича узлуксиз ёзиш машқларини олиб борамиз, албатта равонликка эътибор қаратиш учун. Бошқа пайтларда биз матнларни ташкил қилиш, матн элементларини тақдим этиш ва турли талабаларни турли групҳларда ғоя ва тилни яратиш учун ажратадиган энг яхши кетма-кетликни аниқлаймиз. Шу тариқа ҳамкорликдаги матнни келтириб ўтамиз. Мен ҳам синфда реформуляциядан жуда кўп фойдаланаман — бу тугалланган матннинг иккита кўринишини тақдим этишни ўз ичига олади: талабанинг асл матни ва ундан кейин мен уни янада самарали мулоқот қилиш учун қайта ишладим. Реформуляция ҳақида ижобий нарса шундаки, у талабанинг матнини “тузатишни” ўз ичига олмайди, лекин талабалар қилган ўзгаришларни аниқлаш

ва нима учун амалга оширганлигини муҳокама қилишга таклиф қиласман. Шу тариқа уларнинг танқидий кўникмаларини ривожлантираман ва ўз матнларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўлларини топишга ёрдам бераман. Асосийси, фаолиятни янгилаб туриш ва мазмунини келтиришга талабаларни рағбатлантириш ҳисобланади. Ёзишининг чекчегараси йўқ; улар фақат тасаввурлари билан чегараланади.

Креатив ўқитувчи синаб кўришга, янгилик киритишга ва таваккалчиликка тайёр бўлади. Таваккалчиликка қўл уриш креатив ўқитувчиларнинг мослашувчан фикрини ва уларнинг ўзига бўлган ишончини акс эттиради. Улар нарсаларни синаш учун тайёр, баъзан улар кутилган натижани бермаса-да.

Шу тариқа, ўқитувчи қайта ўйлаб кўриш ёки қайта кўриб чиқишга ёхуд керак бўлганда асл режадан воз кечиб, бошқа нарсани синаб кўришга тайёр бўлиши керак. Бу муваффақиятсизликдан далолат эмас, аксинча ўрганиш лаҳзаси сифатида кўрилади.

Юқоридаги фикрларнинг бир нечтасида ўз аксини топган жиҳат бу марказда-ўрганувчиидир. Бу талабаларни тинглайдиган ва талабаларни маъсулиятни олиши ва назорат қилишлари учун имконият излайдиган педагогларда кўринади. Марказ-ўрганувчи кўринишидаги машғулотларнинг муҳим хусусияти бу дарснинг талабалар ҳаётий тажрибалари билан қай даражада боғланганлигидадир. Қай тариқа дарс мазмунини

талабаларимиз ҳаётига янада яқинроқ боғлашимиз мумкин?

Мана бу саволга бир ўқитувчининг жавоби:

As far as I can I try to involve my students in developing the content of lessons. For example if I am teaching students to write narratives, while the textbook provides examples of what narratives are and what their features are, as soon as possible I like to shift the lesson focus to sharing personal stories. When students share accounts of their childhoods and write about important events or experiences in their lives they become much more involved in their writing.

Шу пайтгача таърифлаган айрим хислатларга эга бўлиш креатив ўқитувчининг ўз гуруҳига дарс бериш усулига қандай таъсир кўрсатади? Креатив ўқитувчилар дарсларининг бир неча хил ўлчовларида акс этган креатив диспозицияни кўрамиз.

Одатда, муайян усул билан боғлиқ бўлишдан кўра, креатив ўқитувчилар кўпинча “принсипал эклектизм” деб номланиши мумкин бўлган ёндашувни қабул қиласидар. Бошқача айтганда, улар тасодифий, лекин уларнинг дарс эҳтиёжларига кўра усувлар ва тартибларини танламайди. Улар турли хил таълим ёндашувларидан, ҳамда кўплаб ресурс ва тадбирлардан фойдаланадилар. Битта усулга қараб ижод қилиш ўрнига услубларнинг қоришмаси ва уйғунлиги тарғиб қилинади.

Креатив ўқитиши креатив ўқитишини қўллаб-қувватлаш салоҳияти учун фаолият ва материалларни баҳолаш демакдир.

Тадқиқотчилар креатив вазифаларнинг бир қатор ўлчамларини аниқладилар: улар очик-ойдин муаммоларни ҳал қилишни, иштирокчиларнинг қобилиятига мослашишни ва чекловлар остида амалга оширилишини талаб қиласди (Burton, 2010; Lubart, 1994). Dornyei (2001) самарали тил ўрганиш вазифалари сифатида белгилайдиган баъзи хусусиятлар креатив жавобларни тарғиб қилиш сифатида ҳам кўринади:

Кийинчилик: талабалар муаммоларни ҳал қиласдиган вазифалар, бирор нарсани кашф қилиш, тўсиқларни бартараф этиш ёки маълумот топиш;

Қизиқарли контент: талабалар аллақачон қизиқарли деб билган мавзулар ва улар дарсдан ташқари ўқиши ҳоҳлашади, масалан, биз YouTube ва интернетда топадиган спорт ва кўнгилочар шахслар ҳақида ҳикоя қиласдиз;

Шахсий элемент: талабалар ҳаёти ва ташвишларига уланишни амалга оширувчи тадбирлар;

Янгилик элементи: янги ёки бошқача ёхуд умуман кутилмаган фаолиятнинг жиҳатлари;

Қизиқтирувчи элемент: ноаниқ, муаммоли, парадоксал, мунозарали, зиддиятли ёки ноқулай материалга тааллуқли вазифалар қизиқишини рағбатлантиради;

Индивидуал танлов: талабаларга шахсий танлов берадиган вазифаларни излайдилар. Масалан талабалар иншо ёзиш учун

ўз мавзуларини танлашлари ёки мунозара фаолиятида ўз мавзулари ва гурух аъзоларини танлашлари мумкин;

Таваккалчиликни рағбатлантирувчи вазифалар: ўқитувчилар ўз талабаларини хатога йўл қўйишдан унчалик ташвишга тушишларини истамайдилар, улар фаолиятда иштирок этишни истамайдилар. Уларни фақат муваффақият учун эмас, балки ҳаракат учун мукофотланг;

Ўзига хос фикрлашни рағбатлантириш вазифалари: ўзига хос жавоб талаб этиш фаолияти. Шу тариқа, маълум бир параграфни ўқиб бўлгач, уни тушунганлигини текшириш ўрнига, улар талаба ўқиб бўлгач, шахсий ва индивидуал жавобини рағбатлантириш вазифалардан фойдаланишга интилади;

Фантазия элементи: талабалар фантазиясини жалб қилувчи ва талабаларни ишонарли ҳикоялар тузиш, кўргазмали белгилар билан аниқлаш ёки хаёлий вазиятларни амалга ошириш учун ўз тасаввурларидан фойдаланишга таклиф қилувчи тадбирлар.

Самарали ўқитиш учун бошқа кўплаб муҳим ўлчовлар мавжуд. Аммо самарали тил ўқитувчиси бўлиш нимани англатишини тушунишимизга креатив ўқитиш тушунчасини қўшиш ўқитувчилар, талабалар учун, шунингдек, таълим муассасалари учун ҳам фойда келтиради. Талабалар учун креатив ўқитиш талабаларнинг ўзига хос ғоялар ва креатив

фикрлаш учун имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу тажриба талабалар қабул сифатини яхшилайди ва талабаларга турткы ва ҳатто ўз-ўзини хурмат қилиши даражасини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин. Ўқитувчи учун у давом этаётган касбий янгиланиш ва қониқиш манбай бўлиб хизмат қилади-чунки ўқувчилар шуғулланганда, рағбатлантирилганда ва муваффақиятли бўлганда, ўқитиши ўқитувчи учун мотивациядир. Муассаса учун ўқитувчилар ва ўқувчилар учун қониқиш даражасининг ошишига олиб келиши ҳамда мактабнинг сифати, самарадорлиги ва обрўсига ҳисса қўшиши мумкин. Хулоса қилиш учун, ижодий ўқувчилар ижодий ўқитувчилар ва ўқитувчилар ижодкорлик қадрланадиган ва биргаликда ишлайдиган мактабларда ишлашлари керак.

## **2.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитишини самарали ташкил этиш ва унинг сифатини аниқлаш усуллари**

Чет тилининг методикасида тил ўргатиш чукур мулоҳаза билан амалга оширилишини талаб қиласди. Буни инглиз тили мисолида таҳлил қилиб кўришган:<sup>5</sup> унга кўра ўқитувчи ўрганувчи ўқувчилар билан келишган ҳолда маълум бир тил

---

<sup>5</sup> Rahmenplan Englisch des Landes Mecklenburg-Vorpommern für die Orientierungsstufe, Schwerin 2001 (Sämtliche Rahmenpläne des Landes Mecklenburg-Vorpommern sind im Internet veröffentlicht- [www.bildung-mv.de](http://www.bildung-mv.de) )

ўргатиш методини танлашади. Бу танланган метод дарсдан кўзланган асосий мақсадни ўзида бера олиши ва чет тилини ўрганувчиларнинг қабул қилиш доирасига ҳам мувофик келиши лозим.

Кўйидаги жадвал йўналишларни қўрсатиб беради. Унда анъанавий тушунчалар ва янги йўналишлар бир-бирлари билан уйғунлашган.

...дан	...га
тўгри метод	методларининг хилма-хиллиги ва метод танлаш эркинлиги
чет тили таълим тамойилларининг бир қисми сифатида	амалий ва ҳаётий тажрибаларга асосланган чет тили
чет тили дарслар	бошқа фанларда ҳам чет тилини қўллаш

## 2.1-жадвал. Талабаларни янада фаоллаштиришга оид турли хил дарс методлари

Методларни турли хил турларга ажратиш мумкин. Масалан, ижтимоий, мотивация берувчи, амалий, оғзаки ва тақдимот, тадқиқот ва кашф этувчи, ёзма ва компьютер, ўйин ва ҳаракат, ташкил этувчи ва тус берувчи, креатив ва режалаштирилган методлардир. Ўз навбатида ушбу методлар ҳам бир неча тармоқларга бўлиниб кетади. Креатив методларни кўриб чиққадиган бўлсак, бу метод таркибида

ақлий хужум, топширикни аниқлай олиш, ишлаш кабиларга ажратиши мүмкін.

Чет тили фани дарси хилма-хиллик асосида үтказилиши лозим. Умумий дидактик методлар тил үргатиша унчалик аҳамиятга эга әмас:

Улар шунчаки дарсни мұлоҳаза қилиш кераклигини англатади;

Улар дарс, билим ва тарбияни ижтимоий ҳолатини акс эттиради.

Креативлик талаби нимадан иборат? Аввало, қреативлик ўзи нималиги ва унга әришиш учун қандай йўл тутиш кераклигини ўрганиш лозим. Буни биз немис тили дарслари мисолида кўриб чиқамиз. Бунинг учун қатнашувчилар, яъни талабалардан кичик бир гурӯҳ ташкил қиласиз. Гурӯҳнинг ҳар бир аъзосига турли хил рангдаги (қофоздан ясалган) шляпа ёки шунга ўхшаш бош кийим берилади. Масалан, қизил, сариқ, яшил, оқ, кўк ва қора. Агар бу бироз әриш туйюлади деб ўйласангиз, у ҳолда худди шу ранглар билан карталар тайёрлашингиз ҳам мүмкін.

Креативлик ҳар бир соҳада бирдек муҳим ва уни тор тушунчага сиғдириб олиш мүшкүл. У тасаввурларга асосланган бўлиб, тушунчага тўғри келмаслиги мүмкін. Ҳар кимда креативлик тушунчаси мавжуд ва уни қандайлигини ҳар ким ўзича тасавур қиласи. Бу тушунча фантазия, кашфиёт,

топқирилек ва истеъдод каби тушунчалар сирасига киради. Креативлик бу бир хусусият бўлиб, уни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида қўллайди. Креативлик тушунчасини атроф олам билан ўзаро боғлик ҳолда ҳар бир инсоннинг шахсий олами ҳамда кундалик фаолиятининг тузилиши билан боғлаб тушуниш мумкин. Креативликлар асосан креатив бўлишга қарор қилингандан бошланади. Креатив бўлишга туртки бўладиган ташқи омиллар шахсий фаолиятдаги эхтиёж ва потенциал бўлиши мумкин. Креатив жараён учун керакли бўладиган қобилият, имконият, мотивация ва шахсият атроф муҳит шароитларига мос келиши лозим. Креативлик маълум тизимларга асосланади ва янгилик яратишга хизмат қиласи. Креатив жараён ўзини ўзгарувчан ақлий кетма-кетлик сифатида ифодалайди ва янги ғояларнинг доимий амалда қўлланиши билан уларнинг баҳоланиши ҳамда қайта ишланишини тақазо этади. Асл, янги, санъатга хос бўлган, арзирли янги ғоялар ва маҳсулотлар креативликнинг натижасидир.<sup>6</sup>

Намунали дарсда креативлик ёндашув қандай амалга оширилади?

Намунали дарс қандай бўлишини муҳокама қила олиш учун аввало, намунали дарсга таъриф бериш лозим. Намунали

---

<sup>6</sup> Dr. Frank-Hagen Hofmann,  
Psychosoziale Beratungsstelle, Heidelberg (47 бет)

ташкиллаштирилган дарснинг аниқ йўналтирилган мақсади мавжуд бўлади. Дарсга оид турли хил вазиятларда асосийси дарсни тўғри режалаштириш ҳисобланади ва ўргатувчи томонидан аниқланган меъёрлар мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишни таъминлаши лозим. Ўқитувчи томонидан намунали ташкиллаштирилган дарс ва ўқувчиларнинг яхши ўзлаштириши етарлича бўлгандагини кутилган натижага эришиш мумкин. Мана шу жараёнда аудиторияда креативлик вужудга келади. Шу ўринда аудиторияни сахна деб тасаввур қилсак, дарсни сахнада ижро этилаётган асар, ўқитувчи ва ўқувчиларни эса ижрочиilar сифатида кўра олишимиз мумкин. Демак, дарснинг қай даражада намунали чиқишида иштирокчиларнинг креатив тарзда ёндашуви жуда муҳим. Агарда бирга ишлаётган шерикларнинг ана шу жараёнга нисбатан ишонч, лаёқати ва етарлича иштиёқи бўлса, бу кутилган натижани бера олади. Бу шунингдек яхшигина ўқитиш атмосфераси ва яхши дарс каби омилларга ҳам боғлиқ:

Дарсдан кўзланган мақсад аниқ-равshan белгилаб олинади, бунинг учун қатнашувчилар бирга иштирок этадиган ўз йўлларни аниқ тасдиқлаб, белгилаб олишади. Бу ҳолат мустақил ўрганиш жараёнини бардавомлигини оширади.

Агарда шахсий фикр билан фаолият ақлан бир-бирига мувофиқ келса, у холда мотивация яралади. Мотивация ижодкорликнинг (креативликнинг) двигатели бўлиб, аниқлик

ва ишонч ҳисобига аудиторияда кутилган натижага эришишга асос бўлади. Агарда ишонч етарли бўлмаса, кутилган натижага эришиш мушкул. Мақсадга олиб борадиган йўли кўпинча биргаликда аниқлаш мумкин. Бу шунингдек, дарсни дидактик режалаштиришда вақтни тўғри тақсимлаш ва бошқариш бўйича муайян тартибда иш кўриб чиқишни талаб қиласди. Чет тилини ўргатиш жараёни бир қанча машаққатни енгиб ўтишни талаб қиласди, аммо ўргатиш жараёнида натижанинг потенциали сарфланаётган вақтнинг қай даражада тўғри тақсимланаётгани ҳамда фойдаланилаётганига боғлиқ. Дарсларни ўзаро мослаштириш ёки дарсларни дидактик режалаштириш, ҳар бир талабага адолат ва ўзаро хурмат, тенг баҳолаш демократик таълим услубининг асосини ташкил этади.

Талабаларнинг креативлиги борасида гап борганда, аввало, уларни ижодкор талабалар эканлигини доимо уларга эслатиб, рағбатлантириб туриш ўринлидир. Чунки ўрганувчиларнинг мувафаққиятлари ҳақида уларга эслатиб туриш ўрганувчиларда янги мотивациялар яратилишини таъминлайди. Масалан, буни оддийгини ақлий ҳужум ёки баҳс - мунозара пайтида ролларнинг ўзгартериш ва такрорлаш ҳамда машқ бажариш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Дарс рейтингини кўтаришни креативликнинг факторларида кўриш мумкин ва булар узок муддат давомида дарсни ривожлантириш имкониятини яратади. Мактаб билан дарс

ўртасида ижтимой компонентлар мавжуд бўлиб, улар кўп ўринларда меъёри таъминлаб беради.

Креативлик индикатор (кўрсаткич) вазифасини бажаради, чунки у етарли даражада яхши муҳитда кўринади, яъни бу ўқитувчилар хонаси ва синф хонаси бўлиши мумкин<sup>7</sup>.

Айтиб ўтиладиган маълумотлар лойиҳада қатнашган ўқитувчилар ва ўқувчилар орқали қисман аниқланган интервью орқали кўтарилиган. Олинган натижаларни янада мустаҳкамлашда ўқув дастурида белгиланган мавзуга алоқадор фильмдан парча ва мавзуга мос келадиган расмлардан фойдаланилган. Интервью “Grounded Theory” асоси билан очилди.

Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатадики, креативлик мавжуд бўлмаган дарс жараёнидан креативликни фарқлай олиш учун, дарс мавзусини ўзгартириш ва режалаштириш муҳим ҳисобланади.

**Дарсда креативликдан фойдаланиш ва унинг маъносини тушуниш**

Ўқитувчилар креативлик тушунчасини англаб етишадими ва улар дарсда ўз билимларини креатив тарзда бўлиша оладиларми, деган саволга жавоб излаш ишимизнинг асосини ташкил қиласи.

---

<sup>7</sup> Peer Gessing,  
Lehrer, Richard-Wagner-Gymnasium Baden-Baden(55-56 бетдар)

## **Имтиёзнинг етарли эмаслиги**

Ўқувчилар топшириқларни бажариш вақтида турли хил ўйинларни амалга оширишга имконлари бўлади, лекин вақт ва материалларнинг етишмовчиликлари каби умумий шароитларнинг етарли эмаслиги дарсни креатив ташкиллаштиришда ўзига яраша тўсиқ бўла олади.

## **Қўллаб-қувватловчи тавсия ва белгиланган тизимни тутиб туриш**

Ўқитувчилар ўрганувчиларнинг креативлик ишлашларига халал берадиган муаммоларни бартараф эта олишлари лозим.

## **Керакли маълумотларга эркин кира олиш**

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўзлари учун керакли бўлган маълумотларни олишларини таъминлашлари лозим.

## **Ишончли муҳит ва эркинлик, хато қилишдан қўрмаслик**

Ўргатувчилар ўрганувчилар учун ишончли атмосферани яратадигина креативлик вужудга келади. Ўқитувчи ўз ўқувчиларини хато қилишдан қўрқмасликка ўргатиши ўқувчининг креатив ишлашига туртки бўлади.

## **Завқ**

Ўқувчида мавжуд мотивация туфайли у ўзи ўрганаётган предметдан завқлана олади. Завқланиш жараёни ўқувчидағи хошишни кучайтиради ва креатив бўлишларини таъминлаб,

бажарилаётган топшириқларга бўлган қизиқишларини янада оширади.

### **Баъзи фанлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш**

Атесстация текширувлари орқали аниқ бўладики, дарс мавзусини бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда режалаштириш ва олиб бориш одатий тарздаги дарс ташкиллаштиришдан анча фарқ қиласди. Бу холат ўзгармайдиган эски структураларга барҳам беради ва янги ғояларни ривожланишига ёрдамлашади.

Чет тили дарсларига хос бўлган талаффуз қоидалари, сўз билан ишлаш, грамматика, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва сухбат қуриш каби қўникмалар драматик педагогикада ўқитиладиган чет тили дарсларида ҳам очиб берилади. Асосийси бу жараёнда чет тили дарснинг асосий предмети хисобланмайди. Амалий машқлар мисол тариқасида танланади. Драматик ўйин ва фаолиятнинг батафсил ифодаланиши учун ҳар сафар умумий адабиётларга мурожаат қилинади.<sup>8</sup>.

Жумладан, инглиз тили дарсларида ўқувчиларга “Ўзбекистон тарихи” бўйича асар ёзишда Буюк Британиядан топилган қадимги ашёга таянишимиз мумкинми?” деган муаммоли саволни қўйиш мумкин. Бу саволга жавоб топишда ўқувчилар кенг қамровли ёндашувни амалга оширишлари лозим.

---

<sup>8</sup> Чет тили дарси учун драма педагогикаси потенциалини янада кўпроқ билиш учун: Jung, Udo (Hrsg.): *The Muses'Intinerary: Drama in Foreign Language Theaching. A bibliography*. Bayreuth. 1993 у.

Хусусан, топилган қадимги ашё Ўзбекистон тарихи билан узвий боғлиқ, у миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ёки ишлаб чиқариш қуролларига тегишли бўлса, миллий урфодатларга мос келса, бу ашёдан Ўзбекистон тарихини ёритиш ва ёзишда фойдаланиш мумкин.



**2.1.-расм. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитишига йўналтирилган педагогик жараён модели**

Моделда ифодаланишича, талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга йўналтирилган педагогик жараён нинг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий-педагогик қоидалари мавжуд. Мазкур фаолиятининг маҳсус шакл, усул ва воситалари таъминланиши натижасида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга оид қасбий методик компетенциялар шаклланади. Талаба-ёшлар жамиятга муносиб ва уни фаол ривожлантиришда иштирок этувчи шахс, мутахассис сифатида илмий изланиш олиб бориши, олинган ахборотларни тизимларга ажратиши, муаммога хос фикр ва техникавий ечимларнинг мақбул варианtlарини танлаш усулларини билиши зарур. Ақлий фаолият бевосита илмий-ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир.

Шахснинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитиш салмоқли таъсир кўрсатади. Талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқаридаги инглиз тилини ўрганишда ўз моҳияти билан зарур ахборот ва маълумотлар мураккаблашиб, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, меҳнат самараси, маҳсулидан лаззатланиш ҳис-туйғуларини қарор топтира бошлайди. Жамоа бўлиб амалга ошириладиган мазкур фаолият (илмий мактаблардаги фаолияти) ва уларнинг кенг кўламда ўtkазилиши, илмий фаолиятга киришиш даврида вужудга

келадиган қийинчиликларни енгиллаштиришга хизмат қиласди. талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитиши жараёнида дунёни илмий билиш, идрок этиши учун кенг йўл очиласди. Мазкур фаолият ёшларнинг ақлий жиҳатдан ривожланиши, ўз нуқтаи назарини баён этиши ва уни ҳимоя қилиши учун имконият яратади. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитишида талабаларни фаҳмлаш, эслаб қолиш, изланиш учун илмий фаолиятни режалаштириш ва диққатни тадқиқот объектига қаратишга одатлантиради. Креатив ёндашув эса тафаккур жараёнининг қизиқарли бўлишини таъминлаб, эски муаммоларнинг янгича ечимини тақдим этади. Ж. Тейлор креатив ижод маҳсулининг қуидаги даражаларини ажратиб кўрсатади:

- креативликнинг намоён бўлувчи дастлабки даражаси – фаолиятнинг ҳар хил турлари (нутқ, расм, ёзма матн ва б.)да билим, фикр ва ҳиссиётларнинг ифодаланиши;
- маҳсулдор креативлик даражаси – яъни, ўзлаштирилган билимларни қўллаш лаёқатининг намоён бўлиши;
- каشف этиши даражаси, яъни, илгари ўзаро алоқадор деб топилмаган қисмлар ўртасида аввал эътибор қилинмаган янгиликларнинг эътироф этилиши, бунда тафаккур эластиклигининг муҳим элемент сифатида кузатилиши;

- новаторлик даражаси – яъни, муаммони ҳал этишнинг мутлақо янги усулларидан ёки янги элементларидан фойдаланилиши;

- ижодийлик элементи – бунда жамият учун мутлақо янги принцип ёки янги фараз вужудга келиши кузатилади [270].

Креатив ёндашув асосида тадқиқотчи-талаба учун зарур шахсий сифатлар: фаоллик, зийраклик, тезкорлик, қатъият, мустақиллик, оригиналлик қарор топади.

Бу даврда талабаларни ўзлари қизиққан муаммо ечимиға мақсадли йўналтириш, унинг моҳиятини тўғри англаб этишларига кўмаклашиш зарур. Бунда илмий раҳбар, ёш олимлар уюшмаси ҳамда тўгарак раҳбарлари муҳим ўрин тутади.

Кўриниб турибдики, талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишининг илмий-методик асослари серқиррадир. Шу сабабли ҳам илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш; иқтидорли, илмий салоҳиятга эга талабаларни излаб топиш, уларда илмий салоҳиятни ривожлантириш мамлакатимиз илм-фани тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласади.

## **II боб юзасидан хулосалар**

1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши олий ўқув юртининг бош вазифаси ҳисобланиб,

фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан биридир.

2. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосида хорижий тиллар мазмунини чукур эгаллаш ва дунё миқёсида давлатимизнинг мавқеини янада юқорига кўтариш, ёшларни интегратив билимлар тизими билан қуроллантириш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш олий таълим тизими олдидаги асосий вазифалардан бири эканлигини талаба-ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

3. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш ўқув ва илмий лабораторияларда олиб бориладиган тадқиқотларнинг мазмун ва моҳиятига боғлик бўлиб, талаба ушбу фаолиятга қизиқиши ва кўникумлар ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади.

4. Шахснинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига унинг илмий-ижодий фаолияти салмоқли таъсир кўрсатади. Талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқаридаги илмий-ижодий фаолиятида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш, талабаларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, меҳнат самараси маҳсулидан лаззатланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

5. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш дунёни илмий идрок этиш учун қулай шароит

яратилади. Мазкур фаолият ёшларнинг илмий салоҳияти ортишига ва ривожланишига кўмаклашади.

6. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши талаба-ёшларнинг билиш даражасини тубдан ўзгартиради ва у фан-техника тараққиётининг асосини ташкил этади.

7. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши қуидагича босқичма-босқич амалга оширилади:

- талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишига оид тушунчаларнинг моҳиятини англаб етиш;
- уларда инглиз тили ўқитишига оид мушоҳада салоҳияти, фикрини аниқ, объектив, мантиқий изчиликда, ихчам, маъноли ифодалай олиш малакаси, илмий нутққа хос кўникмалар ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш.

### **3.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишининг методикаси**

Инглиз тили Ҳинд-Европа оиласининг герман бўлимига тегишли бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади: қадимги юононларнинг эллин тили, герман тиллари (масалан, немис, инглиз, голланд, фламанд, африкаан, дания, норвег, швед, исланд), роман тиллари (масалан, француз, италян, испан, роман – барчаси лотин тилининг авлодлари), кельт тиллари

(масалан, бретон, уэльс, ирланд), славян тиллари (масалан, рус, серб, украин, чех) ва индо-эрон тиллари (масалан, санскрит, хинди, панжоби, курд, форс).

Бир оила тиллари она тилидан фонологик, морфологик ва синтактик хусусиятлар ҳамда ўзакнинг лексик унсурлари мерос қилиб олади (ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган икки тил ўхшашлиги қанчалик катта бўлса).

Герман тили бўлиб, инглиз тили қадимги инглиз ва англо-саксон элементлари билан биргаликда ҳозирги кундаги сўз бирикмаларининг ядросида ётувчи герман тили меросини сақлаб қолган.

Она тилидаги сўзлар инглиз тили сўз туркумининг атиги 25-35%ини ифодалаши тахмин қилинади, лекин улар энг кўп ишлатиладиган лексик ифодаларнинг асосий қисмини ташкил этади. Уларга кўмакчи ва модал феъллар, олмошлар, сонлар, предлоглар ва боғловчиларнинг айримлари, ҳамда мазмунга эга сўзларнинг қўпчилиги - от, сифат, феъл ва равишлар каби шаклдош сўзлар киради. Она тилидаги сўзлар Crystalга кўра тана қисмларини (arm, bone, chest, ear, eye, foot, hand, heart), табиат манзараси (field, hedge, hill, land, meadow, wood), уй хўжалигига доир сўзларни (door, floor, house), оила аъзолари (mother, father), календарга оид сўзларни (day, month, moon, sun, year), ҳайвонлар (cow, dog, fish, goat, hen, sheep, swine), табиий ҳодиса (rain), умуний хоссалар (black, dark, good, long,

white, wide) ва ҳаракатлар (do, eat, fly, go, help, kiss, live, life, love, say, see, sell, send, think).

Герман босқинчилари билан келган ва ҳали ҳам замонавий инглиз тилида ишлатиладиган сўзлар одатда қисқа. Crystal маълумотларига кўра, Британия инглиз тили ва АҚШ инглиз тилисида энг кўп ишлатиладиган икки юз сўз бир бўғинли экан. Унда бир неча икки бўғинли сўзлар (АҚШ инглиз тилида 40 ва Британия инглиз тилида 24) ва жуда ҳам кам уч бўғинли сўзлар мавжуд (АҚШ инглиз тилида 3 ва Британия инглиз тилида 2) бўлиб, улар конкрет маъно ва катта сўз ҳосил қилувчи қучга эга. АҚШ инглиз тилида фақат битта тўрт бўғинли элемент бор, бу ҳам бўлса American бўлган бир пайтда, Британия инглиз тилида эса бу йўқ.

Маҳаллий сўзлар ҳам аниқ ҳисобланади ва катта сўз ҳосил қилувчи қучга эга. Улар кўпроқ мазмундор ва аниқ, ҳамда қўллаш учун унчалик осон бўлган ўзлаштирилган сўзлар, фарқли ўлароқ, маънонинг кўп томонларини етказиш учун етарлича ноаниқ бўлиши туфайли кундалик нутқда кўпроқ фойдаланишга уринишади. Қолаверса, Jackson ва Amvela кабилар она инглиз тили сўzlари “кўпроқ инсоний ва ҳиссий ҳисобланади, зеро кўпчилик кўп бўғинли сўзлар юонон, лотин ёки роман тилларидан совуққонлик ва расман тарзда ўзлаштирилган ҳисобланади. Дейлик, норасмий кундалик вазиятда, initiate, commence ва start ўртасида, ёки nourishment,

nutrition ва food ўртасида танлаш зарурияти туғилса, кўп одамлар англо-саксон сўзи хисобланган, қисқароғини афзал билади. Расмий вазиятларда, шунга қарамай, nasty smell (сассиқ ҳид) сўзи ўрнига allude, nauseating odour ёки ҳатто obnoxious effluvium сўзларини маъқул топиш мумкин”.

Махаллий сўз бойлигидан ташқари, инглиз тили бошқа тиллардан бир қатор сўзларни ўзлаштирган бўлиб, унинг ривожланиши бўйлаб турли лаҳзаларда юз берган. Бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексик унсурлар турли сабабларга кўра инглиз тилига кириб келган бўлиб, уларнинг айримлари Katamba томонидан таҳлил қилинган. Унинг бу борадаги ғоялари қуидагича умумлаштирилади.

Бир тилдан бошқа тилга лугавий сўзларни ўзлаштиришнинг сабабларидан бири-бу тилни бойитишdir. Тил нафақат алоқа воситаси, балки унинг фойдаланувчисининг рамзи ҳамдир. Маълум бир тилдан фойдаланиб, сўзловчи ўзи идрок қиласиган ва бошқалар томонидан идрок қилинишини истайдиган йўлларини таклиф қиласиди. Шу тариқа, Буюк Британия ёки АҚШда испан шифокори жарроҳлик амалиётини ўзтказмоқчи бўлса, шу миллатга мансуб бошқа бемор испан тилида муҳокамага киришади, у бирдамлик белгисини билдириши мумкин, шу этник групга тегишли эканини таъкидлаши мумкин. Шу билан бирга, икки код-алмашинуви юзага келиши мумкин, яъни, испан тилидаги сўзларни инглиз тилидаги сўзлар

билан алмаштириши мумкин. Ўзлаштириш жараёнида кодалмашинуви томонидан ижро этилган ролни эслатиб, Katamba, “агар хорижий сўзлар одатдагидек қўлланилса, улар бир тилдан бошқасига ўтиши ва охир-оқибат тўлиқ интеграциялашиши ва хорижлик деб ҳисобланиши мумкин. Бу chutzpah (“уятысиз), schlemiel (“жуда қўпол, ҳар доим жабрланувчига айланувчи аҳмок”), schmaltz (сийқаси чиққан хиссиёт) ва goyim (бутпараст) каби сўзлар (АҚШ) инглиз тилисига идиш тилидан кириб келган. Бу идиш тилидан кириб келган сўзларга инглиз тилида муқобили йўқлиги, уларнинг қабул қилинишида ҳеч қандай шубҳа уйғотмади”.

Тилни бойитиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиш бу яхши, албатта. Баъзиларнинг хориж маданияти билан боғлиқ эканлигини, улар замонавий, хамда лаззатли деб айтган кишиларнинг ўша маданият тилига мансуб сўзларни ишлатишида намоён бўлади. Мисол учун, француз тили инглиз тили ва бошқа Европа тиллари учун шундай ўзлаштирма сўзларининг манбаи бўлган. Katamba Шекспир асаридаги Меркутийнинг сўзларини келтиради, унинг pardonnez-moi бригадасининг пародиясида бу фикрни қисқача таъкидлайди:

Why, is not this a lamentable thing, grandsire, that we should be thus afflicted with these strange flies, these fashion-mongers, these pardonnez- moi, who stand so much on the new form that they cannot sit at ease on the old bench? O, their bons, their bons!

*(Romeo and Juliet, II, iv).*

Нега, бу ажойиб нарса эмас, бобо, биз бу ғалати чивинлар, бу гўзалликни сотувчилар, бу *pardonnez-moi*, эски курсида қулай ўтира олмайдиган янги шаклда кўп туришимиз керак? Эх, бу бонлар, бу бонлар!

*(Romeo and Juliet, II, iv).*

Сўзларни ўзлаштиришнинг яна бир сабаби бу муайян тушунчага мурожаат қилиш, бир сўз инглиз тилида бўлмаса, махсул, артефакт, жамият, эътиқод дастлаб хориж маданияти тегишли бўлган атамалар билан яратилган бўшлиқни тўлдириш учун зарур бўлади. Тарихдаги турли даврларда турли цивилизациялар муайян жойда етакчи ўринларга эга бўлиб келган ва бунинг нормал натижаси сифатида уларнинг ўша жойдаги тили соҳасининг лингва франкасига айланган.

Шу тариқа, кечки ўрта аср ва эрта замонавий даврларда, кўпчилик шеъриятда инглиз тилидаги сўзларнинг етишмаслиги хақида гапиришди, зеро лотин ва юонон сўзларининг кириб келиши назмий тилларни такомиллаштириш учун ечим деб топилган бир пайтда, вазн манбалари ва шеърий унсурлар етишмовчилигига олиб келди. Бу хақда қайғурганлардан бири Сэр Томас Эллиот бўлиб, ўзининг *The Governor* номли судда ишни кўрадиган кишиларни тайёрлаш учун мўлжалланган китоби инглиз тилини такомиллаштириш мақсадида лотин ва юонон сўзларини иштиёқ билан киритди. Бундай сўзлар

қүйидагилар: devulgate, describe, attempate, education, dedicate, esteme. Бошқалар эса унинг изидан эргашиб, классик тиллардан қүйидаги сўзлар олиб кириши: commemorate, invidious, frequency, expectation, thermometer, affable.

Ўрта асрларда ўзлаштирилган сўзларнинг барчаси ҳам лотин ёки юон тилидан эмасди. Араб тили, масалан, бу даврда инглиз тилига ўтган сўзларнинг яна бир бой манбаи ҳисобланади, айниқса, илм-фан ва Ислом дини соҳасида эди. Собиқ туркумга оид мисолларга alchemy, alcohol, alembic, algebra, alkali, zenith, zero, иккинчи туркумга эса Koran, imam, caliph, muezzin, mullah, Ramadan каби сўзлар мисол бўлиши мумкин. Буларнинг кўпчилиги инглиз тилига француз тили орқали кириб, испан тилидан ўзлаштирилган, араб илм-фани ва маданиятининг Европага жуда муҳим ташувчиси ҳисобланади, чунки Испания ўша пайтда маврлар томонидан босиб олинган.

Асрлар давомида француз тили сиёsat, протокол, дипломатия, ҳукумат ва ҳарбийлар тили бўлиб келган. Шу тариқа, инглиз тилида ишлатиладиган ушбу семантик майдонларда катта микдордаги сўзлар француз тилида пайдо бўлган. Katamba ушбу баёнотни қўллаб-қувватлаш билан бирга қўйидаги мисолларни тақдим этади:

Харбий: *cordon sanitaire, barrage, hors de combat, materiel, reveille;*

Дипломатия ва протокол: *corps diplomatique, charge d'affaire, communiqué;*

Ҳукумат ва сиёсат: *ancien régime, dirigiste, coup d'etat, laissez-faire, agent provocateur, etc.*

Одам, ҳайвон, қуш ва ўсимликларнинг номлари инглиз тилига бутун дунёда сўзлашувчи ҳар хил тиллардан кириб келган: Sherpa, Gurka (Непал), chimpanzee (Ангола), koala (Австралия), zebra (Конго). Санъат ва маданият соҳаси ўзлаштирилиш жиҳатидан samba (Бразилия), rhumba (Куба), tango (Аргентина), didgeridoo (Австралия) каби сўзлар билан ифодаланади. Озиқ-овқат ҳақида кўп сўзлар инглиз тилида ўзлаштирилган: goulash (Венгрия), enchiladas, tacos, nachos (Мексика испан тили), moussaka (грек) ва бошқалар. Инглиз маданиятининг дунёнинг бошқа маданиятлари билан аралашуви аввалги кийим-кечакларга ишора қилувчи хорижий сўзларни ўзлаштирилишига олиб келди. Бу тоифага киритилган: sarong (малай), parka (алеут), anorak (Гренландия эскимослари), kimono (япон), shawl (форс), ва ҳ.к. Асос сифатида, янги сўзлар юқоридагиларнинг барчасини баён қилиш учун инглиз тилида кашф қилиниши мумкин, лекин унинг номи билан бирга обьектни ўзлаштириш хам оддий ва янада тегишли ечимини исботлади.

Худди шу тарзда, инглиз тилида маълум бир шахсга, обьектга, ҳодисага ёки абстракцияга мурожаат қилиш учун сўз ёки иборага эга бўлган ҳолатларда мурожаат қилинган, аммо бу унинг мурожаатчисининг барча хусусиятларини кўрсатиш учун

етарли эмас. Бу каби замонавий француз тилидаги сўзлар, chic, flair, esprit de corps, naive, blase ёки menage a trois кабилар инглиз тилига ўзлаштирилган. Инглиз тилида сўзловчи ўзлаштирма таржималар, esprit de corps учун “бир гурух аъзолари ўртасида мавжуд садоқат ҳисси” ёки menage a trois учун “уч ҳамкор билан уй хўжалиги” француз ибораларида рангбаранг маъно етишмаслиги ва тилга унчалик ўтирумайди, дея ҳисоблашади.

Яна бир жиҳат шуки, инглиз эвфемизмлари хам ўзлаштирилган лексик бирликлардир. Уларнинг ҳолатларида ноқулай нарсалар бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзлар ёрдамида айтилганда унчалик қўпол туюлмайди. Келиб чиқиши лотин тили бўлган pudenda ва genitalia каби эвфемистик сўзлардан фойдаланиш ортида ётади, ва у хам шубҳали жинсий фаолияти ва уларнинг иштирокчилари ҳақида эҳтиёткорлик билан гапириш учун ишлатиладиган бир неча сўзлар каби ўзлаштирилган ортида ётади. Француз тилидан кириб келган Maison de rendezvous ва madame сўзлари, итальян тилидан кириб келган gigolo ва bordello сўзлари хам шу жумладандир.

Инглиз тилига ўзлаштирилган хорижий сўзлар қабул қилувчи тил таъсири остида ўзгаришларга учраши мумкин ёки улар асл шаклида қолиши мумкин. Аввалги ҳолатда, уларнинг ўзгариши даражасига қараб, биз бутунлай ва қисман ўзлаштирилган ўзлаштирма сўзлари ҳақида гапирамиз.

Иккинчи ҳолда, ўзгармаган ўзлаштирма сўзлар ҳақида гапирамиз.

Текширишлар шуни кўрсатдики, талабаларда тинглаб тушуниш гапиришга қараганда кам тараққий этган.

Тинглаб тушуниш бошқа нутқ фаолиятлари: гапириш ва ўқиш, ёзиш билан алоқадор, унга боғлиқ, улар бир-бираига ёрдам беради.

Тинглаб тушуниш гапириш билан оғзаки нутқни ташкил этади. Тажрибадан маълумки, тинглаб тушунишни ривожлантиришга қараб, гапириш ҳам ривожланади. Ўқувчи айниқса диалогда яхши қатнаша олади. Тинглаб тушунишда ҳам, ўқища ҳам маълумот қабул қилинади, тинглаб, тушуна олади. У узи ўқий олмаса, талаффуз қила олмаса, сўзларини тинглагандаги тушуна олмайди.

Тинглаб тушуниш бошқа нутқ фаолияти турларида воситачилик қиласи. Олий таълим муассаси дастурида тинглаб тушуниш учун ҳар бир групга талаблар белгиланган.

Масалан, инглиз тилини билиш даражаси бошланғич бўлган талаба 0,5 минут давомида эшитадиган матнни, нутқни тинглаб тушуна олиш, жумлалар кўпи билан 5 та сўздан иборат бўлиши, тезлиги секин бўлиши талаб қилинади.

Тинглаб тушунишда ўзига хос қийинчиликлар бор. Уларни 2га бўлиш мумкин.

1) Экстравалингвистик: 2) Лингвистик.

1. Тингланаётган экстралингвистик нутқ, механик нутқ бўлишлиги фонограммадан, видеофонограммадан нутқни тинглаш;
2. Сўзловчини ўзидан, инсон нутқини тинглашлик;
3. Нутқ тембри;
4. Нутқ тезлиги;
5. Нутқнинг кимгадир, нимагадир қарашлигиги.
6. Тингланаётган шароит, вазият гуруҳдаги талабалар интизоми, талабаларнинг сони.
7. Нутқ эҳтиёжи бўлиши.
8. Талабалар диққати.
9. Нутқни неча марта тингланишлиги.
10. Тинглаб тушунишда таянч воситаларнинг бўлинишлиги.

Лингвистик қийинчиликлар:

1. Нутқнинг монолог, диалог бўлишлиги.
2. Фонетик қийинчиликлар, сўзларни тўғри талафуз қилиши.
3. Лексик қийинчилик - сўзларни таниш, кўп маъноли бўлишлиги, конверсия.

Тинглаб тушунишнинг мазмунин деганда, тинглаб тушуниш бўйича нималарни ва нимага ўргатиш кўзда тутилади. У олий таълим муассаси дастурода ҳар бир синф учун белгилаб берилган.

Г.В.Рогова буни ҳам 3 қисмга бўлади.

1. Лингвистик қисм. Бунга тил ва нутқ материали киргизилади.

2. Психологик қисм. Бу овозли нутқни тинглаш, тушуниш кўникма малакасига эришишдир.

3. Методологик қисм. Талабаларга тинглаш, тушуниш йўли ва усулларини ўргатиш.

Талаба нутқни тинглагандага асосий вазифа, таниш лексик, грамматик ва фонетик материаллар асосида нотаниш мазмунли нутқни тинглаб нутқ вазиятидан фойдаланган ҳолда, янги маълумот олиш, нотаниш мазмунни тушуниш вазифаси киради.

Нутқни тинглаб тушунишда унинг механизмлари муҳим ўрин тутади. Талаба бу механизмни билмаса, нутқни тинглаб тушунишда қийналади. Унинг механизми - фонема (товуш, сўз, гап, тинглаш, олдиндан айтиб бериш, хотира) ҳисобланади. Талабаларга бу фонемаларни, сўзларни, гапларни ўқитувчи олдиндан ўргатиши керак.

Тинглаб тушунишда давом этган хотира зарурдир, шу сабабдан пастки синфдаги дарҳол хотирани ўқитувчи давом этишга интилиш керак.

Тинглаб тушуниш механизми деганда талаба тинглаб тушунишга ўргатилатилаётганда қабул қилиш кўникмаси, тушуниш, талқин қилиш, шакллантириш, ривожлантириш тушунилади.

Талабаларга инглизча нутқни тинглаб тушушишни ўргатиши 2 босқичга ажратиш мүмкін.

1- босқич. Бу босқичда талабаларга тинглаб тушушиш учун зарур бўлган фонема, сўзлар, синтагмалар, гапларни қабул қилиш, танлаб олиш, фарқлаш, тушуна олиш кўникма-малакаларини ҳосил қиласди. Уларни асосан бошланғич босқичда ўргатилади ва бу босқичда 2-3 та жумладан иборат микро нутқни тинглаб қабул қилиш, тушушиш, хотирада сақлаш, кўникма малакаларини ҳосил қиласди.

2- босқич. Мазмунли, давомли нотаниш макромонологик, диалогик нутқни тинглаб тушушиш, талқин қилиш, кўникма, малакаларни шакллантиради.

Бу босқич қуйидаги босқичда амалга оширилади:

- 1) Тинглаб тушушишни ўтказишга тайёрланиш.
- 2) Тинглаб тушушишни ўтказиш.

Олий таълим муассасасида тинглаб тушушишни ўргатишида тайёрлов машқлари ва нутқ машқлари қўлланади.

Г.В.Рогова машқларни 2 та тайёрлов ва нутқ машқларига бўлади.

Тайёрлов машқлари: фонетик машқлар, лексик машқлар;

Ҳозирги замон методикаси хажмлар сифатида илк-бошланғич босқич талабалари учун 180-200 сўзли, бошланғич 350, илк ўрта босқич учун 500 сўзли аудиоматнни тинглаб тушушишни тавсия этади.

Демак, олий мактаб таълими талабанинг креативлилик, компетентлилиик, ижодкорлик каби барча зарур касбий сифатларини етарлича шаклланишини таъминлаши лозим. Олий мактабни битирган ёш мутахассис муайян касбий компетентлиликка эга бўлсада, лекин уни амалиётга татбиқ этишда зарур тажрибага эга бўмайди. Чунки амалиётда талабаларни методик жиҳатдан тайёрлаш талаб даражасида эмас. Инглиз тили фанига креатив ёндашув асосида талабаларни ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилмаган. Ҳолбуки, талаба методик қонуниятларини чукур ўзлаштириши зарур. Бу фанлар бўлажак ўқитувчиларни ҳар қандай вазиятда иш кўра оладиган малакали мутахассисга айлантириши лозим. Негаки, жамият аъзоларининг касбий фаолияти уларнинг касбий компетентлик даражасига боғлиқ.

Ҳозирда олий ўқув юртларида танланган ихтисосликка оид билимлар берилиб, улар қўйидаги тақсимот даражасига эга:

1. Асосий билимлар, умуммаданий билимлар, педагогик - психологик билимлар. Жумладан, ҳар қандай касб эгасида зарур касбий-шахсий сифатлар шакллантирилиши зарур. Касбий-шахсий сифатларнинг етишмаслиги сабабли кўпгина ёш мутахассислар бошқа соҳага ўтиб кетишади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирга қадар ўқитувчининг идеал модели йўқ. Олий таълим илмий мактабларга эга бўлса-да, илмий асос ва амалий фаолиятда самарадорликка эга эмас. Ўқув режалари

ва дастурлари асосан анъанавий тажрибага таяниб белгиланади ва тузилади, машғулотлар ҳам анъанавий тажрибалар асосида юритилади.

Ўтказилган сўровлар натижасида олий мактабни битирган ёш ўқитувчилардан 22 фоизи ўз меҳнат фаолиятини бошқа соҳаларда давом эттириш истагида экани аниқланди. Олий мактабда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий сифатлар: сабр-тоқатлилик, босиқлик, адолатлилик, талабчанлик, фаоллик, ўзини тута билиш, фаросатлилик, толерантлик, раҳмдиллик, сўз ва иш бирлиги, кечиримлилик, келажакка ишонч, ҳалоллик, ҳаққонийлик, қатъийлик, ҳазил-мутойиба туйғусига эгалик, мулоимлик, ширинсуханлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик кабилар ёш ўқитувчиларда етарлича қарор топмаганлигини кузатилди.

Мактбларда олиб борилган кузатишлар ва ўқитувчининг фаолиятини ўрганиш давомида шу нарса маълум бўлдики, олий мактабда юқорида саналган маънавий сифатларни шакллантириш устида ҳам изчил, тизимли иш олиб бориш зарур. Ҳақиқатан, ижобий сифатларга эга бўлган устозларнинг машғулотлари анча самарадор эканлиги кузатилди. Бу фазилатларни аниқлаш, кузатиш, сўровнома, анкета, тест каби усуллар асосида амалга оширилди. Саналган фазилатлар талабаларнинг педагогик амалиёт давридаги фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш жараёнида ривожлантириб борилди.

Мактаб амалиётида учрайдиган турли нуқсонлар, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида юз бериши мумкин бўлган зиддиятли психологик-педагогик вазиятларда оқилона педагогик тактика ва стратегияни қўллаш тажрибаси ҳамда амалиёти мазкур жараёнлар хусусида фикр алмашиш давомида сайқаллашди.

Олий ўқув юрти бўлажак ўқитувчи шахсидаги маънавий сифатларни мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириши лозим. Директив тарбия ёрдамида нуқсонли шахсни баркамоллик даражасига етказиб бўлмайди. Ҳар қандай касбга одатлантириш талабанинг имконияти даражасида бўлиб, унинг руҳий, жисмоний, маънавий имкониятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда иш кўрилсагина, кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин. Маънавий таъсир кўрсата олмайдиган ўқитувчи-мураббий етук шахсни шакллантира олмайди.

Психологларнинг фикрича, олий мактаб ўқитувчиси ва талаба ўртасида яқин муносабат деярли мавжуд эмас. Устозлар талаба ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаслиги, ўқитувчи-талаба муносабатлари мажбурий характердаги эканлиги таълим оловчиларни мавжуд талаб даражасида тайёрлашга йўл бермайди. Мактабда ўқитувчи шахси ўқувчига кучли таъсир кўрсатади. Чунки устоз ва шогирднинг бир-бирини анча мукаммал билиши учун имкониятлар етарли. Бир жойда яшайдилар (айниқса, қишлоқ ҳудудларида), бир-бирлари билан дарсдагина эмас, кундалик ижтимоий вазиятларда ҳам

мулоқотда бўладилар. Ўқитувчи ўқувчининг оиласи, яшаш шароити, атрофдагилар билан ўзаро муносабатини яхши билади ва шунга мос ҳолда муомала қиласи. Шу сабабли ўқитувчи ва ўқувчилар мактаб, кўча, уй, жамоат жойларида ҳам масъулиятни ҳис қиласи. Ҳар қадамда устоз ва шогирд учрашадилар, ўзаро муносабатда бўладилар. Шу йўсинда улар бир-бирининг шахсий фазилатларини нафақат мактабда, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўрганиб борадилар, ўқувчилар устоздан ибрат оладилар.

Педагогика олий ўқув юртларида талабаларнинг қасбий-шахсий фазилатларини ўқув жараёнида ҳамда аудиториядан ташқарида ўтказиладиган тадбирларда шакллантиришни йўлга қўйиш ҳам самарали натижалар бериши мумкин. Ҳозирги кунда талабанинг бўш вақтида қасб-корлик малакаси ва қўникумларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, талабанинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан муассаса раҳбари ва ўқитувчилари хабардор бўлишлари лозим.

Бўлажак ўқитувчининг маънавий сифатлари қуйидаги тадбир ва воситалар асосида таркиб топиши, такомиллашиши мумкин:

- 1) шахсий ибрат, намуна кўрсатиши;

- 2) талабалар жамоасининг маълум тадқиқот муаммоларини илмий мактабда мақсадли тадқиқ этиши учун уларнинг уюшган фаолиятини ташкил этиш;
- 3) машғулотларда талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш;
- 4) илмий тадқиқот натижаларини амалиётга самарали татбиқ этиш;
- 5) илмий конференциялар уюштириш ва талабаларнинг кенг, фаол иштирокини таъминлаш;
- 6) талабаларнинг маданий-маърифий марказларини ташкил этиш;
- 7) таниқли кишилар иштирокида ижодий кечалар ва турли мавзуларда сұхбатлар ўтказиш;
- 8) талаба-ёшларнинг илмий-ижодий меҳнатларини рағбатлантириб бориш;
- 9) талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини аниқлаш мезонлари асосида синовлар, сўровномалар, анкеталар, аттестациялар уюштириш;
- 10) ҳар ўқув йили якунида талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳамда илмий тадқиқотчилик кўникмалари даражасини аниқлаш;
- 11) мазкур жараённинг самарадорлик даражасини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да талабанинг фикрий мустақиллигини зарурий эҳтиёж даражасига кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Унга кўра, мустақил фикр юрита оладиган шахс аввало ўз-ўзини назорат қила олиш, ўз-ўзини тафтиш қилиш ҳамда қўйилган мақсад йўлидаги интилишларини аниқлаш, шунга кўра ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга бўлади.

Анъанавий педагогикада кўрсатилганидек, талабани тарбиялаш, ўқитиш эмас, уни ўз-ўзини тарбиялайдиган, ўзи мустақил изланиб, илмий билимларни эгаллайдиган даражага олиб чиқиш лозим. Янги педагогик технологияларнинг анъанавий педагогикадан фарқли томони ҳам айнан мустақил таълим ва ўз-ўзини тарбиялашни фаоллаштиришида ифодаланади. Унинг муҳим жиҳатларидан яна бири таълим жараёнида “ўқитувчи-талаба”нинг ўзаро фаол, яъни «субъект-субъект» муносабати ўрнатилишидир.

Руҳияти тетик, ўз имкониятларини эркин намоён эта оладиган шахс киришимли, ғайратли, фантазияси бой бўлиб, бирор янгилик яратиш, изланиш ва ижодга эҳтиёжманд бўлади. Бу эҳтиёж уни илмий-ижодий, фаол ҳаракатга ундейди, маънавий-касбий камолот сари етаклайди. Илмий-ижодий фаолиятни педагогик ташҳис қилиш асосида талабанинг эҳтиёжи, интилиши, ўқув мотивлари, салоҳияти, савияси ва бор

истеъдоди ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги тенг ҳуқуқли муносабатда намоён бўлиши ўз исботини топади.

Олий ўқув юртларида талabalарга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш мақсадли, маълум режа асосида тизимлаштирилган ҳолда амалга ошириладиган жараёндир.

Тизим деб тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади.

Талаба-ёшлар ўзаро муносабатининг қайд этилган энг муҳим кўрсаткичларининг ўсиб боришида, шубҳасиз, ижодийлик ва креативлик ёндашуви муҳим ўрин тутади. Талабанинг ижодий лаёқатлари аввало унинг ўқув лаёқатларига боғлиқ бўлиб, интеллект изланиш орқали рўёбга чиқади. Ўзаро мулоқотни фаоллаштишда фаолиятнинг барча турларида намоён бўлувчи креативлик даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорликка киришиш жараёни доимий ривожланишда бўлиб, улардан ҳатто актёрлик ва режиссёрлик қобилиятига эга бўлишни ҳам талаб этади. Мазкур жараёнда ўқитувчи ўз касбий маҳорати ва тажрибасига таяниб, ўзаро илмий-ижодий фаолият ҳамда ислоҳотлар объекти ва субъекти даражасида фаолият кўрсатиши зарур.

Талабалар инглиз тилини мақсадли ва тизимли ўрганишда олий ўқув юрти ҳамда факультетлар маъмурияти, “Ёш

филологлар” кенгаши, кафедра ўқитувчилари жонбозлик кўрсатишилари зарур.

Амалга оширган кузатишларимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, ҳалигача талабаларни инглиз тилига ўргатишда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ўқитувчининг талабаларни инглиз тили ўқитишига йўналтириш методикасини билмаслиги ёки бу соҳада тажрибасизлиги сабабли талабаларга инглиз тили ўқитиши жараёнида ҳам бир қатор камчиликлар кузатилади.

Талабаларни мутахассис сифатида тайёрлашда амалдаги ўқув режаларида назарий педагогик йўналиш устувор, психологик, илмий-амалий ҳамда методик йўналиши такомил талаб.

### **3.2. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялашнинг самарадорлиги.**

Олий ўқув юртларида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитишига жалб этиш таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун зарур ҳисобланмоқда.

Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитиши муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни таъминловчи педагогик шарт-шароитлар, объектив ва субъектив омилларни аниқлаш, шунингдек, талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши тизимини

яратиш, инглиз тилини ўрганиш афзалликлари назарий жиҳатдан асослаб берилиши дар

1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитиши бўйича маълум тизим ҳамда тегишли методик кўрсатмаларнинг ишлаб чиқилиши бакалавр ҳамда магистратура таълими сифатини оширишнинг бош мезони ҳисобланади.

2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тилини ўқитища илмий-назарий, амалий, фалсафий ҳамда методик асослар белгиланиб, олдиндан илмий-методик ёндашув тамойиллари аниқланмаса, қатъий илмий таянч таълимотга таяниш имкониятига эга бўлинмайди.

3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини мутахассис сифатида тайёрлашда амалдаги ўқув режаларида назарий педагогик йўналиш билан бир қаторда, илмий-амалий ҳамда методик йўналиш ҳамда креатив ёндашув устувор бўлиши зарур.

4. Олий ўқув юртларида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши режа асосида назорат қилиб борилиши асосий омиллардан бири ҳисобланади.

## **УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР**

1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш мақсадли ташкил этилса, инглиз тили ўқитиш устувор мақсад қилиб қўйилса, талабаларнинг инглиз тилини ўқитиш фаолияти жадал ривожланади.

2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш олий ўқув юртининг бош вазифаси ҳисобланиб, фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларидан биридир.

3. Педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш асосида хорижий тиллар мазмунини чуқур эгаллаш ва дунё миқёсида давлатимизнинг мавқеини янада юқорига кўтариш, ёшларни интегратив билимлар тизими билан қуроллантириш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш олий таълим тизими олдидаги асосий вазифалардан бири эканлигини талаба-ёшлар онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

4. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш ўқув ва илмий лабораторияларда олиб бориладиган тадқиқотларнинг мазмун ва моҳиятига боғлиқ бўлиб, талаба ушбу фаолиятга қизиқиши ва кўникмалар ҳосил қилиши муҳим аҳамият касб этади.

5. Шахснинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига унинг илмий-ижодий фаолияти салмоқли таъсир кўрсатади. Талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқаридаги илмий-ижодий

фаолиятида талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши, талабаларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, меҳнат самараси маҳсулидан лаззатланиш ҳис-туйғуларини уйғотади.

6. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиши талаба-ёшларнинг билиш даражасини тубдан ўзгартиради ва у фан-техника тараққиётининг асосини ташкил этади.

7. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида фаоллик кўрсатиши, ўз мақсадларини мустақил аниқлай олиш ва уларга эришиш йўлларини белгилай олиш, жамиятдаги ўз ўрнига ишонч ҳосил қилиш манбаи бўлиб хизмат қиласди.

8. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида аниқ методик ёндашув ва назарияларга асосланиш, тарихий-фалсафий, миллий, педагогик-психологик, методик омилларнинг яхлитлиги ва бирлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

9. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида фаолиятли-ижодий, компетентли, креатив мезонлар ҳамда унга мос кўрсаткичларни аниқлаш орқали педагогик-психологик ташхис методлари мажмуини ишлаб чиқиши асосида такомиллаштирилди .

- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш,

жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда илмий тараққиётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, илмий дунёқараси ҳамда интеллектуал савиясини юксалтиришга эътиборни қаратиш;

- бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг инглиз тилини ўргатиш фаолиятига оид ўзига хос психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда муайян шарт-шароитлар яратиш;
- 2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури асосида талабаларга инглиз тилини ўргапниш учун шарт-шароитлар яратишга, уларни дунёвий билим эгаллашларига йўналтиришга доир методик тавсиялар яратиш ва уларни олий таълим жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиш керак. –Т.: —Ўзбекистон‖. – 2017.– 1026.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: —Ўзбекистон‖, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз// ЎзР Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи нутқ.- Т: Ўзбекистон,2016.-56 б.
4. Мирзиёев Ш. Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. —<https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/19/ustuvor/> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. strategy. regulation. gov.uz/uz/ document/
5. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори- uza.uz/.../oliy-talim-tizimini-yanada-rivozhlantirish-chora-tadbirlari--21-04- 2017.

6. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

7. Мирзиёев Ш. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3775-сонли Қарори. 2018.5 июнь.

8. Мирзиёев Ш. Бугун маърифатга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. —<https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/19/ustuvor/>

9. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.:Маънавият,2008.- 176 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.— Т.: Ўзбекистон, 1992.—46 б.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.—Т.:1998.20-29-б.

12. Абдуллаев Ю. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –288 б.

13. Абдуллажонов М.А. Формирование профессиональных качеств будущего учителя в процессе обучения в педвузах.: Автореферат дисс.. канд. пед. наук.-Т.: 1991.-21с.

14. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд аҳлоқ.—Т.: Ўқитувчи.1992.— 160 б.
15. Айзенк Г. Ю. Проверьте свои способности. Перевод с англ. – М.: Педагогика – Пресс, 1992. – 176 с.
16. Акбаров А.А. Формирование социальной активности будущего учителя через студенческое самоуправление.: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т.: 1991. –22 с.
17. Андреев, В.И. Педагогика: учебный курс для творческого саморазвития / В.И. Андреев. — 2-е изд. — Казань: Центр инновационных технологий, 2000. — 567 с.
18. Арабско-русский словарь. Т-1,Т.: Камалак, 1994. составитель И.И.Баранов. 247 с.
19. Арзикулов Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари.: Пс. фан. ном. ... дисс. автореф.—Т.: 2002.-22 б.
20. Beskorovaynaya N., Fyodorova M. The development of intercultural communication skills at the lesson of foreign languages // “3i: intellect, idea, innovation — intellect, idea, innovation”. — 2017. — № 2. — p.50.
- 21.Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. —М.: ИРПО. 1996.-336 С.
- 22.Богословский.А.А., Хеглова И.Ю. ИТ-подготовка будущего учителя-предметника// Ж. Дистанционное и виртуальное обучение. 2007.№10.- с-60-66.

23. Bruner, J. (1962). *The process of education*. Harvard: Harvard University Press.
24. Burton, P. (2010). Creativity in Hong Kong schools. *World English*, 29 (4), 493-507.
25. Beck I and McKeown M ‘Increasing you low income children’s oral vocabulary repertoires through rich and focused instruction‘ *The Elementary School Journal* Vol 107, No 3.(2007)
26. Berkimbaev K.M., Bekbulatova I.U., Meirbekova G.P. O neobhodimosti formirovaniya kommunikativnogo potenciala budushhih uchitelej v obuchenii anglijskomu jazyku. *Vestnik Rossijskogo universiteta druzhby narodov. Serija: Informatizacija obrazovanija*. 2016. No. 2. C. 95—100.
27. Biemiller, A.‘Vocabulary: needed if more children are to read well.’ *Reading Psychology*, 24:323-335. (2003)
28. Вихрев В.В., Федосеев А.А., Христочевский С.А. Практическое внедрение информационных технологий на основе метода проектов //Ж. Педагогическая информатика. – Москва, 1993. № 1. – с. 26-28.
29. Воронина Г.И. Система дополнительного педагогического образования: Новые ориентиры. //Ж. Иностранные языки в школе. –Москва, 2000. №3. C.56-59.
30. Gardner, R. C. *Social psychology and language learning: The role of attitudes and motivation*. London: Edward Arnold, 1985, p. 10.

- 31.Гмурман.В.Е. Теория вероятностей и математическая статистика. –Москва: Высшая школа.- 1999, 367 с.
- 32.Давирова.Г. Ижодий услуб-энг зарур сифат //Халқ таълими.-Тошкент, 2001.№6.-Б.24-26.
- 33.Davis N., Fletcher J., Groundwater-Smith S.. The puzzles of practice: Initiating a collaborative research culture. Australian Association for Research in Education (AARE) International Education Research Conference, 29 Nov. – 3 Dec. 2009. Australia, Canberra. [www.aare.edu.au//09rap/dav091506.pdf](http://www.aare.edu.au//09rap/dav091506.pdf), April 2014
- 34.Давлетшин М.Г Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон. 1999. -29 б.
35. Джураев Р.Х., Рахимов Б.Х. Факторы, влияющие на процесс формирования молодёжной субкультуры будущего учителя. Сб.статьй/Под обхей редакцией О.В.Красновой и Б.В. Кайгородова. – М.: Издательство Московского психолого-социального института, 2008. – с-61-66.
36. Duke,N. and Moses, A. 10 research tested ways to build children“s vocabulary. New York,NY: Scholastic Inc. (2003)
37. Dornyei, Z. (2001). Motivational strategies in the language classroom. Cambridge: Cambridge University Press.
38. Jones, R. (Ed.). (2012). Discourse and creativity. Harlow: Pearson.
39. Завитова Т. Ю., Маркелова. Д. М. — Текст : непосредственный, электронный // Молодой ученый. — 2019.

— № 11 (249). — С. 243-247. — URL:  
<https://moluch.ru/archive/249/57301/> (дата обращения: 19.04.2020).

40. Зарипов К. Янги педагогик технологияни татбик этиш босқичлари. // Халқ таълими. –1997. – № 4. – Б. 4-12.

41. Иванова Марфа Николаевна, Бояркина Светлана Анатольевна. //Самостоятельная исследования и креативный подход при изучении иностранного языка докторская диссертация. Якутия.

42. Йўлдошев Ж.Ғ. Ўзбекистон Республикаси- таълим тараққиёти йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 92 б.

43. Karabulatova, Z.V. Polivara, R.R. Zamaletdinov. Ethno-linguistic peculiarities of semantic perception of language competence of tatar bilingual children. World Applied Sciences Journal (Education, Laws, Economics, Language and Communication): IDOSI Publications. 27: 141-145 (2013).

44. Kerimbaeva B.T., Iskakova P.K. Psychological aspects of training with using of modern information technologies // Global Science and Innovation: materials of the IV international scientific conference. March 12–13th. Chicago. USA, 2015. P. 320—324.

45. Kitao, S. K., Kitao, K., Nozawa, K., Yamamoto, M. *Teaching English in Japan*, 1995,  
<http://www1.doshisha.ac.jp/~kkitao/library/article/tejk.htm>

46. Кондратова Л.В. Методика подготовки будущего учителя к педагогическому взаимодействию с учащимися. Учебное пособие. - М.: Прометей МПГУ, 1990. - 160 с.
47. Kondrateva I. G., Nazarova M. V. Integration of science and language in teaching english // Journal of Language and Literature, ISSN: 2078–0303, Vol. 6. No. 3. Iss.1, August, — 2015 — p. 206.
48. Кососгова А.С. Педагогические основы творческого самовыражения как фактора становления будущего учителя: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Хабаровск: 2000. – 45 с.
49. Креативная педагогика: методология, теория, практика / Под ред. Ю. Г. Круглова. — М.: МГОПУ им. М. А. Шолохова, изд. центр «Альфа», 2002. — 276 с.
50. Cremin, T., Barnes, J., & Scoffham, S. (2009). Creative teaching for tomorrow: Fostering a creative state of mind. Kent: Future Creative CIC.
51. Лихачёв.Б.Т. Педагогика /учебное пособие .-М.: Юрайт 2001.-607с.
52. Luce, R. W. *Motivating the Unmotivated Hocking Technical College, Nelsonville, OH Volume XII, Number 8, Innovation Abstracts The National Institute for Staff and Organizational Development, 1990.*

53. Maley, A. (1997). Creativity with a small ‘c’. *The Journal of the Imagination in Language Learning and Teaching*, 4. Retrieved from <http://www.njcu.edu/cill/journal-index.html>

54. Маматова Х. Умум таълим мактаб ўқувчиларины ўқитишда креатив ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари// Мактаб ва ҳаёт. Илмий методик журнал № 8.2019 йил.

55. Маматова X. A creative approach to teaching foreign languages in universities with technical profile// Herald of institute 2019 #2

56. Mukhametshina R.F., Galimullina A.F.. Inculcation of bimetal personality in context of cultural dialogue (as exemplified by Tatarstan schools). *Middle-East Journal of Scientific Research: IDOSI Publications*. 20(12): 2135-2138 (2014).

57. Miloradov S. A. Some problems of teaching English in high school // Scientific-methodical electronic journal «Concept». — 2014. — № 4. — p. 91–95. — URL

58. Murtaza A. Sh.Modern methods of teaching English in higher education // KazNU Bulletin. International relations and international law series. 2016. -No1 (73) — p.260.

59. Назарова Б.А. //Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялашнинг илмий-назарий асослари// монография Т.: «Фан ва технология» нашриёти 2017.164б.

60. Назарова Б.А. Воспитание исследовательские компетентности у будущих учителей в процессе непрерывного образования //Узлуксиз таълима. – 2017. – № 1. – С. 60-64.
61. Niyazova G.T., Kerimbaeva B.T. The methodology of the formation of the communicative orientation of the «ITT» in the institutions of higher education // Journal of Language and Literature. Vol. 6. Issue 4. November, 2015. P. 351—354.
62. Олимова Д. Олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив кўнижмаларини шакллантириш: Пед.фан.ном. дисс. .... автореферати:- ЎзПФИТИ: 2005.-23 б.
63. Остроумов А.И., Остроумова О.Ф.. Креативность и креативное обучение как слагаемые модернизации образования в России. Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота. 2(28): 149-153 (2013).
64. Petty G. Teaching Today. 3rd ed. Cheltenham, the UK: Nelson Thornes Ltd.,2004.
65. Психология. Словарь/ под общей ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского.-2-е изд., испр. И доп.-М.: Политиздат, 1990. – 494 с.

66. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш асослари. Монография. – Т.: Фан. 2007. – 152 б.
67. Рахимов Б. Талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ижтимоий-педагогик асослари. Пед.фан. док.дис.... –Т. : 2009. –244-б.
68. Раҳматова Ф. Г. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш технологиясини такомиллаштириш// .13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд.2020 й. 172 б.
69. Реан А. А. и др. И. Психология и педагогика. Реан А. А., Бордовская Н. В., Розум С. И. – СПб.: Питер, 2001. – 432 с.
- 70.Рензулли Дж. Модель школьного обучения // Основные современные концепции творчества и одаренности/ Под ред. Д. Б. Богоявленской. – М., 1997. – С. 214–242.
71. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога в образовании. – М.,1995. – С-570.
72. Салми Д., Фрумин И.Д. Российские вузы в конкуренции университетов мирового класса./Ж. Вопросы образования. – 2007. – №3. – 5-45 с.
73. Скибицкий Э.Г.,Скибицкая И.Ю. Формирование компонентности начинающего исследователя //Ж. Инновации в образовании. 2007. №9. – С.80-90.

74. Сластенин В.А., Михенко А.И. Профессионально-педагогическая подготовка современного учителя. //Ж. Сов. педагогика. 1991. № 10. – С. 79-84.
75. Schmidt, Torben & Küppers\_ Almut 2009. Inszenierungspotenziale im Englishunterricht. In: Praxis English Heft 5/2009, S.3.
76. Sternberg, R. J. (ed.) (1999). Handbook of creativity. Cambridge: Cambridge University Press.
77. Touba, N. *Large classes: Using groups and content.* English Teaching Forum, 37(3), Jul-Sep.,
78. Улько, Е.Волкова, Н.Царикова, Н.Мухамедова, Н.Исамухамедова, Р.Зирянова Professional Development for Uzbekistan English. Teachers Training Toolkit. Module 1,2. 2009
79. Ўзбек педагогик антологияси. -Т.: «Ўқитувчи», 1995. I жилд. Тузувчи муаллифлар: К.Хошимов, С.Очил.- Т.: Ўқитувчи. 464 б
- 80.Ўзбек педагогик антологияси. -Т.: «Ўқитувчи», 1999. II жилд. Тузувчи муаллифлар: К.Хошимов, С.Очил.- Т.: Ўқитувчи. 480 б.
- 81.Ўзбек педагогикаси тарихи.: Олий ўқув юртлар учун қўлланма. //А.Зуннуновнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи. 1997.- 272 б.

82. Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг меъёрий хужжатлари (Ўзбекистон Давлат стандарти. Олий таълимнинг ДТС). -Т.:2001.-146.
83. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –1-жилд. -Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2000. –736 б.
84. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –3-жилд. -Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. –704 б.
85. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 4-жилд.-Т.: ЎМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. –704 б.
86. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 5-жилд.-Т.: «ЎМЭ Давлат илмий нашриёти», 2003. –704 б.
87. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 7-жилд.-Т.: «ЎМЭ Давлат илмий нашриёти», 2004. –704 б.
88. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –9-жилд.-Т.: «ЎМЭ Давлат илмий нашриёти», 2005. –704 б.
89. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. Концепция конвергенции и интеграции подходов к обучению, ориентированных на ожидаемый результат учения и процесс развития мышления // «Ta`lim muammolari» 2003.№3.c33-39
90. Fisher, P. and Blachnowicz, C‘Vocabulary instruction in a remedial setting.’Reading and Writing Quarterly, 21:281-300 (2005)
91. Fisher, R. (2004). What is creativity? In R. Fisher & M. Williams (Eds.), *Unlocking creativity: Teaching across the curriculum* (pp. 6-20). New York: Routledge.

92. Харламов И. Ф. Педагогика в вопросах и ответах. – М.: Гардарики, 2001. – 256 с.

## **Интернетдан олинган маълумотлар**

93. .Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш –...uzbekistan24.uz/uzk/yangiliklar/7/242/ 266\*\*\*

94. .Жолдасбекова К.А. Развитие креативного мышления студентов в процессе обучения. [www.rusnauka.com/29\\_NIOXXI\\_2012/Pedagogica/2\\_118805.doc.htm](http://www.rusnauka.com/29_NIOXXI_2012/Pedagogica/2_118805.doc.htm)

95. (ZKM | Zentrum für Kunst und Medientechnologie

96. Lorenzstr. 19, 76135 Karlsruhe, [www.zkm.de](http://www.zkm.de))

97. (Санъат ва коммуникатив технологиялар маркази. Лореншрасе 19.76135 Карлсруе)

98. <http://www.TDPU.uz>.

99. <http://www.Guldu.uz>.

100. <http://www.samdu.uz>.

101. <http://www.ziyonet.uz>.

**Халдарчаева Г.С.**

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА  
ҮКИТИШ**

Мұхаррір:

Х. Тахиров

Техник мұхаррір:

С. Меликузиева

Мусақхұ:

М. Юнусова

Сағифаловчи:

А. Зиямұхамедов

**Нашриёт лицензия № 2044, 25.08.2020 й.**

Бичими 60x84 1/16. "Times new roman" гарнитура, кегли 14.. Offset босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 дона Буюртма № 101

**Zebo prints МЧЖда чоп этилди.**

Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани,  
22-ҳарбий шаҳарча



9 789910 996580